

АГАТА КРИСТИ

Кутубхонадаги
мурда



И (Аксел)
К 81

Энг сара **100** асар

Kitob shu erda ko'rsatilgan muddatdan
kechiktirilmagan holda topshirilishi shart

ilgarigi berilmalar miqdori _____

--	--

Энэ сара 10 асар






УШБУ РУКНДА:

Қуёш остидаги ёвузлик
Алифбо бўйича қотиллик
Қийшиқ уй
Жавдар тўла чўнтак
Катта тўртлик
Кутубхонадаги мурда
Рожер Экرويدнинг сирли қотили
Учинчи қиз
Эндхауз жумбоғи
Раққосанинг маржони (ҳикоялар)

АГАТА КРИСТИ

Кутубхонадаги мурда



Тошкент

SPECTRUM
NASHRIYOTI

2018

УЎК 821.111-312.4
КБК 84(4Ббр)
К 81

Лойиҳа муаллифи
Умида Раджабова

Таржимон
Комила Носирова

Кристи, А.

К 81 Кутубхонадаги мурда [Матн]: детектив/А. Кристи; таржимон К. Носирова. – Тошкент: Spectrum Media Group, 2018. – 176 б.
ISBN 978-9943-4856-1-7

Кутубхонадаги мурда – ақл-заковати, топқирлиги билан жиноятларни полициядан аввал фош қиладиган мисс Марпл ҳақидаги навбатдаги асар. Роман нисбатан ихчамлиги, воқеалар ривожи қизиқарлилиги билан ўқувчини зериктирмайди.

Бир куни эрталаб полковник Бантрининг ётоқхонасига оқсоч ваҳима билан кириб, кутубхонада жасад ётганини маълум қилади. Уй эгалари бу хабарга ишона олишмайди, ахир бундай воқеани изқуварлар ҳақидаги асарлардагина учратиш мумкин. Нотаниш малласоч қиз тунда кутубхонада бўғиб кетилган. Полковник дарров полицияни чақиради, хотини эса бу вақтда дугонаси мисс Марплга мурожаат қилади. Ана шундан сўнг меҳмонхонада ишлаган ўн саккиз ёшли қизга, шунингдек, бошқаларга оид сирлар очила бошлайди.

УЎК 821.111-312.4
КБК 84(4Ббр)

ISBN 978-9943-5355-3-4

© К. Носирова, 2018.

© «Spectrum Media Group», 2018.



1

Миссис Бантри туш кўрди: нўхатгуллар кўрғазмасида биринчи ўринни олибди! Мукофотни махсус кийимдаги пастор¹ топширибди. Чўмилиш кийимидаги пастор аёл эса унга ёрдамлашибди. Табиийки, бу туш ўнгида юз берганда, аёл бу кийими учун қавмидан яхшигина танбех эшитарди.

Миссис Бантри тонгги уйку оғушида узурланиб ётаркан, хизматкор аёл ҳадемай эрталабки бир пиёла чойни олиб келиши керак эди. Ҳали ғира-шира бўлишига қарамай уйда турли овозларни эшитиш мумкин эди. Мана, оқсоч дераза пардасини тортди, хизматкор йўлакни супуряпти, кимдир кўча эшик лўкидонини шақирлатди.

Янги кун бошланди. Миссис Бантри гуллар кўрғазмасининг оромбахш лаҳзаларидан завқланишга ошиқарди, чунки сўнгги дақиқада бирор кўнгилсизлик бўлишидан чўчирди.

Биринчи каватдаги меҳмонлар хонасининг ёғоч деразалари тарақлаб очилди. Бу товуш уни бутунлай уйғотмади, деразанинг олдинга-орқага бориб келиши, дириллаш ва тинғиллаш яна ярим соат давом этишини биларди. Бу товушларга у ўрганиб қолганди, шунинг учун эътибор бермади. Оқсоч Мэри эшигини тақиллатганда, коленкор кўйлак²нинг шитирлаши ва патнисдаги идишнинг жаранглаши унга қўшилиб, товуш авжига чиқади.

Миссис Бантри уйку аралаш хўмрайди. Тасаввурига ноодатий бир нима бостириб кирди: шошқин қадам товушлари. Қулоғи патнисдаги чинни идишнинг нозик

¹ Пастор – протестант мозҳабидаги рухоний.

² Коленкор кўйлак – калин сурпдан тикилган кўйлак.



жаранглашини илғашга беҳуда уринарди: бу тонгда уни эшитиш насиб этмади. Бирдан эшик тақиллади ва у беихтиёр кўзларини очмай гапирди:

– Кирақолинг!

Эшик очилди, лекин ҳеч ким одатдаги каби дераза пардасини очмади. Ётоқхонадаги ярим коронғиликдан Мэрининг кўркув исканжасидаги ҳарсиллаган овози эшитилди:

– Хоним! Хоним! Кутубхонада мурда ётибди!

Оқсоч шундай деди-ю, қандай шошилиб кирган бўлса, шундай тезликда чиқиб кетди.

Миссис Бантри карахт бўлиб ўрнидан турди ва яна каравотга ўтирди. Нима бу? Ғалати туш давом этяптими? Ёки Мэри чиндан ҳам ётоқхонасига «Хоним, кутубхонада мурда ётибди!» деган ақлга сиғмайдиган нохуш хабар билан отилиб кирдимиз?

– Ақл бовар қилмайди, – деб минғиллади миссис Бантри. – Бу туш, албатта.

Аммо энди бу тасаввур ҳосиласи эмаслигини биларди. Одатда, босиқ Мэри шундай сўзларни айтди. Бир муддат мулоҳаза юритгач, миссис Бантри ёнида ухлаётган эрини тирсаги билан туртди:

– Артур! Артур, уйғон!

Полковник тушуниб бўлмайдиган бир нима деб минғиллади ва нариги ёнига ўтирилди.

– Артур, унинг нима деганини эшитдингми?

– Албатта, – деди эри уйқу аралаш. – Фикрингга тўлиқ қўшиламан, Долли.

Артур яна ухламоқчи эди, Миссис Бантри елкасидан ушлаб силкитди:

– Кулок солсанг-чи! Мэри кутубхонада мурда ётибди, деди.

– Нима ётибди?



– Мурда. Кутубхонада.

– Ким айтди?

– Мэри.

Полковник Бантри муаммони шартта ҳал қилди:

– Бўлмаган гап, азизам! Туш кўргансан.

– Йўқ. Аввалига мен ҳам шундай деб ўйладим. Лекин Мэри чиндан ҳам бу ерга кирди. Шу сўзларни айтди.

– Мэри мурда ҳақида хабар бериш учун кирдимиз?

– Худди шундай.

– Лекин бу ғирт бўлмағур гап-ку!

– Тўғри. Лекин у бўлмағур гапни гапириб нима қилади?

– Шунчаки у хали бу ерга келгани йўқ!

– Келди!

– Ишонавер, сенга шундай туйилган.

– Ҳечам-да.

Энди полковник буткул уйғонди. Миссис Банtring бағрига босиб, тинчлантиришга уринди:

– Бас, азизам. Ҳаммасига сен кечаси ўқиган полициячилар ҳақидаги роман сабабчи. «Синган гугурт чўпи сири», шундайми? «Лорд Эдкбастен кутубхонаси гиламида гўзал малласочнинг мурдасини топди...» деганга ўхшаш. Романларда мурдалар доим кутубхоналардан топилади. Ҳаётда эса бунақасини эшитмаганман.

– Балки ўз кўзинг билан кўрарсан. Бориб қараб кел-чи!

– Асло, Долли. Дахшатли тушинг воқелик билан қўшилиб кетди.

– Тушимга мурда киргани йўқ. Мен гуллар кўргазмасида эдим, пастор аёл эса чўмилиш кийимида юрганди... ҳар қалай, шунга ўхшаш кийимда.



Миссис Бантри аччиқланиб турди-да, пардани сурди. Хонага кузги тонг қуёшининг ёруғ нурлари туша бошлади.

– Қасам ичаман, бу туш эмас, Артур. Илтимос қиламан сендан, пастга тушиб, ҳаммасини аниқлаб кел.

– Пастга тушиб, нима дейман, кутубхонада мурда ётибдими, деб сўрайманми? Ахир мени ҳамма хизматкорлар эсини еб қўйибди деб ўйлайди-ку!

– Ҳеч нимани сўрамайсан. Агар мурда чиндан ҳам... Мабодо Мэри ақлдан озган бўлса-чи? Ёки кўзига йўк нарсалар кўринаётган бўлса-чи? Агар мурда ётган бўлса, буни билиб оласан. Шунинг учун пастга туш, тамом.

Полковник минғиллаб халатини кийди. Йўлакдан ўтиб, зинадан тушди. Пастда хизматкорлар тўдалашиб олган, аёллар йиғларди.

Бош хизматкор обрў сақлаб, олдинга чикди.

– Тушганингиз жуда яхши бўлди, жаноб! Келгунингизча ҳеч нимага тегмасликни буюрдим. Полицияга қўнғирок қилайми?

– Нима сабабдан?

Бош хизматкор ошпаз аёлнинг елкасига бошини қўйиб, ҳиқиллаб турган Мэрига таънали каради.

– Мэри сизга хабар қилган деб ишонгандим, жаноб. У менга шундай деди.

Мэри бидирлади:

– Эҳ, нима деганим ўзимнинг ҳам эсимда йўк! Азбаройи кўрқиб кетганимдан оёқларим халигача титраяпти. Ҳушимдан кетиб қолмаганимга ҳайронман! Ахир у ерда буни биринчи бўлиб мен кўрдим...

– Мэри яна миссис Билзнинг пинжига кирди, у эса Мэрини тинчлантиришга уринарди:

– Етар, қизалок, етар.



– Мэри, албатта, қаттиқ таъсирланиб кетган, жаноб,
– изоҳ берди бош хизматкор. – Даҳшатли топилмани
айнан у топди. Одатдагидек, пардаларни суриб кўйиш
учун кутубхонага кириб, мурдани босиб олибди!

– Кутубхонамда мурда бор демоқчимисиз?.. Менинг
кутубхонамда-я?!

Бош хизматкор ночор йўталиб кўйди:

– Балки ўзингиз кўрарсиз, жаноб?

2

– Алло, полиция маҳкамаси эшитади. Ким гапир-
япти? – констебль³ Пэлк бир кўли билан ёқасининг туг-
масини тақиб, бошқаси билан гўшакни ушлаб турарди.

– Ҳа, бу Госсингтон қасрими? Хайрли тонг, жаноб!

– Полициячининг овозидаги расмийлик йўқолди. У
полковник Бантри, округ бош судьяси ва спортнинг
барча маҳаллий турлари жонкуяр хомийсини таниди.

– Қандай ёрдам беришим мумкин, жаноб? Кечирасиз,
яхши эшитмадим. Мурда дедингизми? Нотаниш аёл?
Жуда соз. Менга суянишингиз мумкин, жаноб!

Пэлк гўшакни кўйиб, ҳуштак чалди-да, бошлиғига
кўнғироқ қила бошлади. Миссис Пэлк қовурилган
беконнинг ёқимли ҳиди келаётган ошхона эшигини
сал очди.

– Яна нима бўлди?

– Ҳайратланарли воқеа! Ҳозиргина Госсингтон
қасрида, полковникнинг кутубхонасида ёш аёлнинг
мурдаси топилибди.

– Ўлдирилганми?

– Бўғиб ўлдирилган, шекилли.

³ Констебль – Англия ва Америкада полициячиларнинг қуйи
унвони ва унинг эгаси.



– У ким экан?

– Полковник танайман деяпти.

– У ҳолда уникида нима қилаётган экан?

Пэлк бирдан «жим бўл» ишорасини қилиб, хотинига қўл силкиди. Гап оҳанги ўзгарди:

– Инспектор Слэк, констебль Пэлк хабар берапти. Бугун эрталаб еттию чоракда ёш аёлнинг мурдаси топилгани ҳақида хабар олдим...

3

Телефон жиринглаганда, мисс Марпл кийинаётган эди. У бундан биров ташвишга тушди: телефонда бекорчи гапларни гаплашишга ҳали жуда эрта. Кекса хоним кун тартибини бузишларига тоқат қилмасди.

– Э Худо, – деди у телефонга тикилиб. – Ким бўлиши мумкин?

Қишлоқдаги танишлари уни тўққиз яримдан олдин безовта қилишмасди. Айнан шу вақтда кунлик режалар ва оқшомга таклифлар муҳокама қилинарди. Фақатгина қассоб, агар буюртмани бажаролмаслигидан огоҳлантирмоқчи бўлса, тўққиздан олдин кўнғирок қилишга журъат этарди. Аммо ғалати Реймонд Уэст асло эрта турадиганлардан эмасди. Йўқ, эрталабки саккизгача тинмай кўнғирок қилишга ҳеч ким жазм этмасди. Ҳатто телеграмма учун жуда эрта: почта кечроқ очилади.

«Адашиб тушган бўлишса керак», – деб ўйлади мисс Марпл, лекин барибир гўшакни кўтарди.

– Сизмисиз, Жейн?

– Бугун эрта турибсиз, Долли!

Миссис Бантринг овози бўғиқ эшитилди.

– Бизникида даҳшатли воқеа содир бўлди!

– Айнан нима бўлди, азизам?



– Кутубхонадан мурда топдик.

Мисс Марпл бир муддат каловланиб қолди: дуго-наси ақлдан озмадимикин?

– Нима топдим дейсиз?

– Эҳ, тушунаман, хайрон бўляпсиз. Ўзим ҳам бунақаси фақат романларда бўлади дердим.

Мисс Марпл ўзини босиб олиб, яна ажабланиб сўради:

– Кимнинг мурдасини?

– Малласочнинг.

– Кимнинг-кимнинг?

– Хушрўй малласочнинг... ҳаммаси романларда-гидек! Ҳеч биримиз уни танимаймиз. У кутубхонада ўлиб ётибди. Тезроқ келишингиз керак!

– Боришим керак?

– Ҳозироқ сизга машина жўнатаман, хўпми?

– Албатта, агар рухий далдага эҳтиёж сезаётган бўлсангиз...

– Э далдани кўяверинг! Сиз доим жиноят билан боғ-лик жумбоқларни осонгина топгансиз...

– Ошириб юборяпсиз. Улар фақат назарий ютуқлар эди.

– Йўк, йўк! Қотилни аниқлашингизга ишончим комил. Бу ёш аёл бўғиб ўлдирилган. Уйим сирли қотиллик саҳнасига айланган экан, ҳеч бўлмаса, тугун-нинг ечилишидан қониқиш ҳосил қилишни истайман! Жейн, айбдорни топишга ёрдам беринг. Бу сизни қан-чалик қизиқтириб кўйишини кўрасиз!

– Хўш, азизам, агар сизга бирор ёрдамим тегса...

– Жуда соз! Биласизми, Артур менинг фикримни маъқулламаяпти. Унинг фикрича, мен бу аянчли вазиятдан ўйин-кулги кидиряпман. Шубҳасиз, фожиа юз берди. Аммо мен бу аёл билан умуман таниш эмасман.



4

Бироз диққати ошган мисс Марпл Бантри машина-сидан тушди. Ҳайдовчи илтифот билан эшикни очди.

Зинада турган полковник таажжубини аранг яширди:

– Мисс Марпл... ҳм, сизни кўрганимдан хурсандман.

– Биласизми, миссис Бантри кўнғирок қилиб...

– Албатта. Унинг ёнида кимдир бўлиши зарур. Акс ҳолда, асаблари тамом бузилади. Ҳозирча ўзини тутяпти, лекин истаган пайтда...

Эшик ёнида миссис Бантри пайдо бўлди. Эрига анча кескин оҳангда гапирди:

– Сен бу ерда нима қиляпсан, Артур? Бориб нонушта қил, беконинг совиб қолади.

– Назаримда, инспектор...

– У ҳадемай келади. Шунинг учун яхшилаб қорнингни тўйдириб ол, куч-қувват керак бўлади.

– Балки бирга борармиз?

– Кетяпман, кетяпман. – Миссис Бантри полковникни қайсар эшакни итаргандек эшик томон итарди.

– Ҳозирок борамиз, Жейн! – деб хитоб қилди у мисс Марплни қасрнинг шарқий қанотига бошлаб кетаркан.

Кутубхона эшиги олдида констебль турарди.

– Кечирасиз, хоним, лекин кириш мумкинмас. Шахсан инспекторнинг буйруғи шундай.

– Аҳмоқ эмасмисиз? Мисс Марплни танимаяпсизми? Констебль гангиб қолди.

– У мурдани кўриши керак. Бу ниҳоятда муҳим! Ўйлаб иш қилсангиз-чи, Пэлк. Қолаверса, мен ўзимнинг уйимдаман ва бу менинг кутубхонам!

Пэлк ён берди. У болалигидан маҳаллий зодагонлар қаршисида хижолат тортарди. «Балки инспектор хабар топмас», – деб ўйлади.



– Ҳеч бўлмаса, ҳеч нимага тегманглар.

– Бунга ўзимизнинг ҳам ақлимиз етади, – деди миссис Бантри кибр билан. – Асабийлашишни бас қилинг. Умуман олганда, истасангиз, бизга ҳамроҳ бўлишингиз мумкин.

Констебль бу таклифдан енгил тортди. Улардан узоқлашмаса, қоидабузарлик ҳам камроқ бўлади.

Миссис Бантри дугонасини эскича камин ёнига бошлаб борди ва ҳаяжон билан:

– Энди қаранг! – деди.

Мисс Марпл унинг найрангини дарров сездди: айнан бу ердан чўзилиб ётган жасаднинг нотабийлиги кўзга ташланарди.

Кутубхона, тўғрироғи, меҳмонлар хонаси хонадон эгаларининг феъл-атвори қандайлигини билдириб турарди: кенг, лекин бетартиб ва пала-партиш буюмлар билан жиҳозланган. Курсиларнинг ўриндиғи чўкиб қолган, катта столда эса трубкалар, китоблар ва ҳисоб қоғозлари аралашиб ётарди. Деворларда яхши оилавий портретлар ва викториан даврига мансуб бемаза аквареллар кулгили ов сахналарининг жимжимадор литографиялари билан галма-гал осилганди. Бир бурчакда гул солинган каттакон гулдон кўзга ташланарди. Бу кўхна хонада ўтган авлодлар ва бир пайтлар уларга қадрли бўлган буюмлар ҳақидаги таъсирли хотира сақланарди.

Каминга тақаб солинган тақир чикқан айиқтериси устида ёш қиз... тўғрироғи, юзи ёнига анча усталлик билан ёйилган сочлари малла рангга бўялган ёш қизнинг жасади ётарди. Унинг эғнида оқ атласдан тикилган оқшом кўйлаги бор эди. Пардоз воситалари, упа кўп сурилгани шишган ва кўкарган юзида яққол сезиларди. Кипригига сурилган туш ёноқларига оқиб, доғ бўлиб



котиб қолган, ёркин рангли лаб бўёқ эса оғзини очик ярага ўхшатиб қўйганди. Қўли ва ёзги оёқ кийим кийган оёқларининг тирноқларига сурилган қон рангига ўхшаш кизил лок кизнинг диди ёмон деган таассуротни исботлагандек эди. У меҳмонлар хонасидаги оқсуякларга хос расмиятпарастликка сира мос тушмасди!

Миссис Бантри меҳмонга пичирлаб гапирди:

– Бу бечорада нотабий нимадир бор деганимни энди тушуняпсизми?

Кекса хоним ҳаракатсиз жасадни аста кўздан кечириб, бош ирғади. Шундан кейингина у ҳам пичирлаб жавоб берди:

– Жуда ёш!

– Ҳа, хойнаҳой, – деди миссис Бантри ошкора тааж-жуб билан, гўё бу аввал хаёлига келмагандек.

Майдончадаги шағал автомобиль гилдираклари остида шитирлади. Пэлк хавотирли овозда шошиб:

– Инспектор келди! – деди.

Констебль гап эшитмаслиги учун иккала хоним ҳам кутубхонани тарк этди. Миссис Бантри олий табақа вакиллари нуфузини қуйи табақа қаршисида сақлаш керак деб ҳисобларди.

– Ҳаммаси жойида, Пэлк. Хавотирланманг.

Констебль бу сўзлардан ниҳоятда енгил тортди.

5

Полковник Бантри жаркоп бўлагини аранг чайнаб бўлиб, қаҳванинг охирги қултумини шошиб ичди-да, вестибюлга чиқишга ошиқди. Машинадан инспектор Слэкнинг кетиди графлик бош констебли полковник Мэлчетт тушаётганини кўриб, хурсанд бўлди. Мэлчетт унинг ўртоғи эди, Слэки эса умуман ёқтирмасди.



Бу Слэк деганлари муомалада ҳаддан ташқари эркин ва қўпол эди! Қандай таассурот уйғотаётгани билан иши йўқ.

– Хайрли тонг, Бантри, – деди графлик бош констебли. – Мен келганимдан нолиманг. Ахир иш ҳаддан ташқари ёмон!

– Худди шундай... қўшиламан, – деди Бантри тутилиб. – Қулоқ эшитмаган, ақл бовар қилмайдиган...

– Унинг кимлигини биласизми?

– Умуман! Биринчи марта кўряпман.

– Бош хизматкор ҳам уни танимайдими?

– Лоример ҳам худди мендек таажжубда.

– Ҳм-м... – инспектор хўрсинди.

– Балки нонушта қиларсиз, Мэлчетт? Емакхонада ҳали дастурхон ёзиғлик, – деб таклиф қилди полковник.

– Миннатдорман. Ҳозироқ текширувни бошлашни маъкул кўраман. Ҳадемай доктор Хейдок келиб қолади... Аҳа, у ҳам келди!

Иккинчи автомобиль ғизиллаб келди. Ундан хусусий ишни суд эксперти вазифаси билан бирга бажарадиган семиз доктор тушди. Унга оддий фуқаро кийимидаги икки полициячи ҳамроҳлик қилар, бирида фотоаппарат бор эди.

– Ҳамма йиғилдими? – сўради бош констебль. – Унда бошлаймиз. Слэкиннг айтишича, мурда кутубхонада.

Полковник Бантри ранжиб тўнғиллади:

– Қандайдир ғайритабиий воқеа! Хотиним уйғотганда, оқсочнинг кутубхонадаги қандайдир мурда ҳақидаги гапига ишонгим келмади.

– Ҳамдардман. Умид қиламанки, қайғули ҳодиса миссис Бантрига жуда каттик таъсир қилмаган.

– У ўзини мардонавор тутяпти! Ўша заҳоти мисс Марплни, ҳалиги, қўшни аёллардан бирини чақирди.



– Мисс Марплни? – Бош констебль қошларини керди. – Нега айнан уни? А?

– Мушкул пайтда аёллар доим бир-бирлари билан мулоқот қилишга уринишади. Шундай эмасми?

– Мен бошқа фикрдаман. Хонимлар ҳаваскорона қидирув билан шуғулланишга қарор қилишган. Ахир мисс Марпл – қишлоқ микёсида машҳур изкувар-ку! Слэк, бир гал ҳаммамизни ортда қолдиргани эсингиздами?

– Ҳа, лекин бошқа вазиятда.

– Яъни?

– Шунчаки қурбон ўша ерлардан эди. Кекса хоним атрофда бўлаётган ҳамма нарсадан хабардорлиги бора-сида эса фикрингизга қўшиламан. Аммо ҳозирги ишга унинг тиши ўтмайди!

Мэлчетт куруққина эътироз билдирди:

– Лекин сиз ҳам бу иш ҳақида ундан кўпроқ нарса билмайсиз.

– Сабр қилинг, жаноб. Мен ҳали ишга киришганим йўқ.

6

Емакхонада энди икки хоним ўтирарди. Мисс Марпл нонуштага энди қўл чўзганди ҳамки, уй бекаси савол беришдан ўзини тиёлмади:

– Хўш, Жейн?..

Мисс Марпл унга таънали қаради.

– Бу ҳодиса, ҳойнаҳой, сизга бирор нимани эслатяпти, шундай эмасми?

Гап шундаки, мисс Марпл сирли воқеаларни изоҳлаш учун қишлоқда содир бўлган майда ишларнинг ўхшаш тафсилотларини мисол келтиришни ёқтирарди.



– Ростини айтсам, йўқ, – деди мисс Марпл ўйланиб.
– Ҳозирча ҳеч бир ўхшашликни эслолмаяпман. Аммо нотаниш бечора қиз мени негадир миссис Четтининг кенжа қизини эслашга мажбур қилди. Ҳалиги, биласиз-ку... Эди ҳақида... тирноқларини кемирадиган. Юқори жағи ҳам сал туртиб чиққанди. Менимча, ҳаммаси шу. Эди ҳам кўзга ташланадиган, беўхшов кийимларга мойил бўлганини ҳисобга олмаганда.

– Ўлдирилган қизнинг кўйлагини назарда тутяпсизми?

– Ҳа, мато чиройли, лекин пала-партиш тикилган.

– Мен ҳам буни пайқадим. Туриб қолган молнинг ўрами бир гинейдан сотиладиган дўкончалардан олинган бўлса керак. Лекин... кичкина Эдига кейин нима бўлган?

– Яқинда иккинчи жойга ишга кирди, айтишларича, ундан жуда мамнун бўлишаётган экан.

Миссис Бантри ҳафсаласи пир бўлганини яширмади: таққослаш уни мушкул аҳволга солиб қўйди.

– Мен тамом ҳайратдаман, – давом этди у. – Бу қизга Артурнинг кутубхонасида нима керак бўлиб қолди? Пэлкнинг айтишича, дераза синдирилган. Балки ўғрилар тўдасидандир? Улар бирдан жанжаллашиб қолишган... Йўқ, бу асос бўшроқ!

– Тунги ўғриликка мос кийинмаган, – деди мисс Марпл.


– Ҳақсиз. Бал ёки тантанали тадбирга мосроқ. Лекин бизнинг атрофда бундай тадбир уюштирилгани йўқ!

– Ҳа... шундай, шекилли... – Мисс Марплнинг гап оҳангида иккиланиш сезилди.

– Жейн, айтинг, хаёлингизда нима бор?

– Шунчаки ўйлаб қолдим...

– Ким ҳақида?





– Бэзил Блэйк ҳақида.

– Э йўк! – деб юборди миссис Бантри. – Ахир унинг онаси билан танишман-ку.

У дугонасига илтижоли қаради. Мисс Марпл хўрсиниб бош ирғади:

– Сизнинг туйғуларингизни тушунаман.

– Селина Блэйк – шундай ҳурматли хоним... Унинг майсазордаги хошиялар жуда чиройли, бирам ҳавасим келади. Ноёб ўсимликларнинг қаламчаларига эса бир талай пул сарфлайди!

Бу афзалликлар, афтидан, мисс Марплнинг наздида у қадар аҳамиятга эга эмасди. У:

– Аммо барибир анча гап-сўз тарқалганди... – деди.

– Биладан, биладан, – шошиб маъқуллади миссис Бантри. – Ўша такасалтангнинг исмини эшитганда, Артур кўкариб кетади. Унга роса кўполлик қилганди! Ҳамма нарсага енгил қарашга ўрганиб қолган, умуман олганда, кўпчилик замонавий ёшлар сингари. Кийимлари-чи! Баъзилар кишлоқда истаган нарсани эгнига илиб олиш мумкин деб ўйлайди! Қандай бемаънилик! Ўша ерда сизга бошдан-оёқ разм солишади-да! – Бироз жим қолиб, кўшиб қўйди: – Ванначада у бирам ширин бола бўлиб кўринганди!

– Яқшанбадаги газета машҳур қотил Шевионинг болаликдаги суратини босганди. Жуда ёқимтой эди, – деди кекса хоним гап орасида.

– Лекин, Жейн, ахир сиз айнан ундан шубҳа қилмаяпсиз-ку...

– Йўк-йўк, азизам. Хаёлимга ҳам келмади. Шошилинч хулоса чиқариш менга хос эмас. Шунчаки башанг кийинган қизнинг пайдо бўлишига оид тахминлардан бири. Сент-Мэри-Мид – жуда овлоқ жой!



У факатгина Бэзил Блэйкнинг меҳмони бўлиши мумкин эди. У доим кечалар уюштиради, уникага Лондон киностудияларидан келиб туришади... Ўтган июндаги тўполон эсингиздами? Дод-войлар, кўшиқлар, дахшатли гумбур-гумбур... Ҳаммаси ғирт маст бўлиб қолган, шекилли. Миссис Берри эртаси куни синган қадаҳлар уюмини супуриб чиққанини, ваннада эса деярли буткул яланғоч аёл ухлаб ётганини айтганди.

Миссис Бантри менсимай тўнғиллади:

– Артистчалардан бўлса керак...

– Эҳтимол. Қолаверса... жаноб Блэйк баъзи-баъзида дам олиш кунлари бир хонимни... оқ-сарик сочли аёлни олиб келади.

– Лекин бу у эмас-ку? – деб хитоб қилди миссис Бантри.

– Бунга ишончим комил эмас, чунки уни яқиндан кўрмаганман. Фақат бир марта машинадан тушаётганда, кейин бир гал боғда, вилла панжараси орқасидан кўрганман: у шорти ва сийнабандда тобланаётганди. Ҳозирги ёш аёлларнинг ҳаммаси пардоз ва бўялган сочлари билан бир-бирига ўхшайди!

– Жейн, гапингиз тўғри бўлса-чи? Жумбоқни ечишга ёрдам берадиган кичкинагина бир жиҳат.

7

Полковник Мэлчетт ва жаноб Бантри худди шу муаммони муҳокама қилиш билан банд эди.

Жасадни кўздан кечиргандан сўнг бош констебль қўл остидагиларни одатдаги иш билан шуғулланиш учун қолдириб, ўзи уй эгаси билан унинг иш кабинетига кириб кетди.



Полковник Мэлчеттнинг ташвишга тушганда, калта малла мўйловларини юладиган одати бор эди. Ҳозир ҳам суҳбатдошига кўз қири билан қараб-қараб қўяркан, шу машғулот билан банд эди.

– Қулоқ солинг, Бантри. Ҳақиқатнинг тагига етишим зарур. Чиндан ҳам бу аёл билан таниш эмасмисиз?

Полковник Бантри дарров эътироз билдира кетди, лекин бош констебль унинг гапини бўлди:

– Етар, оғайни. Оқибатини ўйланг. Уйлангансиз, хотингизга содиқсиз, оилангизни яхши кўрасиз. Лекин, ўзаро айтганда, агар бу аёл билан қандайдир алоқангиз бўлса, яхшиси, бошидан менга очиғини айтинг. Иккиланишингизни тушунса бўлади: ўзим ҳам сизнинг ўрнингизда жуда мушкул аҳволда қолардим. Аммо ҳаммасини четга суриб қўйиш керак. Жиноят содир этилган, унинг сабаби аниқланиши зарур. Жин урсин! Ахир уни бўғгансиз демаяпман-ку! Сиз бунга қодир эмассиз, буни жуда яхши биламан. Бироқ унинг айнан сизнинг уйингизга яшириниб кирганини қандай қилиб эътибордан четда қолдириш мумкин? Дейлик, у бу ерга сизни кўриш учун яширинча кириб олган, орқасидан эса қандайдир нусха пусиб келган ва шу ишни қилган. Ҳамма нарса бўлиши мумкин. Нима демокчилигимни тушунапсизми?

– Мен уни умуман кўрмаганман ахир! Йўқ нарсани тахмин қилишга ҳожат йўқ...

– У ҳолда, ҳаммаси жойида. Шунинг билан, мен сизга тош отмоқчимасман. Битта даврадаги одамлармиз, сиз айтяпсизми... Унга бу ерда нима керак бўлиб қолганини билсам эди! Кўриниб турибди, у бу ерлик эмас.

– Даҳшатли тушга ўхшайди, – деди полковник Бантри.

– Унинг бу ерда нима қилганини аниқлашимиз керак.



– Мен қаердан билай? Мен уни таклиф қилмаганман.

– Албатта, лекин у пайдо бўлди-ку. Ҳаммаси сизни кўриши керак бўлиб қолганига ишора қиляпти. Хат ёки бошқа нома йўқмиди?

– Ҳеч нарса йўқ.

Полковник Мэлчетт эҳтиёткорона назокат билан сўради:

– Ўзингиз кеча кечкурун нима қилаётгандингиз?

– Соат тўққизда Мач-Бенхэмга, консерваторлар партияси бўлими йиғилишига бордим.

– Қачон қайтдингиз?

– Мач-Бенхэмдан ўндан кейин жўнадим. Лекин йўлда машина ғилдираги бўшаб қолди. Ёқимсиз ҳолат, алмаштиришга тўғри келди. Уйга чоракта кам ўн иккида етиб келдим.

– Кутубхонангизга кирмадингизми?

– Йўқ.

– Афсус.

– Чарчагандим. Дарров ётоқхонага ўтдим.

– Уйда сизни ҳеч ким кутмаётганмиди?

– Ҳеч ким. Ўз калитим бор. Лоример ўн бирда ухлашга ётади. Махсус топшириқлар бўлмаса, албатта.

– Кутубхонани, одатда, ким ёпади?

– Лоример. Йилнинг бу вақтида тахминан етти яримларга яқин.

– Кечроқ у ерга кирмайдими?

– Йўқ, мен йўқлигимда виски ва стакан қўйилган патнисни вестибюлда қолдиради.

– Тушунарли. Миссис Бантри-чи?

– Қайтгач, унинг қаттиқ ухлаб ётганини кўрдим. Оқшомни меҳмонлар хонасида ўтказган бўлиши мумкин. Сўраганим йўқ.



– Ҳозирча бунинг унчалик аҳамияти йўқ. Ҳамма тафсилотлар ўз вақтида маълум бўлади. Менга қаранг, буни хизматкорлардан бирортаси қилмаганмикин?

– Асло! – дарров эътироз билдирди Бантри. – Улар ҳалол одамлар, уйимда кўп йиллардан бери яшайди.

Мэлчетт унинг фикрини маъқуллади:

– Ўзим ҳам уларни бу ишга алоқадор деб ўйламайман. Қурбон, ҳойнаҳой, Лондондан келган... бирор олчоқ ҳамроҳлигида. Аммо деразадан ошиб тушишнинг нима кераги бор эди?!

Бантри унга қулоқ солмай минғиллади:

– Лондондан... бўлиши мумкин... бизнинг овлоқда рақс кечалари бўлмайди... фақат...

– Фақат?

– Фақат Бэзил Блэйкникини айтмаганда.

– У ким?

– Кинога дахлдор бир йигитча. Шубҳали шахс! Онаси билан битта пансионда тарбиялангани учун хотиним унинг ёнини олади. Ҳақиқатдан асримизнинг боласи! Ҳар доим кетига бир тепгим келади. У Лэншэм йўлидаги коттежда яшайди... Балки эътибор бергандирсиз – замонавий бир вилла. Кечалар уюштиради, кечаларига бакироқлар тўдаси келади. Ҳафта охирида эса бирор-бир ойимтиллани олиб келади.

– Ёш аёлними?

– Худди шундай. Ўтган ҳафтадагиси... оқ-малла сочли аёл эди. – Бантрининг юзи чўзилди.

– Малласоч? – деб такрорлади Мэлчетт ўйланиб.

– Ҳа-да. Лекин хаёлингизга келгани йўқ-ку?..

Бош констебль гапни дарров илиб олди:

– Нега келмасин? Ҳамма нарса бўлиши мумкин. Дарвоқе, бу Сент-Мэри-Миддаги сокин тунда кизнинг эғнида балга кийиладиган кўйлак бўлганига жуда



яхши изоҳ! Яхши, у йигит билан кўришиб, баъзи нарсаларни сўраш керак... Исми нима эди? Блэйкми?

– Бэзил Блэйк.

– Ҳозир уйида бўладими?

– Бугун қайси кун? Шанбами? Одатда, ўзи шанба кунни эрталаб пайдо бўлади.

– Дарҳол ўша ёққа жўнайман!

8

Даҳшатли сохта тюдорча услубда бунёд қилинган Блэйк вилласи ичида ҳамма қулайликлар мавжуд эди. Почтачилар уни «Чэтсворт» деб билишарди, Бэзилга «Бизнинг давр» деб лақаб қўйишганди, Сент-Мэри-Мид аҳолиси эса «жаноб Букернинг уйи» деб уй эгасининг номи билан аташарди.

Уддабурон жаноб Букер ўз вақтида қишлоқ ва «Мовий тўнғиз» меҳмонхонаси орасидаги фойдали ер майдонини сотиб олганди. Вилланинг олд томони йўлга қараган бўлиб, ундан биров нарида Госсингтон ер-мулки жойлашганди.

Букернинг уйини қандайдир киноюлдуз ижарага олгани ҳақида гап тарқалганда, қишлоқ аҳолиси қизиқиб безовта бўлиб қолди. Ўша ажойиб одамнинг келишини интиқлик билан кутишди. Тан олиш керак, Бэзил Блэйк кутганларидек жуда ғалати эди. Бирок аста-секин ҳақиқат юзага чиқди. Бэзил нафақат юлдуз, балки оддий актёр ҳам эмасди. Унинг исми гоҳ-гоҳида титрларда, «Янги давр» британ фильмлари ассоциацияси таркибидаги «Ленвилль» студияси декораторлари рўйхатида ўн бешинчи қаторларда кўриниб қоларди.

Қишлоқ гўзалларининг янги кўчиб келган йигитга қизиқиши дарров йўқолди. Фақат кампирлар ҳамон уни



ғийбат қилишарди. Бироқ «Мовий тўнғиз» хўжайини хурсанд эди: Бэзил ва унинг шишадорларининг келиб туриши меҳмонхона даромадини сезиларли даражада кўтарди.

Полиция машинаси боғнинг жаноб Букернинг ўзи ўйлаб топган жимжимадор тўсиғи ёнида тўхтади. Полковник Мэлчетт «Чэстворт»нинг меъморий бежамдорликларига кўз югуртириб, кириш эшиги олдига ўтди ва тепасида осилиб турган болға билан қаттиқ урди.

Кутганидан фарқли ўларок, эшикни дарров очишди. Қора сочлари узун, олов ранг чийдухоба шим ва ёрқин мовий кўйлак кийган йигит хушламай сўради:

- Сизга ким керак?
- Сиз жаноб Бэзил Блэйкмисиз?
- Дейлик, менман.
- Ижозат берсангиз, сиз билан суҳбатлашмоқчи эдим.

– Ўзингиз кимсиз?

– Полковник Мэлчетт, графликнинг бош констебли.

Йигит бетакаллуф илжайди:

- Буни қаранг! Шундай одамга керак бўлиб қолибман!

Полковник Мэлчетт вилла эгасининг кетидан бўсағани ҳатларкан, Бантрини хайрихоҳлик билан эслади: ўзининг ҳам ёш Блэйкни тепгиси келаётганди жуда! У ўзини хушмуомалаликни сақлашга мажбур қилди.

- Эрта турибсиз, жаноб Блэйк.
- Ҳечам-да. Мен ухлаганим йўқ.
- Наҳотки?
- Умид қиламанки, сиз менинг кун тартибимни аниқлаш учун бостириб келмадингиз. Бу графлик пулини бекорга сарфлаш бўларди! Хўш, гапиринг, сизга нега керак бўлиб қолдим?



Полковник Мэлчетт йўталиб олди:

– Жаноб Блэйк, биздаги маълумотларга кўра, ўтган дам олиш куни сизникига... ҳм-м... бир малласоч келган...

Бэзил Блэйк кўзларини чақчайтирди ва бошини орқага ташлаб, сурбетларча хахолаб кулиб юборди:

– Буни сизга қишлоқ жодугарлари чақишдими? Менинг кўнгилхушликларим уларга халал беряпти. Лекин полициянинг шахсий ҳаёт билан иши йўқ. Буни мендан яхшироқ биласиз.

– Тўппа-тўғри, – дея курукқина тасдиқлади Мэлчетт. – Сизнинг феълингиз ва қилиқларингизнинг менга алоқаси йўқ. Бу ерга яқин атрофда оқшом кўйлагидаги ёш малласоч аёлнинг жасади топилгани учун келдим... У ўлдирилган...

– Ақл бовар қилмайди! – деб бақириб юборди Бэзил кўзларини катта очиб. – Қаерда?

– Госсингтон қасри кутубхонасида.

– Госсингтонда? Бантриникида? Ажойиб ўйлаб топилган... Қари Бантриникида! Ўша мижғов Бантриникида!

Полковник Мэлчеттнинг юзи ғазабдан қизариб кетди. У киночи йигитнинг ўринсиз хушчақчақлигини чўрт кесди:

– Гапингизни ўйлаб гапиринг. Мен сиздан кўрсатма олишга келдим.

– Сизни малласочимни йўқотиб қўйган-қўймаганим қизиқтиряптими? Нимага... Лекин умуман олганда, умуман олганда... Яна ким келяпти?

Уй олдида тормоз қаттиқ ғижирлади. Машинадан пижамага ўхшаш қора-оқ кийимли ёш аёл сакраб тушди. Оқ-малла сочларидан ташқари, ёрқин бўялган лаблари ва тушдан пахмоқлашган киприклари кўзга ташланди. У эшикни катта очиб, ғазаб билан бақирди:



– Нега мени у ерга ташлаб кетдинг, ярамас?!

Бэзил Блэйк унга пешвоз турди:

– Энди эслаб тургандик! Нимани кутишим керак эди? Сени чақирдим, лекин ўзинг қайсарлик қилдинг.

– Мен ҳали кетмоқчи эмасдим. Жуда кўнгилли ўтаётганди!

– Ярамас Розенберг биланми? Унинг нархини билмайдигандексан!

– Ў, захар! Рашкдан ғазабинг кўзияпти, шу холос.

– Ўзингга ҳаддан ташқари юқори баҳо берма, ази-зам. Шунчаки мен бирга ётадиган аёл чапланиб олиб, ярамаснинг суйкалишига йўл қўйиб беришига чидолмайман.

– Бўлмаган гап! Ўзинг алжираб, анави қора испан аёлга ёпишдинг!

– Сен мен билан бирга бординг, ўзингни одоб доирасида тутишинг керак эди.

– Менга буйруқ беришларини истамайман. Сен мени уйга олиб келишга сўз бергандинг. Даврамдагилар билан қачон хайрлашиш эса менинг ишим.

– Шунинг учун бир ўзинг қолдинг. Менинг эса кетгим келди, кетдим. Нега аҳмоқона инжиқликларингга чидашим керак?

– Илтифот учун миннатдорман!

– Ахийри ўзинг етиб келдинг-ку.

– Қандай сурбет эканлигингни айтиш учун!

– Қўрқитиб юбординг-ку.

– Менга хўжайинлик қиламан деб ўйлама! Бундай бўлмайди.

Уларнинг нигоҳларидан учқунлар сачрарди.

Полковник Мэлчетт сониялик танаффусдан фойдаланиб, қаттиқ йўталди.



Бэзил Блэйк кескин ўгирилди:

– Қанақасига? Бутунлай эсимдан чиқибсиз... Жўнашингиз мумкин. Аммо сизларни таништириб қўя қолай: Дина Ли ва графлик полициясидан полковник Мэлчетт... Малласочим тирик ва соғлигига ишонч ҳосил қилдингизми? Боринг, қария Бантрининг шўхликларини текшираверинг! Чао!

Полковник ўзини зўрға босди:

– Тилингизни тийинг, йигит. Акс ҳолда, сизга яхши бўлмайди.

Ғазабдан кип-қизариб кетган полковник чиқиб кетди.

9

Полковник Мэлчетт Мач-Бенхэмдаги иш кабинетида охирги полиция ишларини диққат билан кўриб чиқаётганди.

– Энди ҳаммаси кафтдагидек, – деди инспектор Слэк. – Кечки овқатдан сўнг миссис Бантри бироз кутубхонада бўлган ва соат тўққиздан олдин чиқиб кетган. Чирокни ўчирган; у ёққа бошқа ҳеч ким кирмаган. Хизматкорлар ўн яримда ухлашга тарқалишган. Лоример хўжайин учун ичимликларни вестибюлда қолдириб, чоракта кам ўн бирда ўз хонасига кириб кетган. Шубҳали шовқинни ҳеч ким эшитмаган, фақат... учинчи оқсочдан ташқари. У ҳаддан ташқари кўп нарсани эшитган! Қаттиқ пичирлаш, юракни музлатувчи фарёд – хуллас, анча нарсани! Хонасидаги кўшниси, иккинчи оқсоч эса туни билан қимирламасдан ухлаганини айтиб қасам ичяпти. Хом хаёлларга бериладиган аёллар доим терговга халал беради...

– Бузиб очилган дераза масаласида нима аниқланди?



– Симмонснинг айтишича, хаваскор оддий исканадан фойдаланган, – деб жавоб берди инспектор Слэк. – Ортиқча шовқин бўлиши мумкин ҳам эмасди. Искана қаердадир ўша ерда ётган бўлса керак, лекин ҳозирча ҳеч ким топгани йўқ. Бу каби жинойтларда ишлатиладиган оддий асбоб.

– Сизга хизматкорлардан бирортаси айтганидан кўпроқ нарса биладигандек туйилмадими?

Инспектор Слэк биров иккиланиб жавоб берди:

– Йўқ, жаноб. Ундай деб ўйламайман. Улар шунчаки ташвишга тушишган. Аввалига мени Лоримернинг эҳтиёткорона босиқлиги сергаклантирди. Лекин, менимча, бу шубҳалар асоссиз.

Мэлчетт бош ирғади. Уни Лоримернинг камгаплиги ажаблантирмасди. Тийиксиз Слэк сўроқ пайтида ҳар кимда кўркув уйғотиши мумкин.

Эшик очилиб, доктор Хейдок кирди.

– Мурдани ёриб кўришга оид айрим маълумотларим асқотса керак?

– Келишингизни сабрсизлик билан кутаётгандик, доктор. Хўш?

– Янгилик жуда кам. Тахмин қилганингиздек, у бўғиб ўлдирилган. Қурбоннинг бўйнини кўйлак белбоғи билан сириб, орқага боғлашган. Бундан осони йўқ. Ёш аёл хужумдан хавотир олмаган бўлса, кўп куч сарфлашга ҳожат ҳам қолмаган. Кураш излари йўқ.

– Қачон ўлган?

– Соат ўн билан ўн икки ўртасида.

– Аниқроқ айтишнинг иложи йўқми?

– Номимга доғ туширишни истамайман. Ўндан аввал ва ўн иккидан кейин эмас. Бу аниқ.

– Иккиламчи тасаввурингиз йўқми?

– Бир нарса дейиш қийин. Каминда олов ёниб турган, хона иссиқ бўлган. Бу мурданинг қотишини кечиктирган бўлиши мумкин, албатта.



– Курбон хакида яна нима дея оласиз?

– Жуда кам нарса. У ёш, ўн етти ёшларда бўлса керак. Ҳали буткул камолга етмаган, лекин мушаклари пишиқ. Анатомик жиҳатдан ажойиб нусха. Дарвоқе, у бокира бўлган.

Шифокор таъзим қилиб чиқиб кетди. Мэлчетт инспекторга мурожаат қилди:

– Аниқладингизми, у аввал Госсингтонда бўлмаганми?

– Хизматкорлар шундай деб уқтиришяпти, саволни такрорласанг, ҳатто аччиқланишяпти. Яқин атрофда кўрганимизда, эслаб қолардик, дейишяпти.

– Ҳойнаҳой, – тасдиқлади Мэлчетт, – бу каби қизлар узокдан кўзга ташланади. Ёш Блэйкнинг махбубаси сингари.

– Тўғриси, ўша эмаслиги чакки бўлди-да. Тергов қотиб қолган жойидан қимирлаган бўларди.

– Йўл кўрсатадиган ипни бошқа жойдан қидиришга тўғри келади. Менимча, қиз Лондондан, – деди бош констебль ўйланиб. – Скотленд-Ярдга мурожаат қилган маъқул, бу кўпроқ уларнинг ваколатида.

– Бироқ нимадир уни бу ерга бошлаб келган, – деди Слэк ва эҳтиёткорлик билан кўшиб кўйди: – Барибир полковник ва миссис Бантри ниманидир билиши мумкин. Тўғри, улар сизнинг дўстларингиз...

Мэлчетт унга совуқ қаради:

– Мен ҳеч қайси тахминга эътиборсизлик қилмаяпман, шуни билиб кўйсангиз бўларди. Бедарак йўқолганлар рўйхати ёнингиздами?

Слэк бош ирғади ва машинкада терилган қоғозни узатди.

– Мана, жаноб. Миссис Сандерс бир ҳафта аввал йўқолган, сочлари қора, кўзлари мовий, ўттиз олти ёшда. Бу у эмас. Бунинг устига, эридан бошқа ҳамма унинг



лидслик коммивояжер⁴ билан қочиб кетганини биледи. Миссис Барнард, олтмиш беш ёшда... Памела Ривз, ўн олти ёш, кеча скаутлар кечасидан қайтмаган, сочлари кўнғир ранг, ўрилган, бўйи бир метру етмиш етти сантиметр...

Жаҳли чиққан Мэлчетт уни чўрт кесди:

– Бошимни қотирманг, Слэк! Бизники ўқувчи қиз эмас. Фақат...

Телефон кўнғироғи унинг гапини бўлди.

– Алло... ҳа, ҳа! Мач-Бенхэм полиция бўлими. Нима? Бир дақиқа. – У ён дафтарига тез-тез қайд қилди. – Руби Кин, ўн саккиз ёшда, касби – профессионал раққоса. Жуда соз. Бўйи бир метру етмиш беш сантиметр. Хушқад. Оқ-малла соч, кўзлари мовий, бурни қанқайган. Тахминан оқ атлас кўйлак ва кумуш парчадан ёзги пойабзал кийган. Шундайми? Нима? Ҳа, ҳеч шубҳасиз. Ҳозироқ Слэкини жўнатаман.

У гўшакни қўйиб, ходимига ошкора безовталиқ билан қаради.

– Из топилди. Глен графлиги полициясидан кўнғироқ қилишди. Дейнмутдаги «Мажестик» меҳмонхонасидан қиз йўқолган.

– Дейнмут, – деб такрорлади инспектор. – Ҳақиқатга мос. Урф бўлган катта курорт, Сент-Мэри-Мидга анча яқин. Глен графлиги чегарасида.

– Бу ердан атиги ўттиз километр нарида, – деб гапни илиб олди бош констебль. – Қиз «Мажестик» меҳмонхонасида рақс тушган. Кеча томошага бормаган ва маъмуриятда норозилиқ уйғотган. Эрталаб ҳам келмагач, дугоналаридан бири ташвишлана бошлаган.

⁴ Лидслик коммивояжер – лидслик (жой номи) хусусий корхона ёки фирма молларидан нусха кўрсатиб шаҳарма-шаҳар буюртма тўпловчи вакил, гумашта.



Слэк, дарҳол Дейнмутга боринг. Полиция бошлиғи Харперни топиб, у билан бирга ишланг.

10

Тезкорлик инспектор Слэкнинг жону дили эди. Автомобиль ўриндиғига сакраб чиқиш ва ўзи ниҳоятда банд бўлгани учун кимнингдир сафсатасини чўрт кесиш – унинг севимли одати.

У Дейнмутга яшиндек етиб бориб, полиция бўлимида ўзини таништирди, меҳмонхонанинг кўрқоқрок директорини сўроқ қилди-да, хайрлашаётганда унга маънодор қилиб гапирди:

– Ишни бошлаб юборишдан олдин бу айнан сизнинг ўйинчингиз эканлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Мач-Бенхэмга ҳам Руби Киннинг холаваччаси билан худди шундай шиддат билан жўнаб кетди.

Бош констеблни кўнғироқ қилиб огоҳлантиришган, Слэки кутаётганди, бироқ барибир бетакал луф хитоб уни таажжубга солди:

– Мана, Жози билан етиб келдик, жаноб!

Полковникнинг совуқ нигоҳида савол аниқ сезилди: Слэкнинг эси жойидами?

Ёш аёлнинг ўзи унга ёрдам берди.

– Мени ишда шундай аташади. – У тоза ва бир текис тишларини кўрсатиб, илтифотли жилмайди. – «Реймонд ва Жози» – рақс сахнамизнинг номи шундай. Тўлиқ исмим эса Жозефина Тернер.

Полковник Мэлчетт изоҳни эшитиб, мисс Тернерга разм солишда давом этганча ўтиришга таклиф қилди. Ёш аёл ўттизга яқинлашиб қолган, ақлли ва бамаъни кўринарди. Асло «машъум аёл» тоифасидан эмас, меъёрида жозибадор ва ёқимли. Бироз пардоз



килган, жиддий, башанг костюмда. «Ташвишга тушган, лекин қайғуга ботмаган», – деб ўйлади полковник.

Аёл ўтираётиб:

– Бу ҳақиқат эканлигига ишаноламан! – деди.
– Балки ўлдирилган Руби эмасдир?..

– Мисс Тернер, жавобни биз айнан сиздан кутяпмиз. Афсусдаман, лекин туйғуларингизни синовдан ўтказишга тўғри келади.

– Нима... кўриниши шунчалик кўрқинчлими?

– Шубҳасиз, хаяжонга тушасиз.

– Демак, истайсизки... Уни ҳозир кўришим керакми?

– Шуниси тўғри бўлади, мисс Тернер. Ўлдирилган аёлнинг шахсини аниқламагунча олға силжий олмаймиз. Қанча тез бўлса, шунча яхши.

– Майли.

Машина уларни ўликхонага олиб борди. Жози у ердан чиққанда, титрарди. Юзи оқариб, сўппайиб қолганди.

– Руби экан! Бечора қизча!.. Эҳ, юрагим бирам ачишяптики! – У атрофга ночор аланглади. – Озгина жин бўлса эди.

Жин топилмади, лекин унга кичкина қадахда ароқ олиб келишди. Бир неча култумдан сўнг Жози тетиклашди:

– Бадбахт Руби! Қандай даҳшат! Нега эркаклар бунчалик бешафкат?

– Уни эркак киши ўлдирган деб ўйлайсизми?

Жози довираб қолди:

– Яна ким бўлиши мумкин? Шундай эмасми ахир?

– Бирортасидан гумон қиляпсизми?

У бош чайқади:

– Йўқ! Асло. Руби менга ҳеч нима айтмаган ҳам бўларди, агар... агар...

– Нега жим бўлиб қолдингиз? Очиғини айтинг энди.



– Мен фақат унинг ҳаётига қандай дахлим бўлганини тушунтириб беришим мумкин. Уч йилдан бери «Мажестик»да ишлайман. Рақс сахналаридан ташқари, бриж ўйнаш ҳам менинг вазифамга киради. Бу – ёқимли ва яхши ҳақ тўланадиган иш. Биз ташрифчилар меҳмонхона эшигидан кириши биланоқ уларга ғамхўрлик қиламиз. Албатта, хираликларсиз. Баъзилар ёлғизликни хуш кўради. Бироқ кўпчилик кўнгилхушликка ташна. Қарта ўйновчиларга улфат бўлиш талаб этилади, ёшлар учун эса рақс тушиш. Тажриба ва маҳоратга анча тез эга бўласиз.

Мэлчетт ундан давом этишни сўради. Хаёлидан ёш аёлнинг ёқимли муомаласи уни меҳмонхонанинг қимматли ходимасига айлантиради деган ўй ўтди. Ҳеч қандай заковат йўқ, лекин сира ҳам анойи эмас.

– Бундан ташқари, ҳар оқшом шеригим билан иккита мажбурий рақсим бор, – деб ҳикоя қиларди Жози. – Унинг исми Реймонд Старр... У теннис бўйича инструктор, яна рақс машғулотларини ҳам олиб боради. Ёз бошида чўмилаётганимда, тошда сирғалиб, оёғим чиқиб кетди.

Мэлчетт унинг сал оқсоқланаётганига энди эътибор берди.

– Энди рақс тушолмасдим, бундан жуда хафа бўлдим. Шундан кейин маъмурият ўрнимга вақтинчалик бошқа одам топмоқчи бўлди. Бу умуман ишдан айрилиш мумкин дегани. – Унинг мовий кўзларида қатъият пайдо бўлди. – Нонимни топиш учун курашишга тўғри келарди. Шунда хаёлимга Руби келди. Меҳмонхона маъмуриятига мажбуриятларни бўлишишни таклиф қилдим: рақсни унга топшириб, брижни ўзимга қолдиришни. Шундай қилинса, бегона одам сукилиб кирмасди. Нимани назарда тутаётганимни тушуняпсизми?

Мэлчетт бош ирғади.



– Розилик олгач, Рубига телеграмма жўнатдим. Унда ҳам ижтимоий зинапоядан кўтарилиш, яхшироқ даврага киришга ажойиб имконият пайдо бўларди. Ҳаммаси бир ой олдин юз берди.

– Тушунарли, – деди полковник Мэлчетт. – У буни эплай олдими?

– Ҳа, – деди Жози. – Ёмон чиқмади. Раққоса сифатида у мендан бўшроқ, лекин Реймонд – ажойиб шерик ва устоз. Бунинг устига у чиройликкина! Қўғирчоқ юзли нозик малласоч. Кўп бўянарди. Бунинг учун унга доим танбеҳ берардим. Лекин ўн саккиз ёшли қиз бировга кулоқ солармиди? Ҳамма нарсанинг тескарисини қилдиган ёш... Мен эса унга беўхшов грим «Мажестик» услубида бўлмагани учун ҳам танбеҳ берардим. Бу ерга нозик дидли одамлар йиғилади.

– Меҳмонхонада уни ёқтиришармиди?

– Албатта. Лекин унга назокат етишмасди. У ўзини ёшлар эмас, кекса жентльменларга яқин тутарди.

– Дўсти бормиди?

Ёш аёл Мэлчеттга тушунгандек қаради.

– Сиз ўйлаган маънода эмас. Яъни, билишимча, шундай. У сирларини яширмасди.

Мэлчетт Жозининг ахлоқий қарашлари у қадар қатъийлигига амин эмасди. Бироқ бетараф савол билан чекланди:

– Охирги марта холаваччангизни қачон кўрдингиз?

– Кеча кечкурун. Одатда, у Реймонд билан ҳар куни иккита рақс тушарди: бири – ўн яримда, иккинчиси – роппа-роса ярим тунда. Биринчисидан кейин Руби икки йигит – меҳмонхона мижозлари билан навбатма-навбат вальс тушаётганини кўрдим. Бриж билан банд эдим, лекин қарта салони ва зал ўртасида ойнали девор бор, менга ҳаммаси яхши кўриниб тур-



ганди. Ўн иккига бонг уриши биланоқ ташвишга тушган Реймонд келди: Руби сахнага чиқишга кечикаётганди. Ишонаверинг, бундан қаттиқ жаҳлим чиқди! Бу қизлар ҳар хил аҳмоқликларга ишқибоз, кейин уларни ҳайдаб юборишади. Реймонд билан Рубининг хонасига чиқдик. У ерда йўқ экан. Кийимини алмаштирган, шекилли, рақс тушганда эғнида бўлган бурмали хил-ҳила пушти кўйлак курсида осилиб турарди. Одатда, у катта тунги бал уюштириладиган чоршанбада окшом бўйи либосини алмаштирмасди. Қаёққа кетганини тасаввур ҳам қилолмасдим. Оркестрдан фокстрот⁵ни такрорлашни сўрадик, лекин Руби барибир келмади. Мажбурий сахнада Реймонд билан рақс тушишга мажбур бўлдим. Уни тунги иккиларгача кутдик. Ич-ичимдан ғазаб тошаётганди.

Ҳатто ҳозир ҳам унинг овози ғазабли янгради. Мэлчетт у ниманидир яширяпти, деб ўйлади.

– Демак, – деди у, – эрталаб Руби қайтмагани, тўшаги бузилмагани маълум бўлгач, полицияга унинг йўқолгани хақида хабар бергансиз?

Слэк унга бундай бўлмаганини телефонда айтганди. Аммо унинг Жозефина Тернерни синаб кўргиси келди.

У заррача иккиланишсиз жавоб берди:

– Йўқ, полицияга мен қўнғироқ қилмадим.

– Нега энди, мисс Тернер?

У Мэлчеттга босиқлик билан қаради:

– Менинг ўрнимда бўлганингизда, сиз ҳам бундай қилмаган бўлардингиз.

– Шундайми?

– Мен, энг аввало, ўзимни ўйлашим керак... Жанжал чиқиб, полиция келса, директор мамнун бўладими? Умуман олганда, Руби билан бахтсизлик содир бўлгани

⁵ Фокстрот – рақс тури ва рақс мусикаси.



хаёлимга келгани йўқ. Бирорта ўртоғи билан айлангани кетган бўлса, ҳадемай қайтади, деб тахмин қилдим. Келса яхшилаб танбеҳ бераман деб ўтиргандим. Буларнинг бари унинг ўн саккиз ёшидаги енгилтаклик!

Мэлчетт ўзини қайдларини титаётгандек кўрсатди.

– Чиндан ҳам. Полицияга қандайдир Жефферсон хабар берибди... меҳмонхонада яшаётган киши бўлса керак?

Жозефина Тернер қисқа қилиб тасдиқлади:

– Ҳа.

– Қизик, унга ким маслаҳат берганин? – деб сўради бош констебль.

Жозефина жакетидаги кантни асабийлик билан силаб текисларди. Полковник Мэлчеттда яна, у ниманидир яширяпти, деган шубҳа пайдо бўлди.

Жозефина хўмрайиб гапирди:

– У жаноб – ногирон. Уни мувозанатдан чиқариш осон.

Мэлчетт суҳбатни бошқа гапга бурди:

– Холаваччангизни охирги марта рақс залида бирга кўрган ёш йигит-чи?

– Унинг исми Бартлетт. Меҳмонхонага ўн кун олдин келган.

– Улар дўстлашиб қолишганмиди?

– Унчалик эмас. Ҳар қалай, бундай деб айтолмайман. – Жозефинанинг гап оҳангида асабийлик сезилди.

– Унинг ўзи нима деяпти?

– Руби рақсдан сўнг упа-элик суриш учун хонасига чиқиб кетди, деди.

– Ўшанда кийимини алмаштирганми?

– Шундай бўлса керак.

– Бу сиз аниқлаган охирги маълумотми? Кейин у...

– Йўқолган! – деб гапни тугатди Жози. – Ҳа.

– Мисс Киннинг Сент-Мэри-Мидда ёки шу яқин атрофда танишлари бормиди?



– Билмайман. Бўлиши мумкин. «Мажестик»да яқин жойлардан мижозлар бўлади. Менга ўзлари айтиш-маса, ҳеч қачон ҳеч нимани суриштирмайман.

– Холаваччангиз Госстингтон ҳақида ҳеч гапирганми?

– Госсингтон ҳақида? – такрорлади Жози ажабланиб.

– Госсингтон қасри ҳақида.

У қизиқиб қолганга ўхшарди.

– Бу номни биринчи марта эшитяпман.

– Гап шундаки, унинг жасади ўша ердан топилди, – деб изоҳ берди полковник Мэлчетт.

– Госсингтон қасри, – такрорлади Жози чўзиб. – Номи ўзгача!

Мэлчетт: «Ўзгача – энг мос сўз», – деб ўйлади.

– Полковник Бантри ёки унинг хотини билан таниш-мисиз? – деб сўради.

– Йўқ.

– Бэзил Блэйк дегани билан-чи?

Жози пешонасини биров тириштирди:

– Бу исмни эшитгандекман. Лекин ундан ортиқ эмас.

Ҳар ерда ҳозир инспектор Слэк бошлиғига ён дафтар варағини тиқиштирди. Унда шошилишда қалам билан: «Ўтган ҳафтада полковник Бантри «Мажестик»да кечки овқатни тановул қилган», деб ёзилганди.

Мэлчетт ёзувдан кўзини узиб, инспекторнинг нигоҳини учратди. Полковник биров қизарди. Слэк, шубҳасиз, чаққон ва виждонли офицер эди, гарчи бош констебль уни кўп кадрламаса ҳам. Сўзсиз даъватга жавоб беришга тўғри келди: аслида, инспектор уни ошнасини оқлаш, умуман, ўз даврасидаги одамларнинг ёнини олишга уринишда айблаётганди. У Жозига ўгирилди:

– Мисс Тернер, сиздан Госсингтон қасрига мен билан бирга боришни илтимос қилишга мажбурман.



Жози эшитилар-эшитилмас розилигини билдирди. Мэлчетт энди эшитмасди. У Слэкса кескин ва совук қараётганди.

11

Сент-Мэри-Мид қишлоғи кўпдан бери бундай бесаранжомликни кўрмаганди.

Шов-шувли гапни мисс Везерби, юзи сарик, бурни ўрдақникига ўхшаган қари қиз топиб келди. У биринчи бўлиб қўшниси мисс Хартнеллнинг эшигини тақиллатди.

– Эрталабдан безовта қилганим учун минг бор узр. Эшитдингизми?

– Нима ҳақида? – сўради мисс Хартнелл дўриллаб.

Бу аёл ўжарлиги билан танилганди, камбағалларнинг уйларини айланиб, насихат қилиб юрарди, гарчи улар мисс Хартнеллдан қочишга зўр бериб уринишса ҳам.

– Ёш аёлнинг мурдаси ҳақида, албатта. Уни бугун эрталаб полковник Бантрининг кутубхонасидан топишибди.

– Бантрининг кутубхонасидан?

– Худди шундай. Даҳшат эмасми?

– Бечора хотини! – хитоб қилди мисс Хартнелл завқланиб.

– Албатта, у бундай бўлишини кутмаган!

– Унинг хаёлида фақат гул кўргазмалари, эрини эса унутиб қўйган, – деди мисс Хартнелл айблаган каби.

– Эркакка кўз-қулоқ бўлиш керак. Ҳар куни! – деб тугатди у ғазаб билан.

– Албатта! Лекин қандай даҳшат, а?

– Мени Жейн Марплнинг фикри қизиқтиради. Унда, ҳойнаҳой, бирор тахмин бўлса керак. Ахир у тахминлар бўйича уста-ку!



– Жейн Марпл Госсингтонга кетди.

– Қанақасига? Саҳарлаб-а?

– Тасаввур қилинг, нонуштадан олдин.

– Шунақами? Лекин, тўғриси, у ҳамма ёққа бурнини тикади. Бу одобдан эмас.

– Миссис Бантри унга машина жўнатди.

– Буни қаранг! Жуда ғалати.

Қисқа жимлик чўкди. Бу пайтда иккови ҳам янгиликни «ҳазм қилди».

– Ўлдирилган ким? – деб сўради мисс Хартнелл.

– Ҳалиги... Бэзил Блэйкникига келиб турган аёл.

– Оч малласочми? Сочини кимёвий йўл билан паҳмоқ қилиб олган? – мисс Хартнелл замондан ортда қолган, пероксид ёрдамида очартирилган соч билан оқ-малла сочнинг фарқига бормасди. – Майсазорда деярли яланғоч бўлиб ётадиганми?

– Ҳа, азизам. Уни қасрда гилам устида бўғиб ўлдирилган ҳолда топишган.

– Ақл бовар қилмайди... Госсингтонда...

Мисс Везерби маънодор бош ирғади.

– Бундан чикди, полковник Бантри... ҳам?

Тафсилотларни англаб завқланиш учун яна жимлик чўкди.

– Ярамас суюқоёк! – хитоб қилди мисс Хартнелл ҳақли ғазаб билан.

– Аммо хотинини бунақа алдаш...

– Лекин жаноб Бантри хушмуомала ва инсофли эркак.

– Ҳамма нарса писмиқдан чиқади. Жейн Марплнинг сеvimли ибораси, – луқма ташлади мисс Везерби.



12

Миссис Прайс Ридли янгиликдан анча кечикиб хабар топди. Бой беванинг кошонаси руҳонийнинг уйи ёнида жойлашган эди. Хабарни хизматкори Клара айтиб қолди.

– Тушунарлироқ гапир, Клара. Бантриникида камин олдида ўлик аёл топилибдими?

– Ҳа, хоним. Айтишларича, орқаси умуман очик экан!

– Бас, Клара. Аҳмоқона тафсилотларсиз гапир.

– Хўп бўлади, хоним. Аввалига уни дам олиш кунлари жаноб Блэйк билан жаноб Букернинг уйига келган анави малласоч деб гумон қилишди. Лекин энди билишса, у бутунлай бошқа экан. Балиқ сотувчининг ўғли полковник Бантридан бундай ишни кутмагандим, деяпти. Ахир у якшанба кунлари черковга эҳсон йиғади-ку!

– Дунё ёвузликка тўла, – деди миссис Редли насиҳатомуз. – Буни эслаб қол, Клара.

– Албатта, хоним. Ойим менга эркак бор уйда хизмат қилишимга рухсат бермаган бўларди.

– Жуда соз, Клара, – деб маъқуллади бека.

Руҳоний жуда яқинда яшарди. Миссис Ридли уни иш кабинетидан топди. Бу кекса одам қишлоқдаги миш-мишларга унчалик қизиқмасди.

– Ваҳшийларча содир этилган жиноят! – деди миссис Ридли ҳаллослаганча остонаданок. – Фикрингизни билишим керак, қадрли пастор!

Пастор Клемент ташвишланиб сўради:

– Нима бўлди?

– Эшитмадингизми? – Меҳмон аёлнинг гап оҳанги фожиали эди. – Жирканч можаро! Ёмон хулқли аёл... бўғиб ўлдирилган, полковник Бантриникида камин ёнида ётибди!



Пастор кўзларини катта очди:

– Лекин... соғлиғингиз жойидами?

– Тўғри, буни ақлингизга сиғдиролмаясиз. Ўзим ҳам бошида ишонмадим. Йўқ, ғирт мунофиқ-а? Шундай усталик билан ниқобда юрса!

Миссис Ридли пастордан бошқача фикр кутганди, аммо у беозоргина қилиб:

– Мен бу ерда полковник Бантрининг номига доғ туширадиган ҳеч нима кўрмаяпман! – деди.

– Сиз дунё ташвишларидан узоқда яшайсиз, кадрли пастор. Гапларимга кулоқ солинг-да. Ўтган ёки ундан аввалги сешанбада, умуман олганда, бунинг нима фарқи бор, эрталабки Лондон поездига ўтирдим. Полковник Бантри билан битта купеда кетдик. У йўл бўйи газетани юзига тўсиб ўтирди, худди у билан гаплашишимдан кўркқандек. Нимадандир безовталиги аниқ эди!

Пастор тушунгандек бош ирғади.

– Паддингтон вокзалида хайрлашдик. У таксига ўтқазиб юборишни таклиф қилди, лекин менга автобус маъқул эди. Ўзи таксида кетди...

Ўзини ғолибдек сезаётган миссис Ридли жим қолди. Оккўнгил пастор ҳамон ҳеч нимани тушунмасди.

– Яна далиллар керакми? – деди меҳмон аёл кетаётиб.

13

Миссис Бантри ва мисс Марпл Госсингтон қасрида будуар⁶га жойлашишди.

– Биласизми, азизам, – деди миссис Бантри, – жасадни кутубхонадан олиб кетишганда, қандайдир енгил тортдим. Уйда ўликнинг бўлиши, вой-ей-й!

⁶ Будуар – бой аёлларнинг алоҳида қабулхонаси ва шундай хона учун мўлжалланган мебель.



– Ҳолатингизни жуда яхши тушунаман, азизам,
– маъқуллади мисс Марпл.

– Ўзинг ҳис қилмагунингча буни тушунтириб беришнинг иложи йўқ. Эслашимча, кўшнингизникида мурда ётганди, лекин бу умуман бошқа нарса-ку! Артур энди кутубхонани ёмон кўриб қоладими деб кўрқаман. Окшомларни у ерда бирам марокли ўтказардик ки! Қаерга кетяпсиз, Жейн? – деб безовталаниб қолди у мисс Марпл соатга қараб кўйиб, ўрнидан турганини кўрганда.

– Кетишим керак. Мендан фойда камроқ.

– О, йўқ, шошманг, илтимос! Тўғри, суратга олиш тугади, бармоқ излари олинди, полиция илк хулосаларни чиқарди. Лекин нимадир менга кутилмаган янгиликлар олдинда эканлигини айтяпти. Ҳали кетадиган вақтингиз бўлмади.

Девор ортида кўнғирок жиринглади. Бека телефон ёнига чиқди ва хурсанд бўлиб қайтиб кирди.

– Ана, адашмабман, полковник Мэлчетт анави бечоранинг холаваччасини олиб келаётгани ҳақида огоҳлантирди.

– Нима учун?

– Жиноят жойини кўрсатиш учун бўлса керак.

– Бошқа сабаби ҳам бўлса керак деб ўйлайман.

– Қандай?

– Уни полковник Бантри билан учраштириш.

– Уни таниш-танимаслигини текшириш учунми? Аммо у ҳолда... бундан чиқди, Артурдан шубҳаланишаётган экан-да? – деди мисс Бантри зўрға.

– Оддий расмиятчилик, – деб тинчлантирди уни кекса хоним.

– Артурни нимага бу воқеага аралаштиришади?!

Мисс Марпл индамади, миссис Бантри унга норози нигоҳини қадаб:



– Сиздан ҳатто хаёлингизда ҳам эримни оқсочларни қарамоғига оладиган жирканч чоллар билан битта қаторга қўймаслигингизни сўрайман. Артур бунга кодир эмас, – деди.

– Йўғ-э! Албатта.

– У бизникига теннис ўйнашга келадиган чиройли қизлар билан чақчақлашишга қарши эмас, лекин фақат оталарча. Бунинг ҳеч ёмон томонини кўрмаяпман. Шундай беозор хурсандчиликдан нега воз кечиши керак? Бу менинг гулларимга ўхшайди, – деди миссис Бантри асабийлашиб.

– Қизишманг, Долли, – мурасасоз жилмайди мисс Марпл.

– Қизишмоқчи эмасман ҳам. Лекин, табиий ки, буларнинг бари мени ташвишлантиряпти. Артур ни ҳам. Уйнинг ҳамма ёғида югуриб юрган полициячилар гашимга тегяпти. Артур учун тинчланишнинг ягона йўли – мол ҳовлига бориш... Мана, полиция машинаси ҳам келди.

Автомобиль подъезд олдида тормоз берди. Полковник Мэлчетт дид билан кийинган ёш аёл ҳамроҳлигида кирди.

– Таништиришга ижозат этинг: мисс Тернер, миссис Бентри. Бу ҳалиги... жабрдийданинг холаваччаси.

– Салом, мисс Тернер, – деди уй бекаси қўлини узатиб. – Бу фожиадан қанчалик қайғуда эканлигингизни тасаввур қиляпман.

Жозефина оддий самимият билан жавоб берди:

– Ҳа, хоним. Ҳалигача ишнолмаяпман, худди кўрқинчли тушга ўхшайди.

Миссис Бантри уни мисс Марплга таништирди.

Мэлчетт гап орасида сўради:

– Ҳурматли эрингиз қаерда, хоним?

– Фермага кетди. Уни кутяпман.



– Шундай денг! – норози мингиллади Мэлчетт ажабланиб.

Миссис Бантри Жозидан сўради:

– Сизни жиноят жойига олиб борайми? Ёки бунга унчалик шошмаяпсизми?

Жози бир сония ўйлаб, хўрсинди:

– Эҳ, ҳозир бора қолай.

Миссис Бантри уни кутубхонага бошлаб борди. Мисс Марпл ва полковник Мэлчетт уларнинг кетидан юришди.

– У шу ерда, гилам устида ётганди. – Миссис Бантри бармоғи билан ишора қилди.

– О! – Жози сесканиб кетди. У саросимага тушиб қолганга ўхшарди. – Ўйлагандимки... ўйлайманки... Йўқ, мен ҳеч нимани тушунмаяпман!

– Биз ҳам, – деди миссис Бантри.

– Фикримни жамлолмайман... тагин бундай уйда, – Жози пешонасини тириштириб жимиб қолди.

Мисс Марпл ачиниб бош ирғади.

– Шуниси сирлиликни оширяпти-да, – ўзига ўзи гапиргандек мингиллади у.

– Хўш, мисс Марпл, – деди Мэлчетт ҳазил қилиб кулимсираб, – гаров ўйнайманки, сизда қандайдир тахмин туғилган.

– Шундай, шекилли, – тасдиқлади кекса хоним. – У сизни ҳам қониктиради деб умид қиламан. Биласизми, янги ўқитувчимиз мисс Мартин бир куни девордаги соатни юргизаётганда, ундан қурбақа сакраб чиққан!

Жозефина Тернер бу гапдан ҳангу манг бўлиб қолди. Сўнг миссис Бантридан пичирлаб сўради:

– Кампиршонинг эси жойидами?

– Буткул! – аччиқланди аёл.

– Узр. У мени қурбақа деб фараз қилгандек туйилди. Шу пайт полковник Бантри пайдо бўлди. Мэлчетт у билан саломлашаркан, уларни таништираётганда,



Жозефина Тернерни диққат билан кузатди. Жозининг юзида ҳеч қандай ифода сезилмади. Мэлчетт енгил тортиб, хаёлий шамалари учун Слэкни койиди.

Жози Руби Киннинг йўқолиши ҳақидаги ҳикояни, асосан, азбаройи қизиққанидан тоқатсизланиб суриштираётган миссис Бантри учун барча тафсилотлари билан такрорлади.

– Роса ташвишланибсиз-да, болам!

– О, ташвишланишдан ҳам кўра жаҳлим чикди. Ахир аввалига ҳеч нимани билмагандим.

– Лекин, шунга қарамай, полицияга мурожаат қилдингиз, – деб гапга аралашди мисс Марпл. – Эртароқ эмасми?

Жози шошиб жавоб берди:

– Полицияга мен кўнғироқ қилмадим. Жаноб Жефферсон қилди.

– Жефферсон? – деб сўради миссис Бантри.

– Ҳа. «Мажестик»да яшаётган киши. Ногирон.

– Мабодо Конвей Жефферсон эмасми? Уни яқиндан таниймиз. У эски дўстларимиздан бири. Артур, кулок сол! Конвей Жефферсон «Мажестик»да яшаётган экан, полицияга у хабар қилибди. Тасодифни қара!

– Жаноб Жефферсон ўтган ёзда ҳам «Мажестик»ка келганди, – деб кўшимча қилди Жози.

– Буни қара! Биз эса ҳеч нимани билмагандик. Уни кўрмаганимга анча бўлди-я! – У Жозига ўгирилди. – Ҳозир аҳволи қандай?

Жози бир лаҳза ўйланиб қолди:

– Яхши, шекилли... Тўғрироғи, мажруҳлигига қарамай, жуда яхши. У хушчақчак, ҳар доим ҳазиллашишга кинояли сўзи тайёр туради.

– Оиласи у билан биргами?

– Сиз жаноб Гэскелл, ёш миссис Жефферсон ва Питни назарда тутяпсизми? Ҳа, ёнида.



Жозефина бу исмларни санаётганда, гап оҳангида сиқиклик аниқ сезилди.

Миссис Бантри беозоргина сўради:

– Ёқимли одамлар, тўғрими? Мен куёви ва келинини айтяпман.

Жози мужмал жавоб берди:

– Ҳа... мен... биз... ў, албатта!

14

– Сизга бу жавоб бироз ғалати туйилмадими? – деб сўради миссис Бантри мисс Марплдан, деразадан жўнаб кетаётган полиция автомобили кетидан қараб турганларида. – Бу ерда бир гап бор!

Қари хоним бажонидил гапни илиб кетди:

– Ҳа, ҳа! Ҳойнаҳой. Бунга асло шубҳам йўқ. Жефферсонлар ҳақида гапирганда, ўзгариб қолди. Унгача эса ўзини яхши тутаётганди.

– Хўш, Жейн, сиз қандай фикрдасиз?

– Азизам, ахир сиз у одамлар билан танишсиз-ку. Уларга тегишли нимадир ёш аёлни безовта қиляпти. Холаваччасининг йўқолиши ҳақида сизга нима деганини эсланг. Жаҳли чикқанини айтди. У чиндан ҳам асабий кўринди. Эътибор беришга арзийдиган жиҳат. Менда шундай сезги пайдо бўлди... балки адашаётгандирман... холаваччасининг ўлими фақат шундай муносабат уйғотган. У холаваччасини яхши кўрмаган, бунга ишончим комил. Ортиқча кайғураётгани йўқ. Руби Кин ҳақида эслаш унга ёқмайди. Табиий савол туғилади: нима учун?

– Буни аниқлаймиз! – деди миссис Бантри.

– Дейнмутга бориб, «Мажестик» меҳмонхонасидан ижарага хона оламиз. Ҳа, Жейн, сиз ҳам борасиз. Бу воқеалардан кейин овуниш керак, шароитни ўзгарти-



риш бизга фойда беради. Сизни Конвей Жефферсон билан таништираман. У жуда ажойиб одам... шундай... ўзига тортадиган... Унинг ҳаёт қиссаси қайғули. Унинг жудаям яхши кўрадиган улғайган ўғли ва кизи, ўз оиласи бўлса-да, отасиникида узок меҳмон бўларди. Хотини билан ҳам тотув яшарди, у ҳам жуда дилбар аёл эди. Бир куни Франция жанубидан қайтишаётганда, самолёт ҳалокатга учраб, Конвейдан бошқа ҳамма ҳалок бўлган: учувчи, миссис Жефферсон, Розамунда ва Фрэнк. Конвейнинг икки оёғи майдаланиб кетган, кесиб ташлашга тўғри келган. У ўзини жуда мардонавор тутди. Шундай кувнок, ғайратли эркак ногирон бўлиб қолди. Аммо сира нолимади. Келини, Фрэнкнинг беваси у билан бирга яшайди. Биринчи никоҳидан ўғли бор. Исми Пит Кармоди. Розамунданинг эри Марк Гэскелл ҳам қайнотасини ташлаб қўймаган. Буларнинг бари жуда қайғули!

– Бугун бизда бошқа фожиа, – деб эслатди мисс Марпл.

– Ҳа, лекин Жефферсонга унинг дахли йўк.

– Кўрамиз, – деди мисс Марпл ўйчан. – Ахир полицияни айнан Жефферсон оёққа турғазди-ку?

– Чиндан ҳам, Жейн, кутилмаган тасодиф!

15

Полковник Мэлчетт қаршисида қалтираётган одам – жаноб Прескотт, «Мажестик» директори турарди. Харпер, графлик полицияси бошлиғи Гленва тунд қиёфадаги инспектор Слэк ҳам шу ерда эди. Бош констебль нима учундир терговни бутунлай ўз зиммасига олганидан унинг жаҳли чиқаётганди.

Харпер ҳиқиллаётган Прескоттга сал бўлса ҳам, далда беришга уринарди. Аммо полковник Мэлчетт қаттиққўл эди.



– Оҳ-воҳ қилишни тўхтатинг, – деди у. – Қиз ўлган. Бўғиб ўлдирилган. Ҳеч бўлмаса, жиноят сизнинг бинонгизда содир этилмаганидан хурсанд бўлинг. Терговни биз ўтказаямиз, меҳмонхона обрўсига доғ тушмайди. Лекин менда далил ва маълумотлар йўқ. Ташвишланмасангиз ҳам бўлади, сир сақлашни кафолатлаймиз. Шунинг учун фикрингизни жамланг, вақтимизни беҳуда кетказмасдан, саволларга рўйи-рост жавоб беринг. Ўлдирилган қиз ҳақида нима биласиз?

– Ҳеч нима. Мутлақо ҳеч нима! Уни Жози олиб келган. У...

– Жози қачондан бери сизда ишлайди?

– Икки йил... йўқ, умуман олганда, уч йилдан бери...

– У сизга ёқадими?

– Биласизми... у аҳмоқ эмас, ўзини эҳтиёткор тутлади. Мижозларга муомаласи ёқади. У бирпасда ҳар қандай низони бартараф қилади: ахир бриж – жуда қизғин ўйин.

Мэлчетт тасдиқлади. Унинг хотини брижга қизиқар, ўйин пайтида жуда жиззаки бўлиб қоларди.

Жаноб Прескотт давом этди:

– Жози – жуда яхши хизматчи! Мижозлар ва маъмурият ўртасида воситачилик қилишни қойиллатади. У ҳамма билан хушмуомала ва шу билан бирга қатъий.

Мэлчетт яна унинг аввалига дилбар ва латофатли эканлигига қарамай, анча оддий кўринганини хаёлидан ўтказди.

– У меҳмонхонада жуда керакли хизматчи, – кўшиб кўйди жаноб Прескотт хафа бўлиб. – Қулай пляж бор жойда, тошма-тош сакраб юриш унга нега керак бўлиб қолди, дейман. Истаганингча чўмилгин эди. Йўқ, пайи чўзилиб қолди... Ахир бу меҳмонхонага зарар-ку! Мен унга рақс тушгани, мижозлар билан бриж ўйнаб,



уларнинг кўнглини очгани учун пул тўлайман, қояларда оёғини синдиргани учун эмас! Раққоса эҳтиёткор бўлиши керак. Бу меҳмонхона ва шахсан менга нисбатан инсофсизлик!

Мэлчетт директорнинг шикоятларини тўхтатиш учун сўради:

– Ўшанда ўзининг ўрнига холаваччасини олишни таклиф қилдимми?

Жаноб Прескотт хўмрайиб тасдиқлади:

– Худди шундай. Ўрнига одам олиш менга маъқул туйилди. Табиийки, унга ҳақ тўламоқчи эмасдим. У овқат ва турар жой учун ишларди, ойликни эса ўзаро бўлишишарди. «Мажестик»да пайдо бўлгунча Руби Кин ҳақида умуман билмасдим.

– У ишни уддалаётганмиди?

– Ҳа. Таъна қилишга асосим йўқ эди. Тўғри, ёш бўлгани учун баъзан пардозни ошириб юборарди... Аммо тарбияси ёмон эмас, ўзини тутиши ҳам тузук эди. Назокат билан рақс тушарди, ҳаммага ёқарди.

– У чиройлимиди?

Ўлдирилган қизнинг шишиб кўкариб кетган юзи Мэлчеттнинг ўзи хулоса чиқаришига имкон бермаганди.

Прескотт ўйлаб кўрди.

– Айтарли унча эмас. Тулкига хос юз. Грим кўп бўлмаганда, кўзга ташланмасди. Ўзини кўрсатишни биларди.

– Кетидан юрадиганлар кўпмиди?

– Шунга ишора қилаётган экансиз-да! – аччиғи чиқаёзди директорнинг. – Бундай нарсани сезмаганман. Икки-уч йигит хушомад қиларди. Аммо ундан у ёғига ўтмасди. Улар орасида қотил йўқ. Кекса мижозларга келсак, Руби болаларча кўриниши ва бекорчи гаплари билан уларга ёқишни уддаларди.



Полиция бошлиғи Харпер ғамгин оҳангда кистирди:

– Масалан, жаноб Жефферсонга ёқишними?

– Ҳа, ўшани назарда тутдим. У кўп вақтини ўша жаноб ва унинг оиласи даврасида ўтказарди. Баъзида жаноб Жефферсон уни автомобилда сайрга олиб чиқарди. У ёшларни яхши кўради ва жуда хайрихоҳ. Тўғри тушунинг, жаноб Жефферсон – мажруҳ, фақат ғилдиракли курсида ҳаракатланади. Лекин атрофига ёшларни йиғиб, уларнинг теннис ўйнашини, сувга шўнғишини кузатишни ёқтиради... Вақти-вақти билан улар учун меҳмонхонада кечалар уюштиради. Ҳа, у ёш чеҳраларни яхши кўради. Баъзилар тахмин қилиши мумкин бўлганидек, ҳавас ёки алам билан қарамайди. Унинг феъли яхши, ўзига мафтун қилади.

– Руби Кинга алоҳида эътибор берармиди?

– Менимча, у билан гаплашиб, кўнглини ёзарди.

– Оиласи-чи? Кичкина раққоса билан дўстлигини маъқуллармиди?

– Улар ҳам унга жуда яхши муносабатда эди.

– Полицияга қизнинг йўқолгани ҳақида у хабар берди, шундайми? – деб сўради Харпер таъна қилган каби.

Директор ҳимояга ўтди:

– Бунинг ҳеч ажабланадиган жойи йўқ! Жаноб Жефферсон хонамга қаттиқ ташвишда келди: қиз тунда меҳмонхонага қайтмаган, иккинчи рақсини ижро этмаган. Бунга битта изоҳи бор эди: ким биландир бироз вақтга машинада айланишга кетган ва фалокатга учраган. Қидирувни бошлаш учун дарҳол полицияга мурожаат қилиш керак эди. У шунчалик ташвишланаётгандики, гўшакни ричагдан деярли узиб олиб, ўша захоти бўлимга кўнғирок қилди.



– Мисс Тернер билан гаплашмасдан-а?

– Жозига бу ёкмаган бўларди. У ортиқча шовқин бўлишини истамасди. Аммо буни тақиқлай олмасди-ку?

– Менимча, жаноб Жефферсонни сўроқ қилиб кўриш керак, – деди Мэлчетт. – Розимисиз, Харпер?

Полиция бошлиғи бу фикрни маъқуллади. Жаноб Прескотт уч полициячини жаноб Жефферсоннинг серхашам кошонасига кузатиб борди. Хоналарнинг деразалари денгизга қараганди.

– Чакки жойлашмабди, жин урсин! Нима, бу Жефферсон деганлари бойми? – деб сўради Мэлчетт.

– Пулни аямай сарфлайди: энг яхши хоналар, махсус таомнома, қиммат май... хуллас, ҳамма нарсанинг биринчи даражалисини талаб қилади.

Жаноб Прескотт эшикни назокат билан тақиллатди, ичкаридан аёл кишининг «Кириг!» деган овози эшитилди.

– Безовта қилганимиз учун узр, миссис Жефферсон, – деди меҳмонхона директори, – лекин бу жаноблар – полициядан, улар жаноб Жефферсон билан гаплашишмоқчи. – У таништирди: – Полковник Мэлчетт. Графлик полицияси бошлиғи Харпер... Ҳалиги... инспектор Слэк.

Миссис Жефферсон енгил бош ирғади. «Унчалик қизиқ эмас», – деб ўйлади полковник Мэлчетт, аммо аёл жилмайиб, гап бошлаши биланоқ фикри ўзгарди. Унинг овози оҳангдор янграр, пишган ёнғоққа ўхшаш жигарранг кўзларидан ақллилиги сезилиб турарди. Камтарона кўйлаги ўзига жуда ярашганди. У ўттиз беш ёшдан катта кўринмасди.

– Қайнотам дам оляпти, – деди у. – У жуда чарчаган, содир бўлган воқеа унга катта зарба бўлди. Шифокор унга уйку дори ёзиб берди. Уйғонганда, ишончим



комил, сизларни қабул қилади. Агар унгача бирор фойдам тегса... Ўтиринглар, жаноблар.

Жаноб Прескотт ўзини игна устида тургандек сезаётганди.

– Агар бошқа керагим бўлмаса...

Кетишига рухсат беришганда, енгил тортди. Эшик ёпилиши биланоқ вазият бемалолроқ бўлиб қолди. Аделаида Жефферсон ўзидан хотиржамлик ва илиқлик тарқатиш хусусиятига эга эди. Сергап бўлмаса ҳам, қизғин суҳбатни қизитиб туришни биларди. Илк гапиданоқ тўғри муомала қила бошлади.

– Бу воқеа ҳаммамизни қайғуга солди. Бечора қиз билан тез-тез кўришиб турганимизни эшитгандирсизлар. Унинг ўлганини ақлимизга сиғдиrolмаяпмиз. Айниқса, қайнотам ҳаяжонда. У Рубига жуда боғланиб қолганди.

– Адашмасам, полицияга ҳам кўнғироқ қилган?

– Мэлчетт ёш аёлнинг муносабатини кўрмоқчи эди.

Унинг юзида қандайдир ифода сезилгандек бўлди... Норозиликми, безовталиқми, англай олмади. Жавоб беришдан аввал ичдан зўриққанини сезди, холос.

– Мажруҳлиги учун у қизишиб кетиб, рухий мувозанатини тез йўқотади. Биз уни қизнинг йўқлиги сабаби жуда оддий бўлса керак, полицияга айтсак, норози бўлади, деб ишонтиришга уриндик. Лекин у қайсар. – Аёл кўлини силкиб кўйди. – Кўряпсизми, у ҳақ бўлиб чиқди!

– Сиз Руби Кинни яқиндан билармидингиз, миссис Жефферсон?

У ўйланиб қолди.

– Жавоб беришга қийналяпман. Қайнотам атрофида ёш чехраларни кўришни ёқтиради. Руби унга замонавий қиз тимсоли бўлиб кўринарди. Қизнинг



фикрлари уни завқлантирарди. Руби бўш вақтини у билан кўп ўтказарди, қайнотам эса уни автомобилда айлантирарди.

Мэлчетт: «У саволга аниқ жавоб бермади. Лекин кўп нарса билса керак», – деб ўйлади.

– Миссис Жефферсон, кеча кечки пайт содир бўлган ҳамма воқеани батафсил эслай оласизми?

– Бемалол. Аммо янги гап айтолмайманми деб кўрқаман. Кечки овқатдан сўнг Руби меҳмонхонада рақс кечаси олдидан бизга кўшилди. Биз Маркни кутаётгандик, бриж ўйнамоқчи эдик... Марк Гэскелл жаноб Жефферсоннинг қизига уйланган эди, буни биласиз, шекилли? Хуллас, у қандайдир муҳим хатни ёзиб тугаётганди. Тўртинчи одам Жози бўлиши керак эди, у ҳам ҳали келмаганди.

– Жози сизларга кўпинча шерик бўлармиди?

– Доим. Жуда яхши ўйнайди, унинг улфатчилиги ҳам бизга ёқади. Қайнотам – ашаддий ўйинчи. У бирор бегонани эмас, жон деб Жозини таклиф қиларди. Тўғри, у ҳар доим чиқа олмасди, чунки ҳар қандай мижоз билан ўйнашга мажбур, лекин бор кучи билан ҳаракат қиларди. – Аёлнинг нигоҳида ним табассум сезилди. – Маъмурият қайнотамдек фойдали мижозни афзал кўришга рухсат берарди.

– Ўзингизга-чи, Жози ёқадими?

– Ҳа. У ҳар доим яхши кайфиятда бўлади. Ишини яхши кўради, ишдан кучини аямайди. Тўғри, жуда ақлли эмас, аммо камтаргина. Шу билан бирга, жуда назокатли, ўзини жуда табиий тутлади...

– Давом этинг, миссис Жефферсон.

– Айтганимдек, Жози бриж учун шерик тўплаётганди, Марк эса иш билан боғлиқ ёзишмаларини тугаётганди. Шунинг учун Руби биз билан одатдагидан



узокрок ушланиб қолди. Ниҳоят, Жози келганда, Руби Реймонд билан раксига ошиқди – у меҳмонхонанинг пулли раққоси ва теннисчиси. Кейин, Марк энди келганда, бироз вақтга қайтди. Лекин кўп ўтмай уни бир йигит рақсга таклиф қилди, бизда эса ўйин партияси бошланди. – Аёл гапини бўлиб, ожизона қўл силтади. – Билганларим шу, жаноблар. Маълум муддат рақс тушаётган Рубини ойнали девордан кўриб турдим, лекин кейин қартага берилиб, атрофга алангламадим. Тахминан ярим тунда Реймонд келиб, норози қиёфада Жозидан Рубининг қаердалигини сўради. У, табиийки, гапни чалғитишга уринди...

– Нима учун «табиийки», миссис Жефферсон? – дея чўзиқ овозда унинг гапини бўлди Харпер.

– Лекин, тўғриси...

У тутилиб қолди, бу Мэлчеттни ажаблантирди. Ёш аёл ёқимли соддалик билан иқрор бўлди:

– Жози холаваччасининг кеч қолишига эътибор беришларини истамасди. У ўзини Рубига жавобгар ҳисобларди. Шунинг учун Руби оқшомнинг бошидаёқ бош оғриғидан шикоят қилганини айтиб, балки ўз хонасига чиқиб кетгандир, деди. Рост гапирди, деб ўйламайман. Жози дуч келган баҳонани ўйлаб топди. Реймонд Рубига қўнғироқ қилиш учун кетди, лекин баттар жаҳли чиқиб қайтди: унга ҳеч ким жавоб бермабди. Уни тинчлантириш учун Жозининг ўзи Рубининг ўрнига рақс тушишга мажбур бўлди. Бечорага жасорат керак эди, чунки оёғи ҳали оғриётганди. Рақсдан кейин у яна қарта столи ёнига қайтиб, ташвишлана бошлаган жаноб Жефферсонни тинчлантиришга ҳаракат қилди. Уни уйқуга ётишга зўрға кўндирдик, Руби балки сайр қилишга кетган, йўлда эса ғилдиракнинг дами чиқиб кетгандир, деб ишон-



тиришга уриндик. Қайнотам хафа бўлиб чиқиб кетди, лекин бугун эрталаб ўзини кўярга жой тополмай қолди. — У жим қолиб, хўрсинди. — Қолганини биласизлар.

— Раҳмат сизга, миссис Жефферсон. Яна битта савол беришимга ижозат этинг: бу жинойтни содир этишда кимдандир гумон қиляпсизми?

У бир сония ҳам иккиланмай жавоб берди:

— Мутлақо ҳеч кимдан.

Мэлчетт кистади:

— Қиз сизга ҳеч қачон сирларини айтмаганми? Дейлик, бирор рашкчи ошиғи ҳақида гапирмаганми? Ўзи кўрқиб турадиган одам ҳақида? Ёки ўзига ёққан бирортаси ҳақида?

Аделаида ҳар бир саволга бош чайқади. Ундан бошқа ҳеч нимани аниқлаб бўлмади.

Полиция бошлиғи ҳозирча ёш Жорж Бартлетт билан учрашишни, кейинроқ жаноб Жефферсоннинг ёнига қайтишни таклиф қилди. Аделаида қайнотаси уйғониши билан хабар қилишини айтгач, чиқиб кетишди.

— Ниҳоятда жозибали аёл, — дея қойил қолди полковник эшикни ёпаркан.

— Жудаям жозибали! — деб тасдиқлади Харпер.

16

Жорж Бартлетт кекирдак олмаси бўртиб чиққан найнов озғин йигитча экан. У титрар, ҳар бир гапида тутиларди. Ундан ҳикояни аниқ-равон эшитиш маҳол эди.

— Ростмикин... қандайдир даҳшат... якшанба газеталарида ўқийсан... лекин деярли кўз ўнгингда бўлиши... шундай жинойтлар...

— Афсуски, бундай жинойтлар содир бўлади, — деди полиция бошлиғи сабр билан.



– О, албатта... лекин бу менга эҳтимолдан узок туйилади! Бу ердан атиги бир неча километр нарида, шундайми? Қишлоқдаги қандайдир уйда... Жирканч жой бўлса керак! Бундай тешикда катта жанжал, тўғрими?

Полковник Мэлчетт унинг қуйилиб келаётган гапларини бўлди:

– Марҳумани яхши билармидингиз, жаноб Бартлетт? Жорж Бартлетт гангиб қолди.

– Ў, й-й-йўк, унчалик эмас, салгина, жаноб полковник. Оз-моз деса ҳам бўлади. Бир ёки икки марта рақс тушганмиз... ҳа-а, бир куни кундузи сайр қилгандик... теннис ўйнаганмиз...

– Кеча оқшом уни охирги бўлиб сиз кўргансиз, шекилли?

– Билмадим. Лекин бўлиши мумкин. Ақлдан озиш мумкин, тўғрими? Ажралишганимизда, унинг аҳволи жуда яхши эди.

– Соат нечада, жаноб Бартлетт?

– Гап шундаки... ҳа... ҳалиги... мен у билан оқшом олдидан рақс тушдим. Ҳозир ҳаммасини тушунтираман. Бу унинг пул тўланадиган ўйинчи билан мажбурий чиқишидан кейин бўлди. Ўн яримлар эди, шекилли, ёки ўн бирми... аниқ айтолмайман.

– Бу сизни ташвишга солмасин. Вақтини ўзимиз аниқлаб оламиз. Бўлган воқеани айтиб берсангиз бўлди.

– Ҳалиги, биз рақс тушдик. Умуман олганда, унчалик яхши ўйнамайман.

– Бунинг ишга алоқаси йўқ, жаноб Бартлетт.

Жорж Бартлетт полковникка ташвишли қараб, минғиллади:

– Йўк... ҳалиги... албатта... фақат айтмоқчиманки, айландик, айландик, мен нималарнидир гапирдим, лекин Рубининг кайфияти йўқ эди, ҳатто эснаётганди. Зерикаётганини тушуниб, раҳмат айтдим ва... у кетди. Бори шу.



– Қаерга кетди?

– Тепага чиқиб кетди.

– Сизга учрашувга шошаётганини ёки автомобилда сайр қилмоқчилигини айтмадими?

– Йўқ. – Сўнг ғамгин оҳангда кўшиб кўйди: – Мени ташлаб чиқиб кетди.

– У ўзини қандай тутди? Асабийлашмаётганмиди? Ёки бирор нарсадан безовта эмасмиди?

Жорж ўйга ботди.

– Эснадими, демак, жонига текканди. Шу, холос.

– Ўзингиз нима қилдингиз? – деб унинг гапини бўлди констебль.

– А?

– У кетгандан кейин нима қилдингиз?

Бартлетт оғзини очиб, констеблга анқайиб қараб қолди.

– Ҳозир, ҳозир... мен нима қилдим?

– Биз шунга жавоб кутяпмиз.

– Ҳойнаҳой, ҳеч нима. Эслаш жудаям қийин. Барга ичишга тушган бўлсам, ажабланмайман.

– У ерга тушдингизми ёки йўқми?

– Худди шундай! Бир қултум ичишга тушдим. Йўқ! У пайтда тушганим йўқ. Аввал ҳаво олиш учун кўчага чиққан бўлсам керак. Сентябрь учун ноодатий илиқ оқшом эди. Кўчада ҳаво жуда ёқимли. Ҳа, энди аниқ эслаяпман. Тоза ҳавода бироз юрдим, кейин барга кириб, рақс залига қайтдим. Қарасам, ҳалиги... исми нима эди? Жозими?.. Анави, теннис мураббийи билан рақс тушаяпти. Унинг бир неча кундан бери оёғи оғриётганди, шекилли.

– Яъни меҳмонхонага ярим тунда қайтдингиз? Бизни, ўзингиз айтгандек, бир соатдан кўпроқ, бунинг устига, ёлғиз айланиб юрганингизга ишонтирмакчимисиз?



- Лекин мен барга кирдим-ку... Мен... мен ўйладим. Полковник Мэлчетт унинг гапига ишонқирамади.
- Айнан нима ҳақда?
- Эсимда йўқ. Кўп нарса ҳақида.
- Жаноб Бартлетт, машинангиз борми?
- Ҳа, бор.
- У қаерда? Меҳмонхона гаражидами?
- Йўқ, ҳовлида. Сайр қилиб келмоқчи эдим, тушуняпсизми?
- Балки сайр қилиб келгандирсиз ҳам?
- Йўқ-йўқ, ундай эмас!
- Мабодо мисс Кинни бирга олиб кетмадингизми?
- Э йўқ! Гапни қаранг! Қасам ичишим керак, уни олиб юрмадим.
- Раҳмат, жаноб Бартлетт. Айни пайтда сизга бошқа саволим йўқ. Айни пайтда, – деб такрорлади Мэлчетт таъкидлаб.
- Бартлетт юзида аҳмокона кўрқув ифодаси билан унинг изидан қараб қолди.
- Фирт аҳмоқ, – деди Мэлчетт тишларини қисиб. – У ҳақда қандай фикрдасиз, Харпер?
- Бунақасини топиш осон бўлмаса керак деб ўйлайман, – деди Харпер елка қисиб.

17

Бармен сингари тунги қоровулнинг ҳам полицияга деярли нафи тегмади. Биринчиси ярим тундан кейин дарров мисс Киннинг хонасига кўнғироқ қилганини, лекин жавоб беришмаганини эслади. У жаноб Бартлеттни меҳмонхонадан чиқаётганда ҳам, қайтиб кирганда ҳам кўрмаган. Тун илиқ эди, кўп хонимлар ва жаноблар сайр қилаётганди. Фақат асосий эшик-



дан эмас, ён томондаги эшиклардан ҳам ўтса бўлади. Бироқ унинг ишонч билан айтишича, мисс Кинн асосий эшикдан ўтмаган. Хонаси жойлашган иккинчи каватдан тушиб, айвонга бурилган ва сездирмасдан ўтиб кетган бўлиши мумкин. Эшиклар тунги иккидан олдин, рақслар тугамагунча ёпилмайди.

Бармен эса жаноб Бартлеттни кўрган: у окшом ўрталарида нигоҳини деворга тикиб, ғамгин ўтирган. Барда ҳар доим одам кўп, бармен уни кўрган, лекин соатини айтолмади.

Бар эшиклари ортида полиция офицерларини тўққиз ёшли бола кутиб турганди. У завқ-шавқдан овози бўғилиб гапирди:

– Сизлар чиндан ҳам изкувармисизлар? Мен Пит Кармодиман. Рубини менинг бувам қидиришни бошлади. Сизлар Скотленд-Ярдданмисизлар? Жонингизга тегаётганим учун менга танбех бермайсизлар-а?

Полковник Мэлчетт унга ўшқириб бермоқчи эди, Харпер шошиб, бола билан дўстона оҳангда гаплаша бошлади:

– Асло, ёш дўстим. Бу иш сизни ҳам қизиқтириб қўйибди чоғи?

– Эҳ ҳа! Изкуварлар ҳақидаги китобларни ўқийсизми? Мен уларни жуда яхши кўраман. Менда Дороти Сайер, Агата Кристи, Диксон Карр ва Г.К. Бейлининг дастхати бор. Бу қотиллик ҳақида газеталарда ҳам хабар беришадими?

– Албатта. Газеталар бунга ёпишиб олишади.

– Биласизми, кейинги ҳафта мен мактабга қайтман. Ҳаммага у билан таниш бўлганимни, ҳатто жуда яхши таниш бўлганимни айтиб берсам, зўр бўлади-да!

– Хўш, у ҳақда қандай фикрдасиз?

Пит чинакамига ўйланиб қолди.



– Ростини айтсам, у менга унчалик ёқмасди. Кўриниши нодон қизларникига ўхшарди. Ойим билан поччам ҳам уни у қадар хушламайди. Фақат бувамга ёқади. Дарвоқе, у сизларни таклиф қиляпти. Эдуард сизларни кидиришни бошлади ҳатто.

Полиция бошлиғи қатъият билан такрорлади:

– Демак, онангиз билан Марк поччангиз Рубини ёқтиришмаган? Нима учун?

– Мен қаердан билай? У ҳадеб бизга ёпишаверарди. Улар эса бувамнинг Руби билан ўралашишидан аччиқланишарди. Менимча, улар Рубининг ўлганидан хурсанд ҳам! – деб юборди Пит.

Харпер унга паришон қаради.

– Сиз... шундай дейишганини эшитдингизми?

– Унчалик эмас. Марк поччам: «Ниҳоят, ундан кутулдик», деб тўнғиллади. Ойим: «Ҳа, лекин қандай даҳшатли тарзда!» деди. Шунда Марк поччам муғомбирлик қилишнинг кераги йўқлигини айтди.

Полициячилар бир-бирларига қараб олишди. Шу пайт уларнинг ёнига кўк ливреядаги соқоли киртишлаб олинган киши келди.

– Кечирасизлар, жаноблар, мен жаноб Жефферсоннинг хизматкориман. У уйғонди, сизларни қабул қилишга рози.

Улар яна Конвей Жефферсоннинг кошонасига йўл олишди.

Меҳмонхонада Аделаида у ёқдан бу ёққа асабий юраётган баланд бўйли киши билан нима ҳақдадир гаплашаётганди. Эркак уларга кескин ўтирилди:

– Сизларни учратганимдан хурсандман. Қайнотам қачон келишингизни сўраб қўймаяпти. Илтимос, уни ортиқча заруратсиз ҳаяжонга солманглар. Соғлиғи анча ёмон. Бу қотиллик уни ҳам тамом қилмагани мўъжизанинг ўзи!



– У шунчалик заифми? Бу хаёлимизга ҳам келмаганди.

– Ахволини ўзи ҳам билмайди, – деди Марк Гэскелл. – Юраги касал, тушуняпсизларми? Шифокор Аделаидага уни ҳеч нима ҳаяжонга солмаслигини назорат қилиб туришни маслаҳат берган. Тўсатдан ўлиши мумкинлигини тушунтирди. Шундайми, Адди?

Миссис Жефферсон Маркнинг гапларини тасдиқлаб, ҳозирча унинг синовга мардонавор бардош берганини қўшимча қилди.

– Шубҳасиз, полиция текшируви – юраги касал одамга маъқул тартиб эмас. Ишонинг, биз иложи борича юмшоқ гаплашишга ҳаракат қиламиз.

Мэлчетт бу сўзларни айтаётиб, Гэскеллдан нигоҳини узмади. Ён томондан йиртқич қушни эслатувчи одамлар унга ёқмасди. Улар фақат ўз манфаатларини ўйлайдиган дадил тап тортмаслар тоифасига мансуб. Аммо аёллар уларни жуда ёқтиришади!

«Бу нусхага ишониб бўлмайди, – деб ўйлади полковник. – Виждон азоби унга бегона, у ҳеч нимадан тап тортмайди».

18

Конвей Жефферсоннинг ногиронлар аравачаси денгизга қараган дераза яқинида турарди. Илк дақиқада-ноқ бу фавқулодда шахснинг жозибаси сезиларди. Уни мажруҳга айлантирган ҳалокат бор ҳаётини кучини заковатида жам қилгандек эди. Оқараётган қизғиш сочлар билан ўралган юзи чиройли эди. Кўзга яққол ташланадиган юз бичимида кувват сезилар, чақноқ кўзлари мовий эди. Қувватсизлик ёки дармонсизлик умуман сезилмайди. Фақат азоб чуқур ажинлар



қолдирган, бироқ у такдирдан нолишга ўрганмаганди – унинг зарбаларини қабул қилиб, бардош беришга интиларди.

– Сиз билан танишувни шараф деб биламан, – деди у Мэлчеттга. – Ахир сиз Рэдфорд графлигининг бош констеблисиз-ку? Сиз эса маҳаллий полиция бошлиғимисиз? Ўтиринглар, жаноблар. Сигаралар ёнингиздаги столчада.

Полиция офицерлари миннатдорчилик билдириб, ўтиришди.

– Тўғри хабар берган бўлишса, ҳалок бўлган қизга хайрихоҳлик кўрсатган экансиз-а, жаноб Жефферсон? – деди Мэлчетт.

Конвей Жефферсоннинг юзида маҳзун кулимсираш сезилди.

– Сизга, ҳойнахой, жуда кўп гапириб юборишган. Лекин хайрихоҳлигимни асло сир тутмаганман. Бу ҳақда куёвим ва келиним нима деди? – Қария уларга диққат билан қаради.

Мэлчетт очик жавоб берди:

– Миссис Жефферсоннинг фикрича, ҳимоянгиздаги қизча билан гап сотиш сизни овунтирган. Жаноб Гэскелл эса биз билан бир-икки оғиз гаплашишга улгурди, холос.

Жефферсоннинг юзида ҳамон табассум бор эди.

– Адди – жуда босиқ. Марк эса кескинроқ гапирди. Лекин далилларни ўзим баён қилиб, ниятимни изоҳлаб берганим маъқул. Ҳаётимдаги буюк фожиадан бошлайман. Саккиз йил олдин авиаҳалокатда хотиним, қизим ва ўғлимдан айрилдим. Шундан бери мавжудлигим шохлари чопилган дарахтникига ўхшайди. Фақат мажруҳлик туфайли эмас. Мен оиламни жуда яхши кўрардим, у билан тирик эдим. Гап бўлиши мумкин эмас, келиним ва куёвим менга эътиборли, бироқ



уларнинг ўз ҳаётини яшаши кераклигини тушундим, айниқса, сўнгги пайтларда. Аслида, мен ниҳоятда ёлғизман. Ёшларга интиламан, улар менга таскин беради. Бирор болани тарбиямга олиш фикри ҳам туғилган... Ўтган ой давомида ўша бадбахт қизга қаттиқ боғланиб қолдим. Руби очиккўнгил, жуда самимий эди. У менга ўзи ҳақида, оиласи билан деярли харобаларда яшагани, кўплаб синовларни бошдан кечирганини гапириб берди. Ҳеч ким рақсни ўргатмаган бўлса ҳам, у анча қобилиятли бўлиб чиқди ва уни пантомима труппаси қабул қилди. Буларнинг бари менинг бадастир ҳаётимдан жуда узоқ эди! У менга тобора қадрли бўлиб борди, натижада уни расман қиз қилиб олишга қарор қилдим. Руби Киннинг сирли равишда ғойиб бўлиши эса мени қаттиқ ташвишга солди.

Орага узоқ жимлик чўкди. Харпер беадаб саволни хайрихоҳлик оҳанги билан юмшатишга уринди:

– Режангизга куёвингиз ва келинингиз қандай муносабат билдирганини билсам бўладими?

Жефферсон шошиб жавоб берди:

– Улар қандай эътироз билдириши мумкин? Балки улар бошқача қарорни маъқул кўрган бўлишарди, бироқ ўзларини сипо тутишди. Моддий жиҳатдан улар менга қарам эмас. Ўғлим Фрэнк уйланганда, давлатимнинг ярмини унга берганман. Мен болаларни ҳозир севинтириши мумкин бўлган ишни ўз вафотинггача чўзмаслик керак деб ўйлайман. Улар ёшликда бойликка эришишни исташади, қариганда эмас. Худди шу сингари Розамунда турмушга чиққан кунда унинг ҳисобига банкка катта миқдорда пул қўйганман. Ҳалокатидан сўнг бу пуллар тўлик эрига, бадавлат бўлмаган одамга ўтди. Кўриб турганингиздек, ҳаммаси оддий, ҳозиргача ўртамизда муаммо туғилмаган.



– Ишнинг моҳиятини аниқлаштирдик, жаноб Жефферсон, – деди полиция бошлиғи бироз чўзиб.

Жефферсон унинг гап оҳангини дарров илғади.

– Бирор эътирозингиз борми?

– Эътироз билдиришни истамасдим-у, лекин ҳаётий тажриба мени оилавий ишларнинг бунчалик оқилна ҳал бўлишига ишонмасликка ўргатган.

– Аслида, сиз ҳақсиз. Лекин, очиғини айтганда, жаноб Гэскелл ҳам, миссис Жефферсон ҳам, аслида, менинг оилам эмас, ўртамизда кондошлик риштаси йўк.

– Ҳа, маълум даражада фарқи бор, – тасдиқлади Харпер.

Конвей тоқатсизланиб давом этди:

– Қарорим уларга аҳмоқона туйилган бўлиши мумкин. Бироқ менинг ақлу ҳушим жойида. Кичкина Рубига боадаблик ва таълим етишмасди, буни тузатса бўлади. Вақти келиб, у ҳар қандай даврада бўлиши мумкин эди.

– Яна бир нозик савол беришга ижозат этинг, жаноб Жефферсон, – деди Мэлчетт. – Ҳамма тафсилотларни аниқлашимиз керак. Қизнинг келажагини ўйлаб, ҳойнаҳой, уни моддий жиҳатдан таъминламоқчи бўлгансиз? Бу расмийлаштириб бўлинганми?

– Рубининг ўлими кимгадир фойдали бўлган-бўлмаганини билмоқчимисиз? Йўк, ҳеч кимга. Расмиятчиликлар энди ҳал қилинаётганди, ҳали ҳеч қандай қоғозга имзо чекмагандим.

Мэлчетт ўйланиб гапирди:

– Агар сиз билан бахтсиз ходиса содир бўлганда...

– У Жефферсонга саволомуз қаради.

Конвей шамани тушунди.

– Нима учун нимадир содир бўлиши керак? – деди хўрсиниб. – Мен ногиронман, лекин мутлақо соғломман. Тўғри, шифокорлар кейинги пайтларда мотам-



саро қиёфага кириб, ҳамма нарсадан эҳтиёт бўлишни маслаҳат беришяпти: ҳиссиётга берилмаслик, толиқиб қолмаслик... Э Худо, ахир мен отдек чидамлиман-ку. Албатта, машъум қисмат мавжуд, бунга, афсуски, ишонч ҳосил қилдим. Автомобиль ҳалокатлари юз берадиган бугунги замонда ҳар ким кутилмаганда ўлиши мумкин. Келажакни ўйлаб иш қилишга тўғри келади, шунинг учун ўн кун олдин янги васиятнома туздим.

– Шундай денг! – Харпер олдинга сурилди.

– Вафотимдан сўнг эллик минг фунт мисс Киннинг номига банкка қўйиларди. Вояга етгунча унга фоизлар тўланарди, кейин сармоя тўлиқ ихтиёрига ўтарди.

Полиция бошлиғи ва бош констебль бир-бирига хайратланиб қараб олди.

– Лекин бу жуда катта пул-ку!

– Шундай.

– Шунча давлатни таниганингизга энди бир ой бўлган қизга васият қилдингизми?

Жефферсоннинг кўк кўзларида ғазаб учқунлади.

– Битта гапни такрорлайверишим керакми? Яқинларим йўқ. Ҳеч қандай жиянларим, ҳеч қандай амакиваччаю тоғаваччаларим ҳам. Ҳаммасини номаълум хайрия ташкилотига қолдиргандан кўра, давлатимдан ўзимга ёққан одам фойдаланишини маъқул кўраман. Бир кечада маликага айланадиган Золушка ҳақидаги эртак! – У кулимсиради. – Фақат чўқинтирган фаришта онанинг ўрнига чўқинтирган ота бўларди. Бу пуллар меники, уларни мен ишлаб топганман.

– Бошқа топшириқлар ҳам берганмисиз? – сўради Мэлчетт.

– Албатта. Маълум миқдордаги пулни Эдуард, камердинерга қолдираман. Қолгани Марк ва Адди ўртасида тенг бўлинади.



– Кечирасиз, ўша қолгани кўпми?

– Унчалик эмас. Аниқ рақамни айтишим қийин, акциялар ҳар доим ўзгариб туради. Мерос солиғи ва бошқа харажатларни айирганда, ўн минг фунтча йиғилса керак.

– Тушунарли.

– Лекин мен ҳеч кимни меросдан маҳрум қилмаяпман! Ахир давлатимни фарзандларимга бўлиб берганимни, ўзимга анча кам пул қолдирганимни айтдим-ку. Фожиали ҳалокатдан сўнг ўзимни чалғитиб, ақлимни банд қилиш учун молиявий ишлар билан машғул бўлдим. Лондондаги уйимда махсус телефон ётоқхонани кабинет билан боғлаб турарди, кечаю кундуз ишлардим! Бу мажруҳлик мени бутунлай ишдан чиқармаганини, ҳали қаршилик қилаётганимни ҳис этишга имкон берарди... – қариянинг овози борган сари пастлашиб, тингловчиларни унутиб, ўз хаёллари оламига кириб кетаётгандек туйиларди. – Хўш, нима бўлди? Такдирнинг қандайдир ҳазили туфайли ҳаммасида омадим келарди! Биржада бойлик орттирдим, барча ишларим яхши натижа берарди. Нимагаки қўл урмай, ҳаммаси олтинга айланарди! Балки такдир қисман бўлса ҳам ўз ҳақсизлигини ювишга қарор қилгандир? – Унинг ифодали юзида чуқур азоб яққол сезилди. Ўзини мажбурлаб жилмайишга уринди. – Рубига атаган пулларим менга, фақат менга тегишли эканлигини энди англагандирсиз? Уларни виждоним қийналмасдан ишлата олардим.

Мэлчетт шошиб қистирди:

– Қадрли жаноб, ахир биз буни инкор қилмаяпмиз-ку.

– Миннатдорман. Лекин энди мен ҳам сизларга бир нечта савол билан мурожаат қилмоқчиман. Бу даҳ-



шатли воқеа ҳақида батафсилроқ гапириб берсангиз. Ҳозирча фақат бечора қизалокни қандайдир уйда бўғиб ўлдирилган ҳолда топишганини биламан, адашмасам, бу ердан ўттиз километр узокдаги уйда?

– Худди шундай. Госсингтон қасрида.

Жефферсоннинг қовоғи уйилди:

– Госсингтон? Бу?..

– Полковник Бантрининг уйи.

– Бантрининг? Артур Бантрининг? Лекин мен уни танийман-ку! Кўп йиллар аввал хорижда дўстлашиб қолганмиз. Уларнинг қўшни яшаши ҳеч хаёлимга келмаганди. Буни қаранг!

Полиция бошлиғи шошиб гапирди:

– Ахир уни кўрмадингизми? Ўтган сешанбада «Мажестик»да овқатланганди.

– Сешанбада?.. Йўқ, биз ўша оқшом кеч қайтдик. Харден-Хирдни томоша қилгани бориб, йўл-йўлакай овқатландик.

– Руби Кин Бантрининг исмини тилга олмаганмиди?
– сўради Мэлчетт.

– Ҳеч қачон. У билан танишлиги ҳам даргумон. Унинг танишлари доираси театр дунёси билан чекланарди. – Жефферсон жим қолди. – Бантрининг ўзи бу ҳақда нима деяпти?

– Буткул таажжубда! Кеча кечқурун консерваторлар йиғилишида бўлган, мурдани эса тонгда топишган. Бу қизни тириклигида сира кўрмаганини таъкидлаяпти.

Харпер аста йўталиб қўйди:

– Жиноятчи ким эканлиги ҳақида шубҳаларингиз борми?

– Ҳеч қандай! – Унинг пешонасидаги томири бўртиб чиқди. – Бу ваҳшийлик, ақл бовар қилмайди. Юз берган воқеанинг чиндан ҳам содир бўлганига ишониш қийин.



– Балки эски танишларидан бирортасидир? У аввал танишган, таъқиб ва таҳдид қилган бирор эркакдир.

– Э йўқ, бўлиши мумкинмас. Бўлса, менга айтарди. Унинг ҳеч қачон ҳеч қандай ишқий алоқаси бўлмаган. Бу ўзининг гапи.

Харпер: «У шундай деган бўлиши мумкин, лекин бу ҳақиқатга мос келганмикин?» деб ўйлади.

– Ҳар қалай, Жози сирли таъқибчи ҳақида билган бўларди, – деди Конвей ковоғини уйиб. – У нима деяпти?

– Бундай тахминни инкор қиляпти.

Жефферсон зўр диққат билан ўйларди.

– Мен савдойи жинойтчи деган тахмин эҳтимолга яқин деб ўйлаяпман... Қурбони билан бегона уйга кириб олишда мантиқ йўқ.. Шафқатсизларча ўлдириш учун қизларни, ҳатто болаларни ҳам авраб қўлга туширадиган телбалар бор.

– Борликка бор, лекин бизнинг ўлкаларда бунга сира дуч келинмаган, – деди Харпер.

– Мен Рубининг ёнида кўрган ҳамма эркакларни хаёлимдан ўтказиб чиқдим, – деб давом этди Жефферсон. – Меҳмонхонада қолган ёки бироз вақтга кўнгил очишга келган, у билан бирга рақс тушганларни. Ҳаммаси анча беозор. Қолаверса, у ҳеч ким билан яқин дўст бўлмаган.

Харпер хотиржам эшитарди. Жефферсон унинг кўзларида бир сония чакнаган кинояли учкунни пайқамасди. Полиция бошлиғи: «Барибир унинг пинҳон дўсти бўлиши мумкин эди!» деб ўйлади. Аммо индамасди. Бош констебль ҳамроҳларига ишора қилиб, ўрнидан турди:

– Раҳмат, жаноб Жефферсон. Ҳозирча бизни қизиқтирган саволлар шулар эди.

– Мени терговдан хабардор қилиб турасизларми?



– Албатта. Сиз билан ҳали яна учрашамиз.

Полициячилар кетгач, Конвей Жефферсон курси суянчиғига бемажол суянди. Қовоқлари юмилиб, мовий кўзларини беркитди. У ўзини жуда ҳорғин сезарди. Бир дақиқа ўтгачгина хизматкорини чақирди:

– Эдуард!

Қўшни хонадан дарҳол хизматкор чиқиб келди. Эдуард хўжайинини бошқалардан яхшироқ биларди. Ҳамма Жефферсоннинг ўзини дадил тутишига қойил қоларди, Эдуард эса унинг ожизлигини, ўзини кучсиз ва тушкун, ниҳоятда нотавон сезган пайтларини кўрган.

– Мени чақирдингизми, жаноб?

– Ҳа, Эдуард. Сизни зудлик билан Мелберн-Эббэсга жаноб Генри Клиттерингнинг ёнига жўнатмоқчиман. Ундан бугун келишини сўранг. Иш ниҳоятда шошилишч.

19

Жефферсоннинг ёнидан чиққач, Харпер:

– Бу бизни қаерга олиб боришини билмадим-у, лекин қотиллик учун асос топилди, – деди.

– Ҳм... эллик минг фунт, шундайми?

– Худди шундай. Қотилликни бундан камроқ пул учун ҳам қилишади.

– Ҳойнаҳой. Лекин... – Мэлчетт гапини тугатмади, лекин Харпер унинг нимани ўйлаганини тушунди.

– Сиз бу ҳолатда шундай бўлганига гумон қиляпсизми? Мен ҳам шубҳаланяпман, шекилли. Лекин ҳеч бир эҳтимолни четга суриб бўлмайди.

– Қўшиламан.



– Агар Жефферсоннинг айтгани рост бўлиб, Гэскелл ва мисс Жефферсоннинг катта даромади бўлса, уларнинг бу жинойтга дахлдорлиги даргумон.

– Мантиқан тўғри. Лекин уларнинг мол-мулки ҳақида батафсил суриштириб кўриш ортиқча бўлмайди. Тўғриси, Гэскелл менга унча ёқмади. У бетайин ва ичидан пишган одамдек таассурот қолдирди... Гарчи бу уни қотилликда гумон қилиш учун етарли бўлмаса ҳам.

– Менга келсак, уларнинг айбдорлигига ишонмайман. Бундан ташқари, Жозининг кўрсатмаларига асосланадиган бўлсак, бу ишни амалга ошира олишмасди. Иккови ҳам ўн яримдан ярим тунгача қарта столи ёнида ўтирган. Йўқ, жинойтчини бошқа бирор жойдан излаш керак.

– Руби Киннинг мухлислари орасиданми?

– Тўппа-тўғри! «Мажестик»ка кўчиб ўтганидан сўнг рад этилган бирор асаби бўш нусха... Асраб олиш ҳақида эшитиб, бу иш амалга ошадиган бўлса, қизга жуфт сифатида умуман тўғри келмаслигини тушунган. Ҳазаб отига минган ва жинойт содир этган. Ярим тундан сўнг учрашув белгилаган, кўндиришга уринган, улар уришиб қолишган... шунда рашк хуруж қилиб...

– Шундай ҳам дейлик, лекин улар иккови қандай қилиб Бантрининг кутубхонасига бориб қолган?

– Тушунтираман. Автомобилда теварак-атрофни сайр қилишган. Ўша йигит Рубини бўғиб ўлдиргандан кейин ўзига келган ва биринчи навбатда, жасаддан қутулишни ўйлаган. Ўша пайтда улар катта бир ер-мулкнинг боғ тўсиғи олдида бўлишган. Йигит жасадни шу ерга қўйсам, шубҳа уйда яшайдиганларга тушади, деб ўйлаган. Машинада ўткир жағли омбири бўлган, ўша ёрдамида ромни очиб, қурбонини камин



олдидаги гиламга судраб кирган. Уни бўғиб ўлдиргани учун машинада уни фош қиладиган ҳеч қандай қон изи қолмаган. Хўш, қалай?

– Тахмин маъқул, Харпер. «Эркакни излаш» қоляпти. – Мэлчетт охирги сўзларни машҳур «аёлни изланг» мақолига ишора қилиб, французчада айтди.

– Нима? А, ҳа, жуда соз, жаноб.

Харпер аниқ мазмунини тушунмаган бўлса-да, бунинг ҳазиллигини пайқади.

– Ў... э-э!.. Менга қаранг, сизни бироз ушлаб қолсам бўладими?

Бу Жорж Бартлетт эди. Полковник Мэлчетт уни жиддий қабул қилмас, бунинг устига Слэк қурбоннинг хонасида ўтказган тинтув ва оқсочни сўроқ қилиш натижаларини билишга сабри чидамаётганди. У анча кўпол гапирди:

– Яна нима, жаноб?

Ёш Бартлетт ўзини аквариумдаги балиқдек кўрса-тиб, бир неча марта оғзини очиб-ёпди.

– Ў, тўғриси... бунинг ҳеч қандай аҳамияти йўқми деб кўрқаман... лекин, биласизми, машинамни ҳеч қаердан қидириб тополмаяпман.

У тутилиб, бир неча марта автомобили йўқолгани ва тополмаётганини такрорлади.

– Жўнроқ айтганда, машинангиз ўғирланганми?

Бартлетт полиция бошлиғига миннатдорона ўғирилди.

– Бўлиши мумкин... гарчи ҳеч қачон ишонч билан айтиб бўлмаса-да... балки кимдир сайр қилиш учун олгандир? Бутунлайга эмас... Фикримни тушуняпсизми?

– Машинани охирги марта қачон кўрдингиз?

– Ўйлаб кўрай. Қизиқ, баъзан айрим майда тафсилотларни эслаш қийин, тўғрими?



Мэлчетт совуқ ғазаб билан гапирди:

– Унчалик қийин эмас, агар одамнинг калласи бўлса... Адашмасам, кеча окшом меҳмонхона ҳовлисида турганди, дегандингиз?

Бартлетт дадиллашди:

– Шундайга ўхшайди... агар ўша ерда турган бўлса.

– Бу билан нима демоқчисиз, жин урсин?! Ахир ўзингиз шундай дегандингиз-ку?!

– Гап шундаки... мен шундай деб ўйладим, лекин текширишга бормадим. Фикримни тушуняпсизми?

Полковник Мэлчетт уф тортишдан тийилиб, ўзини сабрли бўлишга ундади.

– Айтмоқчи бўлганларингизни бир бошдан гапиринг-чи. Машинангизни соат нечада кўрдингиз? Дарвоқе, маркаси қандай?

– Меники «Миньон-14».

– Хўш, қачон кўргандингиз?

Бартлетт титраб ютинди, кўшতোмоғи кимирлади:

– Худо ҳақи, бор кучим билан эслашга уриняпман. Кеча тушликдан олдин ҳали шу ерда эди. Тушликдан кейин айланиб келмоқчи бўлдим, лекин чойгача мудраб қолдим. Кейин теннис ўйнаб, ванна қабул қилдим...

– У ҳали меҳмонхона ҳовлисида турганмиди?

– Менимча, ҳа... Яъни мен уни ўша ерда қолдиргандим. Кечки овқатдан кейин қиз болани таклиф қилмоқчи эдим, лекин омадим келмади, нимаям қилардим. Хуллас, машинадан фойдаланмадим.

– Лекин у ҳали ҳам аввалги жойида деб ўйладингиз?

– Бу ҳақда ўйламадим. Қўйиб кетдим, бўлди.

– Ҳайдаб кетишганда, кўрган бўлармидингиз?

Жаноб Бартлетт бош чайқади:

– Билмадим. Ҳовлига автомобиллар кириб чиқаваради... «Миньон-14» ҳам бор.



Харпер буни тасдиқлади. Деразадан мўралаб, саккизта «Миньон-14» машинасини санади. Кенг тарқалган арзон модель.

– Кечаси машинани гаражга олиб кириб қўймайсизми? – сўради Мэлчетт.

– Тўғриси, бу мени унчалик ташвишлантормайди. Ҳаво ҳозирча илиқ. Ҳар гал гаражга олиб кириш эса анча серташвиш...

Полиция бошлиғи Харпер полковник Мэлчеттга қаради:

– Ижозатингиз билан тепада сизга ҳамроҳ бўламан. Бориб бу ерга сержант Хиггинсни юборай, у жаноб Бартлеттнинг хабарини ёзиб олиши керак.

– Боринг, Харпер.

Жорж Бартлетт ўзини оқлагандек минғиллади:

– Буни айтишим керак деб ўйладим... Ҳеч қачон нима муҳимлигини билиб бўлмайди, шундай эмасми?

20

Жаноб Прескотт иккинчи раққосага унчалик сахийлик қилмаган: у овқат ва турар жой учун ишлаган. Уни нима билан боқишгани номаълум, лекин хона меҳмонхонадаги энг ёмон хона. Жозефина Тернер ва Руби Кин тор, қоронғи йўлакнинг энг охирида яшарди. Иккала хона тор ва шимолга, меҳмонхона туташиб кетган қоя томонга қараганди. Бу ерга тузук номерларда хизматини ўтаб бўлган мебелларни териб қўйишганди. Дубдан ясалган катта кийим жавонлари ўрнини деворга қурилган урф бўлган жавонлар эгаллагач, хизматкорларнинг хоналарига тиқиб ташланган ёки курортчилар ёғилиб келгандагина одам яшайдиган захира номерларда турарди.



Мэлчетт ва Харпер Руби Киннинг хонасига касбий нуқтаи назардан қарарди: у меҳмонхонадан сездирмай чиқиб кетиш имконияти жихатидан жуда қулай эди. Бу Рубининг «Мажестик»ни қачон ва қандай вазиятда тарк этганини аниқлашни оғирлаштирарди.

Йўлак биринчи қаватга олиб чиқадиган тор зина-поя билан тугар, у ерда усти ёпиқ йўлакдан ойнаванд, одатда, бўш бўладиган айвонга чиқса бўларди, чунки бу ердан ҳеч қандай чиройли манзара кўринмасди. Ён томондаги бу айвон меҳмонхонанинг бош олд томони билан туташган бўлиб, у ердан эгри-бугри сўкмоқдан қоялар орасидаги асфальт қилинган йўлга бемалол ўтиш мумкин эди.

Инспектор Слэк оқсочларни саволлар билан қийнаб, Рубининг кеча оқшомдан бери ҳеч нима сурилмаган ва ҳеч нимага тегилмаган хонасини кўздан кечиришда давом этарди.

Руби Кин кеч уйғонарди, Слэкнинг аниқлашича, ўн яримда турарди. Конвей Жефферсон сахарлаб ваҳима кўтарган, полиция хоналар йиғиштирилгунча келишга улгурган эди. Умуман олганда, бу энг ташландиқ бўлма эди, оқсоч супургиси билан бу ерда ҳафтада бир марта пайдо бўларди.

– Тартибсизлик бизга қўл келарди, – деди Слэк. – Албатта, бирор нима топардик. Топадиган нарса бўлганда эди!

Глен графлиги полицияси экспертлари бармоқ изларини олиб улгуришганди. Улар фақат Руби, Жози ва икки оқсочга тегишли экан. Тўғри, яна Реймонд Старрнинг ҳам бармоқ излари бор экан, лекин у буни жуда оддий тушунтирди: Руби иккинчи рақсга келмаганда, бу ерга Жози билан бирга келган.



Қизил ёғочдан ясалган катта ёзув столининг торт-малари ҳар хил қоғозлар – хатлар, хабарлар, квартира тўлов қоғозлари, театр дастурлари, газета парчалари, мода журналларидаги косметика рецептларига тўла эди. Слэк ҳаммасини кўздан кечириб, шубҳали ҳеч нима топмади. Кўп хатларга қандайдир Лили – афтидан, Рақс саройидаги дугонаси имзо қўйганди. У ҳар хил арзимас маиший майда гаплар ва ҳали ҳам Рубининг кетганидан афсусланаётганини ёзарди. Руби ҳақида, айниқса, жаноб Финдейсон кўп сўрайди, жуда хафага ўхшайди. Ёш Рэг Мэй Барнининг атрофида парвона бўлишни бошлади, лекин у ҳам Руби ҳақида сўради. Ҳаёт аввалгидек давом этипти. Қария Гроузер ҳали ҳам захрини сочмоқда. Адини йигит билан учраша бошлагани учунгина ишдан бўшатиб юборди...

Слэк Лилининг хатларидаги ҳамма фамилияларни диққат билан кўчириб олиб, Рақс саройи хизматчиларини сўроқ қилиш пайтида ҳар бири ҳақида алоҳида суриштириш кераклигини кўнглидан ўтказди.

Руби Киннинг хонасида бошқа ҳеч қандай қизик нарса топилмади. Хона ўртасида енгил пушти кўйлак осилиб турган курси турарди. Оқшом бошида Руби шу кўйлакда бўлган. Полда – бетартиб ташлаб қўйилган пошнаси ингичка бал туфлиси ва бир жуфт ҳарир пайпок; биттаси тешилиб қолганди. Мэлчетт шу захоти ўлдирилган қизнинг пайпоксиз бўлганини эслади. Слэк суриштириб билди: Руби пулни тежаш учун пайпокни фақат рақс пайтида кийган.

Кийим жавонининг ланг очик эшигидан бир нечта ёрқин оқшом либоси ва қатор ранг-баранг бал туфлилари кўриниб турарди. Тўқилган саватда бироз ифлос кийим, ахлат идишда эса грим артиладиган қоғоз



сочик, лаб бўёқнинг изи қолган пахта, олинган тирноқлар – хуллас, эътиборни тортадиган ҳеч нима йўқ.

Бўлган воқеа қийинчиликсиз тикланаётгандек эди: Руби ошиқиб кийимини алмаштирган ва шошиб кетган... Қаерга? Нимага?

Холаваччасининг одатларини бошқалардан яхшироқ билиши мумкин бўлган Жозефина Тернер бу гал тайинли ҳеч нима айтмади. Инспектор Слэка бу ғалати туйилмади.

– Агар асраб олиш ҳақидаги гап тўқима бўлмаса, – деди у полковник Мэлчеттга, – Жози фақат битта маслаҳат бериши мумкин эди: Рақс саройидаги аввалги алоқалар ва танишликларни буткул узиш. Ахир Руби мажруҳ чолни нимаси билан мафтун қилди? Покдомон кўриниши, масъум юзи ва содда муомаласи билан. Ташқи кўриниши алдамчи, аслида, у уста фитначи эди, ишқий алоқаси бўлган, деб тахмин қилайлик. Табиийки, у буни фақат жаноб Жефферсондан эмас, балки Жозидан ҳам яшириш учун бор кучи билан уринган. Қаршисида кўрина бошлаган ҳайратда қолдирувчи келажакни бузишнинг нима кераги бор? Бирок ёш қизлар кўпинча анчагина ёмон йигитлар таъсирига тушиб қолишади. Рубининг фақат бир ошиғи бўлгани ва уни айнан ўша ўлдирганига кафил бўла оламизми?

– Ҳақ бўлишингиз мумкин, Слэк, – деди полковник Мэлчетт инспекторнинг ниҳоятда мантиқий хулосаларини ёқтирмаётганини сездирмай. – Агар иш шундай бўлса, ўша ёмон йигит эканлигини иложи борида тезроқ аниқлашимиз керак.

– Менга ишонинг, жаноб, – деди Слэк ўзига ортик даражада ишониб. – Рақс саройидаги ўша қизни яхшилаб қоқаман, ҳақиқат ҳам дарров юзага чиқади!

Полковник Мэлчетт бундай оптимистик кайфиятда эмасди, Слэkning мақтанчоқлик аралаш ғайрати асабига тегаётганди.



– Яна бир маслаҳат беришга журъат қиламан, жаноб: пулли раққос ва теннис мураббийи билан шуғулланиш керак. У Руби билан кўп вақтни ўтказган, эҳтимол, у Жозидан кўра зийракрок. Руби ҳатто унга ишонган бўлиши мумкин.

– Буни қарангки, Харпер иккимиз ҳам шундай фикрга келдик.

– Жуда соз, жаноб! Оқсочлардан эса қанчалик уринмай, ҳеч нимани билиб бўлмади. Улар холаваччаларнинг иккисига ҳам паст назар билан қарашган, уларга истамай хизмат қилишган, бундан ҳар қанақасига ўзларини олиб қочишган. Оқсочлардан бири оқшом соат еттида пардани тутиб, тўшакни тўшаш учунгина йўл-йўлакай хонага кирган. Дарвоқе, ваннахона ёнида. Кўрмайсизми?

Ваннахона Жози ва Рубининг ётоқхоналари орасида жойлашганди. Жозининг хонаси кенгрок эди. Бирок ваннани кўздан кечириш ҳам ҳеч нима бермади. Полковник Мэлчетт аёлларнинг ташқи кўринишини яхшилаш учун қанча абжирлик кераклигига соддадиллик билан ажабланди: кундузги, тунги, намлантирувчи, косметик воситаларни кетказадиган кремлар солинган қатор банкалар, турли рангдаги упа қутичалари, лаб бўёқ идишлари, киприк бўяйдиган «тушь»лар, қовоққа суриладиган «тен»лар, қамаштирувчи ва тетиклаштирувчи лосьонларнинг камида ўн иккита шишачаси, тирноққа суриладиган ҳар хил рангли локларнинг шишачалари, юз артадиган қоғоз сочиқлар, упа қўядиган момиқлар – ана холос!

– Наҳотки буларнинг бари ишлатилса? – деб мингиллади у.

Ҳамма нарсадан хабардор Слэк дарров гапга аралашди:

– Жаноб, кундалик ҳаётда аёллар қовоқларига икки хил рангдаги «тен»лардан суришади: биттаси очрок – кундузги, бошқаси оқшомдаги, ёркинрок.



Лекин актриса ва раққосалар юз услубини тез-тез ўзгартиришига тўғри келади. Танго учун битта грим, кринолин⁷даги кўҳна рақс учун бутунлай бошқа. Ёки, дейлик, апаша⁸даги ўйинлар учун. Яна оддий замонавий рақслар бор. Косметика либосларни тўлдиради.

– Э Худо! – деб ҳайқирди полковник. – Фармацевт ва косметика фабрикалари эгалари қанчалик бойимокда! Бир дунё давлат тўплаётган бўлса керак?

– Пул сувдек оқиб келади, – тасдиқлади Слэк. – Аммо катта қисми рекламага сарфланади.

Мэлчетт аёлларнинг ўз гўзаллиги учун хийлалардан фойдаланиши ҳақидаги дунё сингари кўҳна, лекин ҳаяжонли мавзудан чалғиш учун ўзини мажбурлагандай бўлди.

– Хўш... раққос билан суҳбатлашамиз. Бу сизга юклатилади, Харпер.

– Ихтиёрингиз, жаноб.

Харпер зинадан тушаётиб, сўради:

– Бартлеттнинг ҳикояси ҳақида қандай фикрдасиз?

– Машина масаласидами? Бу тентак билан ҳам шуғулланиш керак деб ўйлайман. Унинг ҳикоясида шубҳали нимадир бор. Кеча оқшом барибир Рубини олиб кетган бўлса-чи? Ким билсин?..

21

Полиция бошлиғи Харпер мурасали, яхши тарбия кўрган одам эди. Чалкаш, оғир ишлардан ўзини олиб қочмасди, полковник Мэлчеттнинг юксак маҳоратини сидкидилдан кадрласа-да, навбатдаги сўроқни мустақил ўтказиш имкониятидан севинди. Унинг услуби ас-

⁷ Кринолин – ўтган асрда расм бўлган чамбаракли кенг юбка.

⁸ Апаша – очик кенг ёқали кўйлак.



та-секинлик ва изчилликка асосланарди. Хайрихоҳона суҳбат у сўроқ қилаётганларни сергак торттирмас, кейинги суҳбат пайтида улар ўзларини хотиржам ва эркин ҳис қилишарди. Харпер табассуми ақлни оладиган уддабурон, офтобда тобланган кўркам Реймонд Старрни танирди. Қорасоч, келишган, жентльменларга хос муомала, маъноли ишоралар – ў, шубҳасиз, у ҳаммага ёқарди!

– Жаноб полиция бошлиғи, фойдам деярли тегмаслигидан хафаман. Биз чиқишларимизни ҳар куни машқ қилардик. Лекин у ҳақда бошқа ҳеч нима айтолмасам керак. Жуда содда бўлса ҳам, дилбар қиз эди.

– Бизни унинг давраси қизиқтиради. Энг аввало, эркак ўртоқлари.

– Тушунаман. Лекин мен фақат ҳамманинг кўзига ташланган нарсани биламан: кўпчилик унинг кўнглини олишга уринарди. Аммо самарасиз. Унинг доимий давраси Жефферсонлар оиласи эди.

– Эҳ ҳа, Жефферсонлар оиласи...

Полиция жим қолиб, йигитга синчиклаб қаради.

– Бу фусункор режаларга сиз қандай қарардингиз?

Реймонд Старр хотиржам сўради:

– Кечирасиз, айнан қайсиларга?

– Қанақасига? Жаноб Жефферсон яқинда Руби Кинни қиз қилиб олиш бўйича расмий югур-югурни бошлаганини билмайсизми?

«Мажестик» раққоси янгиликдан лол бўлиб, беихтиёр хуштак чалиб қўйди.

– Муғомбир қиз-эй! Жанобнинг ўзи-чи... соқоли оқарган, қариб қуйилмаган!

– Демак, сиз буни шундай баҳолайсиз?

– Яна қандай баҳолаш мумкин? Агар гап фақат қиз қилиб асраб олиш ҳақида бўлса, ўзининг доирасидан кимнидир топиши мумкин эди.



– Бундан чикди, Руби сизга ҳеч нима демаган?

– Умуман. Охирги пайтларда жуда хурсандлигини сезардим, лекин сабабини билмасдим.

– Жози-чи, билармиди?

– У билмаганда, ғалати бўларди! Қиз қилиб олиш билан боғлиқ воқеа унинг иши бўлса, хайрон қолмайман. Жози аҳмоқ эмас, калласи яхши ишлайди.

Харпер мамнуният билан тасдиқлади. Жози Рубини «Мажестик»ка олиб келган ва, хойнаҳой, холаваччасининг жаноб Жефферсон билан дўстлигини қўллаб-қувватлаган. Руби мажбурий рақсга келмаганда, жаноб Жефферсон қанчалик безовта бўлаётганини кўриб, кўрқиб кетгани табиий. Ҳамма уринишлари бекор кетиши мумкин эди!

– Сизнингча, Руби сир сақлай олармиди?

– Керак бўлганда, ҳаммамиз сақлаймиз. У шахсий ишлари ҳақида гапирмасди.

– Бу ерга атай у учун келган эски таниши ҳақида бирор марта гапирмаганми? Кўнгилсизлик туғдириши мумкин бўлган таниши ҳақида?

– Нимани назарда тутаётганингизни тушунаяпман. Бироқ унинг ишқий алоқалари йўқ эди, ўзи шундай деганди.

– Миннатдорман. Энди эса ўз нуқтаи назарингиз билан ўша оқшом воқеаларини кетма-кет баён қилиб берсангиз.

– Бажонидил. Руби билан биринчи рақсимиз ўн яримда тугади.

– Унинг хатти-ҳаракатларида нимадир эътиборни тортдими?

Реймонд виждонан эслашга уринди:

– Йўқ, менимча, айтарли ҳеч нима. Мен бошқа аёл шерикларим билан шуғулланишим керак эди,



фақат Рубининг залдан чиққанини кўрдим. Бир ярим соат ўтди ҳамки, у қайтмади. Бундан жаҳлим чиқди. Жефферсонлар билан бриж устида ўтирган Жозининг ёнига бордим. У ҳам ҳеч нимани билмас экан. Жаноб Жефферсонга ташвишланиб, тез қараб олгани эсимда. Дирижёрдан фокстротни такрорлашни сўрашга тўғри келди, ўзим эса Рубининг хонасига қўнғироқ қилдим. Жавоб бўлмагач, Жозининг ёнига қайтдим. У Руби ўз хонасида ухлаб қолгандир, деб тахмин қилди. Бу жаноб Жефферсонни хотиржам қилиш учун айтилаётгани аниқ эди. Биз тепага чиқдик...

– Бир дақиқа, жаноб Старр. Ёлғиз қолганингизда, Жози нима деди?

– У ғазаб билан: «Ғирт аҳмоқ-да! Шундай давом этиши мумкинми? Тамом бўлади-ку ахир. У ким билан, биласизми?» деди. Мен билмаслигимни айтдим. Фақат Рубининг Бартлетт билан рақс тушганини кўрдим. Жози бош чайқади: «Руби у билан эмас, албатта. Аммо унда ким билан? Балки анави киночи биландир?»

– Қайси киночи? – сўради Харпер дарров.

– Исмини билмайман. У меҳмонхонада қолмаган. Сочлари узун ғалати нусха, актёрга ўхшайди. Рубининг айтишича, киностудияда нима биландир шуғулланади. Икки марта овқатланишга келиб, у билан рақс тушди. Бу яқин танишлик деб ўйламайман. Жози у ҳақда гапирганда, ҳатто ҳайрон бўлдим. Қолаверса, кеча оқшомда уни меҳмонхонада кўрганим йўқ. Жози алам билан: «У ким биландир кетган. Йўқлигини Жефферсонларга қандай тушунтираман?» деб такрорларди. Мен яна ҳайрон бўлдим: «Жефферсонларнинг нима иши бор?» Лекин у ўзиникини маъқулларди: агар у аҳмоқлик қилиб, ҳамма ишни бузса, Рубини ҳеч қачон кечирмайди! Рубининг хонасига кирганимизда,



хонада ҳеч ким йўқ эди, лекин Руби у ерга кирган: ечилган окшом кўйлаги курсида ётганди. Жози кийим жавонига отилди: Руби эски ок кўйлакни кийибди, ваҳоланки, бизнинг у билан испанча раксимиз қора бахмал кўйлакда ижро қилинарди. Яхшигина жаҳлим чиқа бошлади: Руби ишга бепарво қараб, мени аҳмоқона вазиятга қўяётганди! Жози, энг аввало, Прескоттнинг жаҳлини чиқармаслик кераклигини айтиб, кийимини алмаштиришга югурди. Залга бирга тушиб, испан тангосини секин, оғрийдиган оёғини зўриқтирмаслик учун ортикча, чалкаш ҳаракатларсиз ижро қилдик. Жози, жони оғриётганига қарамай, ўзини мардонавор тутди. Кейин мендан Жефферсоннинг ёнига бориб, ҳаммаси жойидадек кўрсатишни сўради. Унинг ташвишланаётганини сезиб, жон деб ёрдам бердим.

Харпер хайрихоҳона бош ирғади:

– Чин дилдан миннатдорман, жаноб Старр!

Кўнглидан эса: «Иш эллик минг фунт стерлинга боғлиқ бўлса, беихтиёр ваҳимага тушиб қоласан!» деган ўй ўтди. У йўл-йўлакай теннис коптоги ва ракеткани олиб, зинадан дадил югуриб кетаётган Реймондни кўзи билан кузатиб қолди. Реймонд корт ёнига миссис Жефферсон билан бирга кетиб борарди, миссис Жефферсон ҳам ракеткани силкитарди.

– Кечирасиз, жаноб! – деди ҳарсиллаб қолган сержант Хиггинс. – Сизга ҳозиргина полиция маҳкамасидан кўнғироқ қилишди. Қандайдир фермер саҳарда карьер ёнида катта оловни кўрганини айтиш учун келибди. Ярим соат олдин у ерда ёниб кетган машина қолдиғи топилган. Бу ердан тахминан уч километр узоқда. Синиқлар орасида куйиб кетган мурда бор.

Харпер сочларининг учигача қизишиб кетди.

– Гленшир графлигида нима бало бўляпти ўзи?!



– деб бақирди у. – Жинойтлар эпидемиясими? Машина рақамини аниқлашнинг имкони бўлдимми?

– Сираям, жаноб. Лекин моторнинг фабрикадаги тамғасига қараб аниқлаймиз. Автомобилнинг русуми эса, ҳойнаҳой, «Миньон-14».

22

Жаноб Клиттеринг «Мажестик» вестибюлидан ўз хаёлларига чўмиб, паришон қиёфада ўтаркан, қаршисидан келаётганларга эътибор бермас, бироқ пишиқ тасавури зарур бўлганда хотирасида жонланадиган ҳамма тафсилотларни қайд этарди. Конвей Жефферсоннинг хоналарига асосий зинадан кўтариларкан, бу қадар шошилишч таклифнинг сабаби ҳақида бош қотирарди. Жиддий зарурат бўлмаса, Жефферсон уни безовта қилмасди. Демак, фавқулодда ҳодиса содир бўлган.

Саломлашиши биланок Конвей дўстига мурожаат қилди:

– Бу ердалигингиздан жуда хурсандман... Эдуард, бизга ўткирроқ бирор нима олиб келинг... Ўтиринг, оғайни. Бўлган воқеаларни билиб бўлдингизми? Наҳотки тонгги газеталарда ҳали ҳам ҳеч нима йўқ?

Жаноб Генри бош чайқаб, кизиксиниб сўради:

– Нима гап ўзи?

– Гап жинойт ҳақида. Унга мен ҳам, дўстларимиз Бантрилар ҳам аралашиб қолди.

– Артур ва Долли Бантрими?! – Жаноб Генрининг нафаси тикилиб қолаёзди.

– Ҳа. Уларнинг уйидан мурда топилган. – Конвей Жефферсон ортикча тафсилотларсиз, қисқа ва лўнда қилиб вазиятни баён қилди.



Генри Клиттеринг бирор марта дўстининг гапини бўлмай, диққат билан эшитди. Иккови ҳам ишнинг моҳиятини англай оларди. Скотленд-Ярдда хизмат қилган йиллари жаноб Генри зийрак ва аниқ фикрлайдиган одам сифатида ном қозонганди.

– Ғалати воқеа, – деди у охиригача эшитиб.
– Сизнингча, бунда Бантрининг ўрни қандай?

– Мени ана шу савол қийнаяпти-да! Афтидан, уларнинг ҳозирги кўнгилсизликларининг ягона сабаби – мен билан таниш эканликлари. Улар ҳеч бирлари бечора қизни умуман кўрмаганликларини уқтиришяпти. Рубини тузоққа туширишганга ўхшайди; изни йўқотиш учун мурдани Бантриникига ташлаб кетишган. Бунга нима дейсиз?

– Бу изоҳ унчалик қониқтирмайди.

– Лекин ҳақиқатга ўхшайди-ку?

– Қайсидир даражада, холос. Лекин мендан нима истайсиз, Конвей?

Конвей Жефферсон пинҳона алам билан гапирди:

– Мен ногиронман. Бундан ҳеч қаерга қочиб қутулиб бўлмайди. Ҳаракатларим чекланган. У ёки бу одамлардан истаганимдек сўраб-суриштиролмайман, хуллас, ўз суриштирувимни ўтказолмайман. Полиция лозим топиб хабар қиладиган майда маълумотлар билан қаноатланишга мажбурман. Дарвоқе, сиз Мэлчетт, Рэдфорд графлигининг бош констебли билан танишмисиз?

– Ҳа, илгари тез-тез тўқнаш келганмиз.

Шунда жаноб Генрининг хотираси ишга тушди. Вестибюлдан ўтаётганда, йўл-йўлакай бир чеккада камтарона ва жуда тик ўтирган кекса хонимнинг сиймосини қайд этганди. Сўнгги учрашувларида айнан Мэлчетт уларни таништирганди.



– Қадрли Конвей, ҳаваскор изқувар ролини зим-мамга олишимни истаяпсизми? Бу умуман менга тўғри келмайди.

– Лекин сиз ҳаваскор ҳам эмассиз! – эътироз билдирди Жефферсон.

– Бироқ расмий шахс ҳам эмас, истеъфога чиққан-нимдан бери.

– Менимча, бу ишни фақат осонлаштиради, – деди Жефферсон.

– Аммо сиз айнан нимани хоҳлаяпсиз, Конвей? Қотилни излаб топишними?

– Албатта!

– Бирор шубҳа борми?

– Ҳеч қандай.

Жаноб Генри бироз иккилангач, шундай деди:

– Буни жуда кулгили деб ўйлайсиз, лекин пастда, вестибюлда бундай бошқотирма воқеалар жавобини мендан анча яхшироқ топа оладиган бир аёл ўтирибди. Бундан ташқари, теварак-атрофда яшайдиганларнинг барча махфий сирлари унга маълум!

– Ҳазиллашяпсизми?

– Такрор айтаман: вестибюлда, чапдан учинчи устун ёнида беозор, кўримсиз қиёфали кекса хоним сипогина бўлиб ўтирибди. Бироқ унинг тийрак ақли инсон истакларининг энг тубларига кириб боришга қодир. Бироқ доим босиқ ва хайрихоҳ. Унинг исми мисс Марпл, ҳеч қаерга кетмасдан Сент-Мэри-Мид қишлоғида, Госсингтонда атиги ярим чақирим нарида яшайди. Бантрининг дугонаси. Изқуварлик ишларида эса ҳар қандай машҳур изқуварга олдиндан юз очко бериши мумкин!

Жефферсон қошларини кериб, бир неча сония меҳмонининг юз ифодасига разм солди.



– Нима, мени аҳмоқ қилмоқчимисиз?

– Эйўк, Конвей! Сиз Мэлчеттни эслатдингиз. Охирги марта мен уни кишлоқлик бир аёл сабабли кўргандим. Қиз чўкиб кетган. Лекин полиция унинг ўз жонига қасд қилганига ишонмай, жиноят содир этилган, айбдор эса кўлинмизда, деб ҳисоблаётганди. Айнан ўшанда хавотирини билдириш учун анча ташвишга тушган кекса хоним ёнимга келди. У беайбни дорга ошишмоқчи деб ўйлаётганди. Далиллари йўқ эди. Бирок у қотилнинг кимлигини биларди, менга унинг исми ёзилган қоғозни узатди. Хуллас, кадрли Жефферсон, у ҳақ бўлиб чиқди!

Конвей ўзини мажбурлаб кулимсиради:

– Аёлларнинг ички сезгиси, ундан ортиқ эмас.

– Асло. Кекса хоним ўз услуги борлигини тушунтириб берди. Ўзгача хабардорлик ҳам шундан.

– Нимани назарда тутяпсиз?

– Бу касбий жаргонга оид ибора, дўстим. Масалан, ўғирлик содир этилганда, полиция унинг, айтиш мумкин, муаллифлигини анча осон тахмин қилади. Ҳар бир жиноятчининг ўз дастхати бор. Мисс Марпл эса, унинг исмини айтгандим, шекилли, ўзининг кишлоқдаги кузатувларига асосланиб, баъзида содда рухий ўхшашликларни келтиради.

Жефферсоннинг шубҳалари тарқамади:

– Оқсуяклар даврасидаги кизнинг ўлдирилиши билан нимани таққослай оларкин?

Жаноб Генри ўзиники қатъиян маъқулларди:

– У бизга янги ғоя бериши мумкин. Бунга аминман!

Жаноб Генри ёнига келиб, илтифот билан саломлашганда, мисс Марпл мамнуниятдан кизариб кетди.



– Ў, жаноб Генри! Сизни бу ерда кўрганим жуда омадли бўлди.

У хушмуомалалик билан жавоб берди:

– Мен учун сиз билан ҳар қандай учрашув – омад ва мамнуният!

Мисс Марпл уялиб ерга қаради:

– Сиз ниҳоятда илтифотлисиз.

– Шу меҳмонхонада турибсизми, мисс Марпл?

– Ҳа, шу ерда бироз бўлишга қарор қилдик.

– Кечирасиз, биз деганингиз ким?

– Миссис Бантри ва мен. – Мисс Марпл унга маъноли қаради. – Билиб бўлибсиз-да. Даҳшатли, тўғрими?

– Доллига бу ерда нима керак бўлиб қолди? Эри ҳам келмоқчимми?

– Менимча, йўқ. Уларнинг битта воқеага ёндашуви умуман фарқ қилади. Ҳар қандай кўнгилсизлик бўлганда, бечора полковник кабинетига қамалиб олади ёки олисдаги фермага жўнайди. Бошини косаси ичига яшириб оладиган тошбақа сингари. Долли эса умуман бошқача.

– Ишончим комил, у бу воқеадан иложи борини олиб, кучли ҳиссиётлардан лаззатланади, а? – Жаноб Генри умумий танишларини анча яхши биларди.

– Эҳ... биласизми... бечора...

– Демак, у сизни бу ерга кўзбойлоқчи сингари шляпа тагидан куёнларни чиқаришингиз учун судраб келибди-да?

Мисс Марпл хотиржам тушунтирди:

– Долли муҳит ўзгариши менга ёрдам беради, деб ўйлади. Госсингтонда қолишни истамасди. – Бирок жаноб Генрининг кулиб турганини кўриб, кўзларини жовдиратди: – Қисман ҳақсиз, шекилли. Лекин унга ҳеч қандай фойдам тегмасди.

– Наҳотки сизда қишлоқдаги воқеалар билан бирор ўхшашлик топилмаган бўлса?



– Бу воқеа ҳақида жуда кам нарса биламан...

– Бу борада сизга ёрдам бера оламан. Бунинг устига, маслахатингизга ташнаман, мисс Марпл.

У ҳеч нимани қолдирмай, тафсилотларни айтиб берди. Мисс Марпл уни зўр диққат билан тинглади.

– Бечора жаноб Жефферсон! – деб хўрсинди у.

– Авиаҳалокат билан боғлиқ воқеа бирам қайғулики. Бир ўзи, бунинг устига, кимирлолмайдиган ногирон бўлиб қолди. Унинг учун ҳамма билан бирга ҳалок бўлиш яхши эди.

– Эҳтимол. Биз, унинг дўстлари қайғусини қандай жасорат билан енгаётганини жуда ҳурмат қиламиз.

– Ҳа, у ҳамдардлик ва тан беришга муносиб.

– Шу йиллар ичида фақат бир марта ожизлик қилди: ўша кичкина раққосага бирдан ва қаттиқ боғланиб қолди. Шундай туйғуни уйғотган бўлса, ажойиб қиз бўлган бўлса керак!

– Шарт эмас, – эътироз билдирди мисс Марпл.

– Унинг фазилатлари бироз бўлса-да ўрин тутган деб ўйламайман.

Жаноб Генри кизгин эътироз билдирди:

– Аммо Жефферсонни оддий хотинбоз деб ўйламаётгандирсиз?

– Ў йўк, йўк! – хитоб қилди турмушга чиқмаган кекса аёл кип-қизариб. – Бир дақиқа ҳам бундай хаёлга бормадим! Шунчаки фикримни нотўғри ифодаладим. Айтмоқчийдимки, у қизидан жудолик ўрнини қисман тўлдирадиган бирор ёш одамга ихтиёрсиз равишда талпинган. Раққосанинг қаршисида эса ақл бовар қилмас имконият пайдо бўлган. Қиз бунга ёпишиб олган. Мени ҳаддан ташқари гумонсировчи деб ўйлашингиз мумкин, аммо мен бундай воқеаларни кўп кўрганман. Мана, масалан, жаноб Харботлнинг ёшгина оқсочи... Оддий қиз, тўғри, босик феълли, тузук тарбия кўрган. Ўша қари бўйдоқнинг хўжалигини бошқарадиган



синглисини қаергадир касал қариндошига қарашга чақиришган. Қайтгач, у оксочнинг ўзини тутишида ғалати ўзгаришни сезган: оксоч меҳмонлар хонасида гаплашиб, тортинмасдан қаҳқаҳлаб кулиб ўтирган. Эгнида фартук ҳам, бош кийими ҳам бўлмаган. Мисс Харботл унга танбеҳ беришга уринди, бироқ кўпол жавоб эшитди. Акаси эса меросини ўша қизга ёзиб қолдираётганини айтиб, уни буткул ҳайратда қолдирган. Қандай жанжал бўлганини тасаввур қиляпсизми? Бечора мисс Харботл уйни тарк этиб, Истборндан кичкинагина квартирани ижарага олган. Одамлар ҳар балони тахмин қилишди, албатта. Лекин мен ҳеч нима бўлмаган деб ўйлайман. Шунчаки қари жентльменни чиройлиқкина қувноқ қизнинг давраси хурсанд қилган. Шунинг учун уни бутун уйини золимларча бошқарадиган, бунинг устига, доим қовоқ солиб юрадиган синглисидан афзал кўрган. – Мисс Марпл биров ўйланиб, қизгин давом этди: – Бизда яна дорихоначи бор, жаноб Бэджер. У парфюмерия бўлимидаги ёшгина сотувчига ҳаддан ташқари эътибор берарди. У ҳатто қариндошимиз, деб, хотинини ўша сотувчини уйга жойлаштиришга кўндирди. Аммо миссис Бэджер бунга бошқача қаради.

Жаноб Генри мурасасоз оҳангда гапирди:

– Агар ўша сотувчи уларнинг доирасига мансуб бўлган бўлса... дейлик, етим қолган бўлса, яхши таниш...

Мисс Марпл дарров унинг гапини бўлди:

– О, йўқ! Унда қиз уни камроқ қизиқтирарди. Ҳаёт таъмини йўқотган кекса жентльменга ёлғиз, ташландик, бағрикенглиги учун унга боғланиб қоладиган одамга ҳомийлик қилиш ёқимли. Ўзининг хайрли иши ва кутилажак миннатдорчилик олиб келадиган қувонч ҳақида ўйлаганда, ўзига бўлган ҳурмати ошади. – У биров жим қолди. – Жаноб Бэджер сотувчи қизга қимматбаҳо совғалар берарди: бриллиантли билагузук,



радиоприёмник, ажойиб проигриватель. Унга кўп йиллик жамғармасининг анчагина қисмини сарфлади. Бироқ миссис Бэджер бечора мисс Харботлдан тадбиркоррок чикди (турмуш унга тажриба берган!). Ўша қизнинг кетидан кузатди ва бир куни жаноб Бэджер эрка қизи ёмон, пойгада қатнашувчи йигитга боғла-ниб қолгани, ўша йигит унинг деярли ҳамма тухфаларини совуриб бўлганидан хабар топди. Ҳақоратланган қахрамон фитначи қизни ҳайдаб юборди, хотинига эса Рождествода бриллиант узук совға қилди.

Кекса хонимнинг қув нигоҳи Скотленд-Ярднинг истеъфодаги комиссарининг синчков кўзлари билан тўқнашди. Комиссар бу қизик ҳикоячаларда киноя йўкмикин, деб ўйлаётганди.

– Демак, Руби Киннинг хуштори бўлганда, бу дўстимнинг унга муносабатини ўзгартирган бўлиши мумкин эди, деб ўйлайсиз?

– Албатта. Кўп ўтмай унга уйланишни хоҳлаб қолмаслигига ким кафолат бера олади? Эркаклар ўз қизиқишларига чуқур берилишади. Ҳар қалай, Рубининг ишқий алоқаси бўлган бўлса, уни сир тутишнинг йўлини қилган.

– Сизнингча, сир тутилаётган хуштор ундан бунинг учун ўч олган бўлиши мумкинми?

– Ҳозирча бошқа сабаб кўрмаяпман. Қизнинг хола-ваччаси, бугун эрталаб Госсингтонга олиб келинган ёш аёл бу ўлимдан ранжиётганини зўрға яшираётганини сездим. Ҳозир сиз сабабини тушунтирдигиз. У, ҳойнаҳой, Руби Жефферсоннинг меросхўрига айлан-диган бўлса, ўз фойдасини олишни мўлжаллаган.

– Уни шунчалик тадбиркор ва бағритош деб ўйлайсизми?

– Бунчалик кескин ўйламанг. У бир бурда нонини осонликча топмайди. Шундай экан, нима учун гап бой



хакида кетганда, кўнгил бўшлик қилади деб ўйлаш керак? Ўша пулларни Гэскелл ва ёш миссис Жефферсон кутаётгани билан унинг нима иши бор? Дарвоқе, бунга ҳеч қандай хаки бўлмай туриб, Мисс Тернер менда ҳечам ёмон таассурот қолдирмади: у иззатталаб, иродаси кучли, жуда қатъиятли.

Жаноб Генри сўради:

– Сизнингча, дўстим Конвейда раққосани меросхўрига айлантириш фикри қачон туғилган?

– Ҳойнаҳой... мени нотўғри тушунманг, аммо, балки унинг куёви ёки келини қайта турмуш қурмоқчи бўлгандир?

– Жефферсон эътироз билдирмасди.

– Йўқ, албатта. Аммо ўзингизни унинг ўрнига қўйиб кўринг. Учови ҳам айнан бир фожиани бошдан кечирган. Бу уларни яқинлаштирган, битта том остига бирлаштирган. Лекин, бечора онам айтганидек, вақт – энг яхши ҳаким. Жаноб Гэскелл ва миссис Жефферсон ҳали ёш. Ўтмишни ҳадеб эслатавериш уларни эзади. Жаноб Жефферсон буни сезган, жим азоб чеккан ва ниҳоят, икковига меҳри сўна бошлаган. Ахир у ҳалок бўлган фарзандларига бўлган меҳрини улар билан баҳам кўрмоқчи бўлган. Энди эса уни чорасиз ёлғизлик банди қилган. Эсингизда бўлса, жаноб Харботлнинг синглиси акасиникидан жўнаб кетган, миссис Бэджер эса...

Жаноб Генри унинг гапини бўлишга журъат этди:

– Ҳаммани солиштириш одати қаердан чиқди-я! Тўғриси, мисс Марпл, ҳамма битта қолип бўйича ўйлайди ва ҳаракат қилади, деб ўйлаш – бемаънилик. Мен бунга умуман қўшилмайман!

Мисс Марпл ғамгин бош чайқади:

– Одам табиатининг умумий қонунлари бор.

Бирок комиссар ранжиб, давом этди:



– Қандай қилиб қандайдир Харботл ва Бэджерни жаноб Жефферсон билан тенглаштириш мумкин?! Ўз шахсимга тўхталишни ёқтирмайман, лекин наҳотки кишлокда менга ҳам ўхшаган бирортасини қидириб топсангиз?

– Қидиришнинг кераги йўқ. У Бригс.

– Яна қанақа Бригс?!

– Битта ер-мулкдаги собиқ бош боғбон. Боғбонларнинг энг яхшиси! У ўз соҳасига оид деярли ҳамма нарсани биларди; қўл остидагилар фақат довдираб турарди... Уч ёрдамчи ва бир югурдак бола билан боғ ва оранжереяни шундай тутардики, бу ерда олти нафар дипломли гулшунос меҳнат қилганга ўхшарди! У нўхатгулли кўрғазмаларда кўп совринлар билан тақдирланган. Ҳозир у ишдан четлашган.

– Менга ўхшаб, – деб минғиллади жаноб Генри.

– Лекин баъзан гоҳ у ер, гоҳ бу ерда нимадир қилиб туради. Айниқса, ўзига ёқадиган одамлар илтимос қилса.

– Худди менга ўхшаб, – яна тасдиқлашга мажбур бўлди жаноб Генри. – Ҳозирги пайтда менинг машғулотим ҳам шундай. Эски дўстимга ёрдам бергим келяпти.

– Тўғрироғи, икки эски дўстга.

– Икки? – бироз ажабланди жаноб Генри.

Мисс Марпл қатъий давом этди:

– Сиз жаноб Жефферсонни ўйладингиз, лекин полковникни унутдингиз. Мен миссис Бантри учун ҳам куйиняпман.

– Эҳ ҳа. Энди тушундим. Шунинг учун Доллини бечора деддингизми?

– Ҳа. У ҳали вазиятнинг қанчалик хавфлилигини тушуниб етмади. Биласизми, жаноб Генри, бу машъум сир очилмай қолиши мумкин. Унда бу эр-хотин



Бантрилар учун қандай фожиага айланади! Полковник, кўпчилик ҳарбийлар сингари, обрўси масаласида ниҳоятда нозик. Аввалига у гап-сўзларга бефарқ қарашга уринади. Лекин бора-бора ҳамманинг шубҳаланиши уни адо қилади. Кимдир гап орасида кесатади, очикчасига пичинг қилади, кимдир таклифини қабул қилмайди, албатта, узрли сабаб билан. Аммо аста-секин ҳаммаси аён бўлади. Бечоранинг ўз қобиғига яшириниб, қайғули, зоҳидона ҳаёт кечиришдан бошқа чораси қолмайди.

– Мисс Марпл, сизни тўғри тушунган бўлсам, мурда Бантрининг кутубхонасида топилгани боис шубҳа унга тушади?

– Афсуски, ҳеч шубҳасиз. У ҳақда атрофда ғийбатлашишни бошлаб юборишган. Бироқ бу ҳали бошланиши, одамларнинг қаҳри шу билан тугамайди. Улардан қочишни, совуқроқ муомала қилишни бошлашади. Шу боис ҳақиқатни аниқлаш зарур!

– Лекин мурда кутубхонада пайдо бўлиб қолганига бирор мантикий изох бўлиши керак-ку? Қандайдир сабаби, масалан...

– Албатта, сабаб бор.

– Ўша қизни йигирмата кам ўн бирда «Мажестик»да кўришган. Ярим тунда эса, тиббий хулосага кўра, ўлган. Госсингтон бу ердан тахминан ўттиз километр узоқда жойлашган. Шосседан тез юриш мумкин, бу йигирма беш километрлик йўл. Кейин қишлоқ йўлига бурилишга тўғри келади. Лекин уни аввал ўлдиришган бўлса, жасадни Госсингтонга олиб бориш нега керак бўлди? Ёки нима учун Госсингтонга, ўша ерда бўғиб ўлдириш учун олиб боришди? Мен учун бу ғирт бемаънилик!

– Бу табиий, чунки воқеалар бундай кечмаган.



– Сиз уни бу ерда бўғиб ўлдиришган, кейин қотил жасадни узоқроқ олиб кетиб, биринчи учраган уйга ташлаб кетган, деб ўйлайсизми?

– Асло. Аксинча, жиноят яхшилаб режалаштирилганига аминман. Лекин нимадир у ўйлаганидек амалга оширишга халал берган.

– Нима учун режа иш бермаган?

Мисс Марпл айбдорона оҳангда жавоб берди:

– Бизнинг дунёмиз ғалатиликларга тўла! Агар сизга режа одамлар бошқалар ўйлаганидан кўра нозикроқ ва таъсирчанроқ бўлгани учун иш бермаган десам, мени яна бемаъни гапларни гапирадиган кампир деб ўйлайсиз, тўғрими? Лекин менинг фикрим шундай... Мана, миссис Бантри ҳам келди!

24

Миссис Бантри Аделаида Жефферсон билан бирга пайдо бўлди. У жаноб Генрини кўриб, ҳайқириб юборди:

– Қанақасига, сиз ҳам шу ердамисиз?

– Қаранг, шундай. Шахсан ўзим. – У аёлнинг кўлига эгилди. – Тан олишим мумкин, бу воқеа яхшигина газабимни кўзғади.

– Эҳ, бу фожиа Артурга ҳам ёмон таъсир қилди. У уйда қолди. Биз эса мисс Марпл билан ҳаммасини ўзимиз аниқлаштиришга уриниб кўришга қарор қилдик. Дарвоқе, Аделаида билан танишмисиз?

– Ҳа, албатта.

Миссис Бантри давом этди:

– Айвонга чиқамизми? У ерда одам унчалик кўп эмас, бир қултумдан салқин ичимлик буюртириш мумкин.



Улар айвонга чиқиб, ёлғизликда ғамгин ўтирган Марк Гэскеллнинг столи ёнига ўтиришди.

Официант муз солинган қадахларни олиб келиши биланок миссис Бантри тоқатсизланиб, уни ташвишлантираётган нарсадан гап очди.

– Бир-биримиз билан буткул очик бўлишимиз мумкин, – деди у. – Ҳамма бир-бири билан таниш, Мисс Марплдан ташқари. Бирок, ишонтириб айтаманки, унинг ноёб тажрибаси бизга яхшигина ёрдам бериши мумкин.

Марк Гэскелл кекса хонимга таажжуб билан қараб, зўрға сўради:

– Сиз полициячилар ҳақида романлар ёзасизми?

– Ёзувчиликка қобилиятим йўқ деб ўйлайман.

Миссис Бантри шошиб, гапга аралашди:

– Икки оғиз гап билан тушунтириш қийин. Лекин буни инкор қилиб бўлмайди: мисс Марпл чиндан ҳам ажойиб! Адди, азизам, тафсилотларни эшитиш учун сабрим чидамаяпти! Ўша қиз... у қандай эди?

Аделаида Маркка кўз қири билан қараб, истехзоли кулиб қўйди:

– Бу саволга жавоб беришга қодир эмасман!

– Ҳеч бўлмаса, айтинг, қандай тоифага мансуб эди?

Гэскелл кўрслик билан очик гапирди:

– Одатдаги айёр нусхалардан. Бирпасда Жеффни ўзига ром қилиб олди!

У билан Аделаида ўзаро Конвей Жефферсонни Жефф деб атарди.

Жаноб Генри норозилигини зўрға яширди. Қандай бетакаллуфлик! У кўпинча гапларини ўйламай гапирди. Шунинг учун доим Розамунданинг танлаганига шубҳа билан қарарди. Маркнинг қандайдир жозибаси борлигини инкор қилиб бўлмайди, аммо унга ишониш – худо сакласин.



– Сиз ҳеч қанақасига аралашмадингизми? – сўради миссис Бантри ажабланиб.

Марк Гэскелл кескин жавоб берди:

– Аралашиш керак эди. Лекин ҳаммамиз оғзимизни очиб қолдик. – У Аделаидага маъноли қаради. – Сиз кекса Жеффимизга жудаям кам вақт ажратардингиз, Адди! Сизни охирги пайтларда теннис ва бошқа нарсалар қизиқтириб қўйди...

– Лекин менда спорт билан шуғулланиш имкони жуда кам бўлади. – У айбдорона оҳангда гапирарди. – Ахир хаёлимга келибдим...

– Албатта, – гапни илиб олди Марк. – Сиз қаердан ҳам билардингиз? Жефф доим мулоҳазали эди.

Мисс Марпл гап қистирди:

– Эркаклар, қандай таассурот уйғотишмасин, мулоҳазалиликка камдан-кам қодирлар.

Қалбининг тубида у эркак жинси – шунчаки йиртқич хайвонларнинг бир тури эканлигига амин эди.

– Гапингизга қўшиламан, – деди Марк. – Фақат шуниси ёмонки, мисс Марпл, биз буни вақтида англаб етмадик. Тўғри, қария ўша рангпар ва айёр кизда қандай жозиба топди экан, деб ажабланардик. Лекин у тетиклашиб, жонланиб қолганди, биз бундан семинардик, унга эса эътибор бермасдик. Жин урсин! Ўзим аввалроқ бўйнини қайириб ташламаганимдан афсусдаман!

– Марк! – деди Аделаида кескин. – Ўйлаб гапиринг. Йигит зўрма-зўраки кулиб қўйди:

– Акс ҳолда, мени қотил деб ўйлашади! Хе! Шундоқ ҳам қармоқдаман. Бу ўлим кимга фойдали? Мен билан сизга, азизам Адди!

– Марк! – такрорлади миссис Жефферсон зўраки кулиб. – Илтимос, жим бўлинг!



– Бўпти, бўпти, – деди у хотиржам бўл, дегандек. – Лекин мен қочиримларга ўрганмаганман. Ахир ҳурматли Жеффмиз ўша кичкина ёлғончига эллик минг фунт билан марҳамат кўрсатмоқчи бўлмадимми?

– Марк, ўтиниб сўрайман... ахир у ўлди-ку!

– Ҳа, ўлганини биламан... Бечора аҳмоқ қиз! Очигини айтганда, табиат унга берган инъомлардан нега ўзи учун озгина фойда олмаслиги керак? Нима жин уриб, унга ёпишяпман ўзи?

– Ўша раққосани қиз қилиб олмоқчилигини маълум қилганда, Конвейга бирор эътироз билдирдингизми? – эҳтиёткорлик билан сўради жаноб Генри.

Марк кўлларини ёзди.

– Қандай асос билан? Пул Жеффники, биз эса, аслини олганда, унинг қариндошлари ҳам эмасмиз. Бунинг устига, у жуда ёқимтой чол. Йўқ, биз дорини индамай ютдик. – У ўйланиб қолди. – Аммо барибир кичкина Рубини ёқтирмадик.

Аделаида мурасасоз оҳангда гапирди:

– Ҳамма гап танланган одамда. Жеффнинг икки нафар чўқинтирган қизи бор. Ўшалардан бирини асраб олганда, ҳеч ким ҳайрон бўлмасди. – Унинг овозида пинҳона қаҳр сезилди. – Бунинг устига, у Питга жуда боғланиб қолганди!

– Мен Пит – биринчи никоҳингиздан туғилган ўглингизлигини билардим, албатта, – деди миссис Бантри, – лекин вақт ўтиб, буни унутибман. Жаноб Жефферсон унга худди ўз неварасидек муносабатда эди.

– Менга ҳам шундай туйиларди, – хўрсинди Аделаида.

Унинг гап оҳангидаги нимадир мисс Марплни сескантириб юборди. У бошини буриб, ёш аёлга диққат билан қаради.



– Ҳаммасига Жози айбдор, – деб юборди Марк.
– Рубини бу ерга у судраб келди!

– Қулоқ солинг, Марк, – охири аччиғи чикди Аделаиданинг. – Опа-сингил шерик эди, демокчимасдирсиз? Рубининг бу ерда пайдо бўлгани тасодиф, холос.

– Азизам Адди, барибир Жози унчалик содда эмас! Дейлик, мен уни атай шундай қилишда айбламаяпман. Аммо у шундай бўлиши мумкинлигини ҳаммадан олдин сезган, бироқ ҳеч кимга чурк этмаган.

– Бунинг учун уни айблаб бўлмайди, – деди Аделаида хўрсиниб.

– Биз умуман ҳеч кимни айбололмаймиз, – деб одилона хулоса ясади Марк.

– Нима, Руби Кин чиндан ҳам жуда чиройлимиди? – кизиксиниб сўради миссис Бантри.

Марк унга таажжуб билан қаради:

– Уни кўргансиз деб ўйловдим.

Миссис Бантри тўнғиллади:

– Мен... мурдасини кўрдим. Одам бўғиб ўлдирилганда, унинг ташқи қиёфасига баҳо бериш... – У сесканиб кетди.

– Очиғини айтганда, у соҳибжамол эмасди, – деди Марк ўйланиб. – Косметикадан бемалол фойдаланарди, кўзга ташланарди. Лекин юзида тулкига хос жиҳатлар кўпроқ эди. Солки, калта ичак, эзғилаб ташлангандек сийрак тишлар, тасвирлаб бўлмайдиган бурун...

– Демак, у тасқара бўлган?

– Йўғ-э! Бўяниши билан ниҳоятда жозибали бўлиб қоларди. Тўғрими, Адди?

– Эҳтимол. Конфут қутисидаги кўғирчоқ юз. Лекин мовий кўзлари чинакамига чиройли эди.

– Уч ёшли боланикидек масъум нигоҳини ҳам унутманг. Кўзларини янада кўк қилиб кўрсатадиган узун



кора киприкларини ҳам. Сочларини бўярди. Сочлари оқ-сарик рангда эди, хотиним Розамунданикидек. Балки Жеффни шу тўлқинлантиргандир? – Марк беихтиёр хўрсинди. – Энг ёмони, Адди иккимиз унинг ўлимидан фақат хурсанд бўла оламиз. – У аёлнинг эътироз билдиришига йўл қўймади. – Нима дейишингиз мумкинлигини биламан, лекин риёкорлик қилишни истамайман. Бирок, ишонинг, кекса Жеффга чиндан ҳам ачиняпман. Кулфат унинг дилини вайрон қилди... – У бирдан жим бўлиб, ланг очик эшикдан вестибюлга каради. – Роса сир яширасиз-да, Адди! Қаранглар, бу ерга ким келяпти!

Миссис Жефферсон ўгирилди, бироз хайрон қолиб, жойидан сакраб турди. Юзи кизариб кетди. Ўрта бўйли қорачадан келган эркакка пешвоз чиқиб, айвонни тез кесиб ўтди. Эркак иккиланиб, атрофга алангларди.

– Бу Хьюго Маклин эмасми? – сўради миссис Бантри кўзларини қисиб қараб.

– Ўша, – тасдиқлади Марк Гэскелл. – Адди бир ишора қилса бас, Хьюго дунёнинг у бурчагидан етиб келади. Охир-оқибат унга турмушга чиқишига умид қолдирмаяпти.

Мисс Марпл учрашувни жилмайиб кузатарди.

– Ҳақиқий роҳат-фароғат, шундай эмасми?

– Эски услубда, – кулиб қўйди Марк. – Жуда узок давом этяпти. Нимаям дердик, бизнинг Адди теран туйғуларни уйғотишга қодир. – Овоз чиқариб, мулоҳаза юритаётгандек, қўшиб қўйди: – Унга эрталаб кўнғирок қилган, шекилли, менга эса айтмабди.

Айвонда Эдуард, Конвей Жефферсоннинг камердинер⁹и овоз чиқармай пайдо бўлди. У Гэскеллнинг қаршисида хурмат билан таъзим қилди.

⁹Камердинер – шахсий уй хизматкори.



– Кечирасиз, соҳиб, жаноб Жефферсон хонасига чиқишингизни сўради.

– Кетяпман, – деди Марк тураётиб.

У чиққач, жаноб Генри мисс Марплнинг кулоғига энгашди.

– Хўш? Жиноятдан энг манфаатдор бу иккови ҳақида таассуротга эга бўлиб улгурдингизми?

– Менимча, миссис Жефферсон жуда меҳрибон она.

– Ҳа, шундай, – мамнуният билан тасдиқлади миссис Бантри. – Питни жуда яхши кўради!

– У койил қолдирадиган ва никоҳ ҳақидаги ўйларни уйғотадиган аёллардан. Танноз бўлгани учун эмас...

– Фикрингизга кўшиламан, – деди жаноб Генри маъқуллаб.

– Икковингизга Аделаида нозик ва мулойим аёл бўлиб туйиляпти, – деди миссис Бантри ўйланиб.

– Янглишмадинглар.

– Марк Гэскелл-чи? – сўради жаноб Генри енгил киноя билан.

– Оддий фирибгар, – деди мисс Марпл қатъий.

– Сизда унга ҳам қишлоқдан прототип топиладими?

– Буни қарангки, ҳа. У жаноб Каржелл, пудратчи. У шундай сўзамолки, уй эгасига умуман кераги бўлмаса ҳам, таъмирлатишга ёки қайтадан қуришга кўндиради. Яна қандай нархга денг! Аммо тўлов қоғозларини текширишга уриниб кўринг, ҳар бир центга баҳона топади. Бу олғир каттагина сепга уйланган. Жаноб Гэскелл сингари, шундай эмасми?

– У сизга ёқмадими?

– Йўқ, нега энди? Унинг ўзига хос мафтун қилиш қобилияти бор. Аммо менга бу таъсир қилмайди. Ақлсиз жозиба... Бунинг устига, ҳаддан ташқари сергап. Эҳтиётсиз.



«Эҳтиётсиз, – ўйлади жаноб Генри. – Аниқ таъриф. Агар у бу ёғига ҳам ҳамма жойда бўлмагур гапларни гапираверса, кўнгилсизликлардан қутулолмайди».

Айвонга олиб чиқадиган зинадан оқ фланель¹⁰ костюмдаги келишган киши енгил югуриб чиқаётганди.

– Бу эса, – деди сэр Генри чўзиб, – Реймонд Старр, теннисчи ва раққос, Руби Киннинг шериги.

Кекса хонимнинг нигоҳида кизиқиш акс этди.

– Жуда чиройли йигит.

– Ким билсин.

– Тан олинг, жаноб Генри, – гапга аралашди миссис Бантри. – У чиндан ҳам ниҳоятда чиройли.

– Миссис Жефферсон кортда машқ қилади, деб эшитгандим? – деб сўради мисс Марпл соддадиллик билан.

– Нима бўпти, Жейн?

Аммо кекса хоним жавоб беришга улгурмади. Айвонга ёш Пит Кармоди қуюндек отилиб кирди. У дарров жаноб Генрининг ёнига интилди.

– Сиз ҳам изқувармисиз, жаноб? Полициядаги... анави семиз жаноб сиз билан маслаҳатлашаётганини кўрдим. У полиция бошлиғи, адашмадимми?

– Адашмадингиз, болагинам. Аммо сизга нима керак?

– Менга сизни лондонлик машхур изқувар дейишди. Деярли Скотленд-Ярднинг директори ёки шунга ўхшаш...

– Полициячилар ҳақидаги романларда бундай одам ғирт аҳмоққа ўхшайди, тўғрими?

– Э йўқ, жаноб. Бу эскирган услуб. Полициянинг устидан келиш энди урфдан қолган... Сиз котил кимлигини билиб бўлгансиз-а, албатта?

– Буни қарангки, йўқ.

– Тергов сизни жуда кизиқтириб қўйдими, Пит? – мулойим оҳангда сўради миссис Бантри.

¹⁰ Фланель – ипдан ёки жундан тўқилган енгил мато.



– Ў ҳа, хоним! Бу ҳозир менинг асосий машғулоти-тим. Ашёвий далиллар топиш учун қаерларни қидириб кўрмадим! Лекин омадим келмаяпти. Топганим арзимаган нарса, шунчаки мархума ҳақидаги хотира. Кўришни хоҳлайсизми? Тасаввур қиляпсизми, ойим ташлаб юборишни буюрди. Катталар баъзида бемулоҳаза бўлишади-да!

У тантанавор тарзда чўнтагидан гугурт кутичасини чиқариб очди-да, асраб қолинган бойликни кўрсатди.

– Кўряпсизми? Бу тирнок, Рубининг тирноғи қирқиндиси. Мен «Бўғиб ўлдирилган аёлнинг тирноғи», деб ёрлик ёпиштириб, коллежда кўрсатаман. Оламшумул эсдаликми?

– Уни қаердан топдингиз? – қизикди мисс Марпл.

– Кеча оқшом кечки овқат олдидан Рубининг тирноғи Жозининг шолрўмолига илиниб қолиб, синди. Ойим уни қайчи билан кесиб, ахлат идишга ташлаб юборишни буюрди. Бориб келишга эриниб, чўнтагимга солдим, бугун эрталаб эсладим. Титкилаб кўрсам: жойида! Энди бу менинг ўлжам. Қизик бўлди, тўғрими? Ахир уни ўлдиришларини билмагандим-ку.

– Яна бирор нарса қидириб топмадингизми? – сўради жаноб Генри умид билан.

– Йўқ. Лекин мен яна бир қизик нарса сақлаяпман.

– Болагинам, очикроқ айтинг, айнан нима?

Пит конверт чиқариб, жигарранг боғич парчасини олди.

– Бу Жорж Бартлеттнинг ботинкасидаги боғичнинг бир парчаси. Эрталаб уни эшик олдида кўриб, бир парчасини кесиб олдим, керак бўлса...

– Нимага керак бўлса?

– Жинойтчи бўлиб чиқса, албатта! Ахир Руби билан охирги марта у кўришган. Тан олинг, бу шубҳали. Кечки



овқатга оз қолдими? Очдан ўлай деяпман. Менимча, чой ва кечки овқат ораси ниҳоятда узок чўзиляпти. Ў, ахир бу Хьюго амаки-ку! Ойим уни чақирганини билмагандим. У доим оғир пайтларда пайдо бўлади. Ана, Жози ҳам шу ерга келяпти. Хайрли окшом, Жози!

Жозефина Тернер айвонга қадам қўйди-ю, Госсингтондаги икки хонимни кўриб, таажжуб билан тўхтаб қолди.

– Қандайсиз, мисс Тернер? – оксуякларга хос хушму-омалалик билан унга мурожаат қилди миссис Бантри. – Биз терговни сал бўлса ҳам жойидан жилдиришга келдик.

Жози бироз саросимада атрофга қараб, паст овозда гапирди:

– Бу жуда оғир! Ҳалигача ҳеч нима маълум эмас. Ҳар қалай, газеталарда бир оғиз гап йўқ. Мухбирлар менга ҳадемай савол билан ҳужум қила бошлашидан кўрқяпман, нима деб жавоб бераман?

Унинг ташвишли, бежо нигоҳи мисс Марплда тўхтади. У эса ошиқиб жавоб берди:

– Оғир аҳволингизни тушунаман, азизам.

Унинг ҳамдардлиги Жозига далда берди.

– Директоримиз жаноб Прескотт менга умуман оғзимни очмасликни буюрди, лекин буни қандай бажараман? Жаноб Прескотт бу ерда аввалгидек ишлай олади, деб ўйлаяпти. Тўғри, у бундай даҳшатли вазиятда жуда марҳаматли. Унинг кўнглини топишга ҳаракат қиламан. Ахир менинг виждоним пок-ку?

– Мисс, сизга бир савол берсам, ижозат берасизми? – деб одоб билан гапга аралашди жаноб Генри.

– Марҳамат, – деди Жози тушкун овозда.

– Миссис Жефферсон ва жаноб Гэскелл билан муносабатларингиз ҳар доим бирдек яхши бўлганми?



Жози кўлини асабий сикди. Овози қатъиятсиз янгради:

– Тўғриси... уларнинг ҳеч бири таънали сўз айтмади. Лекин менга уларнинг жаҳли чиқаётгандек туйилади, ҳалиги... жаноб Жефферсон Рубига билдирган кизиқиш туфайли. Бироқ бунда менинг умуман айбим йўқ! Ўзим ҳам роса ажаблангандим. – У қизгин ва самимий гапирарди.

– Ишонаман, – деди жаноб Генри илтифот билан. – Айниқса, жаноб Жефферсон холаваччангизни қиз қилиб олиш ҳақида гап очганда, ажаблангансиз?

Жози бошини силтаб кўтарди:

– Унинг бошига мисли кўрилмаган бахт куши кўнди. Лекин ҳар кимнинг омадга эришишга ҳақи бор-ку?

У йиғилганларга бир қадар кибр билан қараб чиқди-да, ўтирилмасдан айвонни тарк этди.

– Жиноятга унинг дахли йўқ деб ўйлайман, – деди Пит билағонлардек.

Мисс Марпл ўзига гапиргандек минғиллади:

– Бу тирноқ қирқиндиси бир фикр уйғотди. Ўзимга изоҳлай олмадим... унинг тирноқлари...

– Қайси маънода – тирноқлари? – сўради жаноб Генри.

– Биласизми, марҳуманинг тирноқлари жуда калта қирқилганди, – изоҳ берди миссис Бантри. – Ҳозир, Жейн шу ҳақда гап очганда, ажабланганимни эсладим. Унинг касбидаги қизларда, одатда, маникюр бўлади.

– Ҳа, – тасдиқлади мисс Марпл, – лекин у битта тирноғини синдирган бўлса, бошқаларини ҳам текислашга тўғри келган. Аниқлаштирак яхши бўларди, ётоқхонасида яна қирқиндилар топилмаганмикин?

Жаноб Генри кекса хонимга қизиксиниб қаради.

– Қайтиши билан Харпердан, албатта, сўрайман.



– Қаердан қайтади? – ташвишланиб қолди миссис Бантри. – Нахотки у яна Госсингтонга кетган бўлса?

Жаноб Генри жиддий киёфада изоҳ берди:

– Йўқ. Яна бир фожиа юз берди. Карьерда ёниб кетган машина топилди.

Мисс Марплнинг ранги оқарди:

– Бўшми?

– Афсуски, йўқ.

Мисс Марпл ғамгин бош чайқади:

– Бу ўша йўқолган ўқувчи қиз бўлмасайди деб кўрқаман. Памела Ривз.

Жаноб Генри таажжубини яширолмади:

– Нега бундай деб ўйлаяпсиз?

Мисс Марпл доимгидек ўнғайсизланди:

– Бизга инспектор Слэк кеча кечқурун қиз уйига қайтмаганини айтганди. У Дейнлей-Вэйлда яшайди. Бу ердан унчалик узок эмас. Охирги марта уни Дейн-бегидаги скаутлар байрамида кўришган, Дейнмут яқинида. Дейнмут унинг йўлида. Ҳаммаси мос келяпти, шундай эмасми? У қотил учун ниҳоятда хавфли ниманидир тасодифан эшитиб ёки кўриб қолган, деб тахмин қилиш мумкин. Ўлдиришган. Бу икки воқеа ўрта-сида умумийлик бўлиши мумкин, шундай эмасми?

Жаноб Генри овозини пасайтирди:

– Сизнингча, бу ишларни битта одам қилганми?

– Эҳтимол.

Кекса хонимнинг жиддий нигоҳи Скотленд-Ярд собик комиссарининг тушунадиган нигоҳи билан учрашди.

– Битта жиноятни содир этгач, – деб кўшимча қилди у, – одатда, иккинчи ва ҳатто учинчисидан ҳам қайтишмайди.

– Қанақасига? Сиз учинчиси ҳам бўлиши мумкин, деб ўйлайсизми?!



– Ҳамма нарса бўлиши мумкин.

– Мисс Марпл, сиз мени кўркитяпсиз! – хитоб қилди жаноб Генри. – Аммо, азиз авлиёлар ҳақи, ўша учинчи қурбон ким бўлиши мумкин?!

– Бу борада баъзи хавотирларим бор.

25

Полковник Мэлчетт ва полиция бошлиғи Харпер бир-бирига ғамгин қараб олди. Харпер ҳозиргина Мач-Бенхэмдан бошлиқ билан маслаҳатлашиш учун қайтганди. Бош констебль оғир хўрсинди:

– Иккала қидирувни бир пайтда олиб боришга тўғри келади. Руби Кин ва Памела Ривзнинг қотиллигини. Бечора қизни фақат куйиб кетган туфличаси ва мактаб кийимидаги тугмадан таниб олиш мумкин бўлди. Қандай даҳшатли ҳалокат!

Харпер дарров маъқуллади:

– Тўппа-тўғри, жаноб.

– Доктор чиқарган хулосага кўра, уни орқа ўриндикка ташлаб, машинани ёқиб юборишганда, у ўлик бўлган. Ҳар қалай, биров бўлсаям енгилроқ бўлди: ҳеч бўлмаса тириклай ёниб кетмабди. Афтидан, бечоранинг бошига уришган.

– Ёки бўғиб ўлдиришган.

– Харпер, айтмоқчисизки...

– Баъзи қотилларнинг ўз севимли услуби бор.

– Ҳа-а... Ота-онаси билан учрашдим. Онаси шуурсиз ҳолатда, қарашга ачинасан. Хўп, бу икки жиноят ўртасида боғлиқликни излаб кўрамиз. Агар боғлиқлик мавжуд бўлса, албатта.

Харпер воқеани қисқача айтиб берди:

– Памела Ривз Дейнмутдаги кумтепаликда ёшлар байрамида иштирок этган. Дугоналарининг таъкид-



лашича, у соғлом ва қувноқ бўлган. Бироқ қайтишда Дейнмутда қандайдир харидлар қилиши кераклигини айтиб, ҳамма билан бирга автобусга чикмаган. Ўша ердан кечроқ келадиган автобусда қайтмоқчи бўлган. Ҳаммаси ҳақиқатга ўхшайди: Дейнмутда катта дўкон бор, қиз эса шаҳарга кўп чикмаган. У ерга йўл кумтепалар орасидан ўтади, лекин узоқ айланма йўл. Памела йўлни қисқартирмоқчи бўлган, далани кесиб ўтиб, «Мажестик»ка олиб борадиган сўқмоққа бурилиб, меҳмонхонага ғарбий томондан юриб борган. Ўша ерда, эҳтимол, Руби Кинга алоқаси бор ниманидир кўрган. Дейлик, унга соат ўн бирга учрашув белгилашганини эшитган. Ўқувчи қиз қотилни таниб, фoш қилиб қўйиши мумкин эди. У буни жуда яхши тушунган.

– Демак, Руби Киннинг ўлдирилиши аввалроқ режалаштирилган, беихтиёр содир бўлмаган?

– Шубҳасиз, – тасдиқлади Харпер. – Аммо илк таассурот кутилмаган ғазаб жазавасидан дарак берганди. Лекин энди бошқа фикрдаман. Агар Памела жиноятга гувоҳ бўлган бўлса, шундай кеч пайтда меҳмонхона олдида бўлганини қандай изоҳлаш мумкин? Ахир ота-онаси кечки тўққиздан бошлабоқ ундан хавотирлана бошлаган.

– Бошқа тахмин бор. У дугоналари ҳам, ота-онаси ҳам билмайдиган ким биландир учрашиш учун яширинча Дейнмутга борган. Демак, унинг ўлимининг раққосага сира алоқаси йўқ.

– Тўппа-тўғри, жаноб. Лекин шахсан мен бундай деб ўйламайман. Шунини ёдда тутингки, кекса хоним, мисс Марпл ҳам иккала қотиллик ўртасида боғлиқлик борлигини гумон қилди. У биринчи бўлиб қуйиб кетган мурда Памела Ривз эмасми, деб сўради. Унинг ақли ўткир!



– Мисс Марпл биринчи марта зийраклик қилаётгани йўқ, – деди полковник Мэлчетт.

– Машинани ҳам эсдан чиқармайлик, жаноб. У Жорж Бартлеттга тегишли эди. Мана сизга яна битта «Мажестик»ка дахлдор белги!

Улар бир неча дақиқа бир-бирига маъноли қараб турди.

– Жорж Бартлетт, – деб такрорлади полковник. – У бўлса-чи? Нима деб ўйлайсиз?

Харпер яна бармоқларини букиб, тартиб билан далилларни санай бошлади:

– Руби Кинни охирги марта Бартлетт билан кўришган. У Руби ўз хонасига чиқиб кетди, деди. Буни курсига ташланган бал кўйлаги тасдиқлайди. Қиз айнан у билан сайрга бориш учун кийимини алмаштиришга чиққан бўлса-чи? Улар бу ҳақда аввалдан келишиб олган бўлишлари мумкин. Дейлик, кечки овқатдан олдин. Шунда меҳмонхона олдида Памела бўлиб, уларнинг суҳбатини эшитиб қолган бўлиши мумкин.

– Бартлетт автомобиль йўқолгани ҳақида эртаси куни ва жуда чалқаш-чулқаш қилиб хабар берди. Масалан, ўз машинасини ҳовлида охирги марта қачон кўрганини эслаёлмади.

– Дейлик, у ёлғон гапиряпти, жаноб. У ҳечам аҳмоқ эмас, айёр актёр.

– Бу тахминни тадқиқ қилишдан аввал бизга қотиллик учун сабаб керак. Бартлеттга Руби Кинни бўғиб ўлдиришдан нима фойда?

– Доим халал берадиган масала – сабаб! Рақслар саройидан олинган маълумотлар ҳам ҳеч нимага боғланмаяпти.

– Умуман ҳеч нимага, Харпер! Ҳамма бир овоздан Руби Киннинг ҳаётида ҳеч қандай эркак бўлмаганини



такрорлаяпти. Ҳатто Слэк ҳам ҳеч нимани аниқлай олмаган бўлса...

– Ундан кейин у ерда қиладиган ишимиз йўқ. У Руби Кин билан ҳатто бир марта рақс тушганларнинг рўйхатини тузди. Дуруст, беозор йигитлар. Дарвоқе, бу кечага ҳамманинг мустаҳкам алиби¹¹си бор.

– Шу алибилар ҳам, – хўрсинди полиция бошлиғи.
– Дарров алибига дуч келасан.

Мэлчетт унга норози қаради:

– Қидирувнинг бу қисми сизга топширилган.

– Албатта, жаноб. Ҳаммасини виждонан бажардим. Лондондан сўровингизга жавоб келди.

– Хўш?

– Жаноб Конвей Жефферсон куёви ва келинининг мол-мулкани баҳолаганда анча янглишибди. Улар наинки бой эмас, балки оғир аҳволга тушиб қолган.

– Шундай денг?

– Ҳа, жаноб. Жаноб Жефферсон ўғли ва қизига каттагина сармоя берган, албатта, лекин бу қачон бўлган? Фрэнк Жефферсон ҳам ўзини молиявий ишларда уста, биржа ўйинларида эҳтиёткорман, қалтис спекуляцияларга берилмаяпман, деб ҳисоблаган, аммо омади келмаган. Чамалашда адашган, қимматли қоғозлар зарар келтирган. Оқибатда бевасининг ҳатто ўғлини тузуқрок мактабга беришга ҳам пули йўқ.

– У қайнотасидан ёрдам сўраганми?

– Менимча, йўқ, жаноб. То уникида яшаркан, харажатлари кам.

– Бунинг устига, қайнотасининг соғлиғи узоқ умр кўришидан дарак бермайди, шундайми?

¹¹ Алиби – айбланувчининг жинойт содир бўлган пайтда бошқа жойда бўлганлиги – унинг айбдор эмаслигига далил.



– Ҳойнаҳой, жаноб. Жаноб Гэскеллга келсак, у киморбоз, хотинининг давлатини тез совурган. Ҳатто қарзга ҳам ботган. Унга энди шунчаки пул эмас, кўп пул керак.

– Бу одам менга ҳеч қачон ёқмаган, – тан олди полковник Мэлчетт. – Таваккалчи, қизиққон одам. Унинг учун Рубининг қиз қилиб асраб олиниси йигирма беш минг фунтдан айрилишни билдирарди. Қиздан халос бўлиш учун жиддий сабаб.

– Лекин миссис Жефферсонда ҳам худди шу сабаб бор эди.

– Ҳозирча мен у ҳақда гапирмаяпман.

– Биладан, жаноб. Бироқ икковининг ҳам алибиси бир хил. Улар жисмонан бу жинойтни содир этолмасди.

– Уларнинг ўша окшомдаги ҳаракатларини дақиқасигача тасвирлаб чиқдингизми?

– Ҳа, жаноб. Жаноб Гэскеллдан бошлайман. У қайнотаси ва миссис Жефферсон билан бирга овқатланган. Руби Кин уларга кўшилганда, ҳаммалари биргаликда қаҳва ичган. Кейин жаноб Гэскелл чала хатлари қолганини айтиб, хонасига кетган. Аслида эса машинага ўтириб, денгиз бўйига борган. Бутун окшом бриж тепасида ўтиришга тоқати етмаслигини тан олди. Жаноб Жефферсон эса, аксига олгандек, бу ўйинни яхши кўради. Шундай қилиб, хатлар шунчаки баҳона бўлган. Руби Кин салонда қолган. Гэскелл қайтганда, у Реймонд Старр билан рақс тушаётган бўлган. Ўз чиқишидан сўнг Руби яна Жефферсонлар ёнига келган, улар билан салқин ичимлик ичган. Кейин Бартллет билан кўлтиклашиб кетган. Гэскелл ва шериклари қарта партиясини бошлашган. Ўн иккита кам ўн бир бўлган. Марк Гэскелл стол ёнидан ўн иккидан кейин турган. Шубҳа бўлиши мумкин эмас, ҳаммаси буни тасдиқлайди:



бриждаги шериклар, официантлар... хуллас, ҳаммаси. Қотил у бўлиши мумкин эмас. Миссис Жефферсоннинг ҳам алибиси бор. Икковини ҳам истисно қилиш керак... Агар киз ярим тунгача ўлдирилган деб ҳисобласак, – деб секин кўшиб кўйди Харпер.

– Доктор Хейдокнинг фикри шундай. Унинг касбий тажрибасига ишонса бўлади.

– Лекин барибир айрим вазиятлар хатога сабаб бўлиши мумкин.

– Бу фикрни Хейдокке айтаман. – Мэлчетт телефон гўшагини кўтариб, соатга назар ташлади. – Хейдок шу ерда бўлиши керак... Уни ярим тундан кейин ўлдиришган бўлишса-чи?

– У ҳолда, улар дахлдор бўлиши мумкин, ахир бир неча мартадан кириб-чиққан. Дейлик, Гэскелл киздан ўн иккидан йигирма дақиқа ўтганда, бирор жойда учрашишни сўраган. У бир неча дақиқага салондан чиқиб кетади, уни бўғиб ўлдиради, салонга қайтади, мурдадан эса тонгда халос бўлади...

– ...Яъни Бантрининг кутубхонасига судраб кириш учун уни ўз машинасида ўттиз километр узоққа олиб кетади? Ғирт бемаънилиқ.

– Балки, – тасдиқлади полиция бошлиғи.

Суҳбатни телефон кўнғироғи бўлди. Мэлчетт гўшакни кўтарди.

– Алло, Хейдок! Сизмисиз? Руби Кин ярим тундан кейин ўлдирилган бўлиши мумкинми?

– Айтдим-ку, соат ўн ва ўн икки ўртасида ўлган!

– Ҳа-ҳа, эсимда. Аммо иш фаолиятингиз давомида аниқ хулосалар инкор этилган ҳоллар бўлмаганми?

– Бунинг умуман иложи йўқ. Шундай дедимми, демак, шундай. Тиббиётни инкор қилиб бўлмайди.



– Албатта, албатта... Бироқ қандайдир ўзгача вазият таъсир қилган бўлиши мумкинмасми?

– Яна янглишяпсиз. Қиз мутлақо соғлом бўлган, аномалия йўқ. Полицияга яхши кўриниш учун сиз шубҳаланаётган бирор бечоранинг бўйнига сиртмоқ солишларига ёлғон гапириб йўл қўёлмайман. Илтимос, жаноб, эътироз билдирманг. Баъзи хатолар менга маълум... Дарвоқе, қиз хушсиз ҳолатда бўғиб ўлдирилган. Унга аввал кучли гиёҳванд модда жўнатишган. – Доктор Хейдок гўшакни қўйиб қўйди.

– Ана, кўрдингиз.

– Ростини айтсам, мен яна битта изни ўйлаётгандим. Лекин у ҳам боши берк кўчага бошлади.

– Узр, нимани айтяпсиз?

– Унга сиз эътибор бердингиз, жаноб. Бэзил Блэйкни айтяпман. У Госсингтон ёнида яшайди.

– Эҳ, анави енгилтакми! – Полковник Бэзилнинг кўрсликларини эслаб, хўмрайди.

– Биринчидан, у Руби Кин билан таниш бўлган. Меҳмонхонада тез-тез овқатланган. Айтишларича, у билан рақс тушган. Рубининг хонасидан чиқишаётганда, Жозининг Реймонд Старрга нима дегани эсингиздами? «У киночи билан эмасмикин?» деган. Блэйкни назарда тутганини билиб олдим.

– Ҳа, нима? Умид қилса бўладиган из!

– Сиз ўйлаганчалик эмас, жаноб. Бу кеча Блэйк студиядаги қабулда бўлган. Бундай маросим сизга танишми? Оқшом саккизда коктейллардан бошлашади ва тамаки тутуни ичида бир-бирларини кўрмай қолгунча давом эттиришади. Инспектор Слэк тергов ўтказиб, Блэйкни сўроққа тутди: у ошналари билан тахминан ярим тунда хайрлашибди. Бу пайтда Руби Кин ўлдириб бўлинган.

– Унинг алибисини ким тасдиқлайди?



– Ўша куни актёрлар бўкиб ичишган. Лекин бир ёш аёл – дарвоқе, у ҳозир шу ерда – Блэйкнинг кўрсатмасини тасдиқлаяпти.

– Ишончли далил эмас.

– Шубҳасиз.

– Студия қаерда жойлашган?

– Ленвиллда, жаноб. Лондондан жануби-ғарбга қараб тахминан эллик километр.

– Ҳм... бу ердан Лондонга қанча бўлса, деярли ўшанчами?

– Худди шундай, жаноб.

Полковник Мэлчетт бурнини ишқалади.

– Буни ҳам истисно қилишга тўғри келади-а?

– Фикрингизга қўшиламан, жаноб. Руби Кинга қандайдир алоқаси борлигига исбот йўқ.

– Яна қаршимизда нотаниш қотил. Икс. Шунчалар сирлики, Слэк ҳам унинг изига тушолмайди. Жефферсоннинг куёви, эҳтимол, ўлдиришни хоҳлаган-у, ўлдиролмаган. Аделаида Жефферсон ҳам шундай. Бартлеттнинг алибиси йўқ, лекин сабаб мавжуд эмас. Шу... Кечирасиз, лекин раққос Реймонд Старр ҳақида ўйлаб кўрмаймизми?

Харпер секин гапирди:

– Лекин унинг алибиси бор. Ярим тунгача уни раққоз залида турли аёллар билан кўришган. Йўқ, уни ҳеч қанақасига ишга тиркаб бўлмайди.

– Ягона номзод – Жорж Бартлетт, – деди Харпер қатъий. – Унга жинойт учун сабаб қидириб топиш зарур!

– Унинг ўтмишини суриштириб билдингизми?

– Ҳа, жаноб. Ягона ўғил, онасининг эркаси. Ундан катта мерос қолган, энди роса совурапти. Иродаси бўш. Аммо ёвузларга хос жиҳатлар кам.

– Балки у руҳан беқарордир? – сўради Мэлчетт умид билан.



Харпер саволга савол билан жавоб қайтарди:

– Жаноб, бу воқеанинг изоҳи ҳам, аслида, шундай деган ўй хаёлингизга келмадими?

– Савдойи қотилми?

– Худди шундай, жаноб.

– Албатта, бу бизни барча қийинчиликлардан халос қиларди.

– Бунинг ҳеч яхши томонини кўрмаяпман, – деди Харпер.

– Аммо нима учун?

– Ҳаддан ташқари жўн.

– Ҳм... эҳтимол. Унда терговнинг бошидаги савол яна кўндаланг бўлади: қаерга ҳаракатланишимиз керак?

– Ҳеч қаерга, жаноб, – ғамгин жавоб берди полиция бошлиғи.

26

Конвей Жефферсон уйқусида қимирлаб, бақувват, кучли қўлларини кўрпа устига чиқарди. Ҳалокатдан сўнг қўлларига қўшимча куч киргандек эди. У кўзларини очмасдан жилмайди. Узоқ ухлагандан сўнг у доим кучга тўлиб, яхши кайфиятда уйғонарди. Янги кун? Зум ўтмай у каравотининг бошига ўрнатилган кўнғирок тугмасини босди. Ва бирдан ҳаммасини эслади.

Эдуард ётоққа кираётганда, хўжайинининг лабларидан бўғиқ ингрок отилиб чиқди.

– Ҳаммаси жойидами, жаноб?

Конвей вазмин жавоб берди:

– Йўк, Эдуард. Киринг. Деразани очинг!

Тонг куёшининг ёруғ нурлари ётоқxonани тўлдирди.

Конвей Жефферсон ғамгин мулоҳазаларга берилди. Хаёлида раққосанинг ҳамма учун унчалик ифодали



бўлмаган чехраси жонланди. Унга бу чехра бошқача кўринарди: кеча кечқурун у Рубини «очик кўнгил, содда бола» деб атади. Энди-чи?.. Конвей вужудида қаттиқ чарчок туйди. Кўзларини юмиб, пичирлади: «Маргарет!»

Бу мархума хотинининг исми эди.

27

Миссис Бантри ва Аделаида Жефферсон айвонда ўтиришарди.

– Дугонангиз менга жуда ёқди, – деди Аделаида. – Бирок, афтидан, у одамлар ҳақида унчалик ишончли фикрда эмас?

– Сиз ҳақсиз, азизам Адди.

– Узоқ вақт беҳуда сарфланган яхшилиқни кузатишга тўғри келганда ҳам шундай фикрга келасиз. – Миссис Бантрининг таажжубли нигоҳини пайқаб, изоҳ берди. – Мен бунга умуман арзимайдиган одамни осмонга чиқариб қўйишларини назарда тутяпман.

– Сиз Руби Кинга ишора қиляпсизми?

– Ҳа. Шафқатсиз кўринишни истамайман. Бечора қиз унчалик ёмон эмасди. Шунчаки ғаразли ва айёр эди. Ёлғиз қарияни ҳаяжонга солса, фойда олиши мумкинлигини тез фаҳмлади.

– Лекин Конвей чиндан ҳам баъзида ўзини ёлғиз сезарди, – деди миссис Бантри эҳтиёткорлик билан.

– Балки. Аммо фақат шу ёзда. – У ўзини мажбурлаётгандек гапирарди. – Такдирим ғалати экан... Майкл Кармоди тўйимиздан кейин шунчалик тез ўлдики, бу мени гангитиб қўйди. Ахир Пит ҳеч қачон отасини кўрмаганини биласиз-ку? Фрэнк Жефферсон, Майклнинг яқин дўсти бизникида кўп бўларди. Пит унинг чўқин-



тирган ўғли... отасининг охириги истагига кўра. Фрэнк менга ёкарди... баъзида унга жуда раҳмим келарди.

– Раҳмим? – сўради миссис Бантри қизиқиб.

– Бу сизга ғалати туйиляптими? Ахир унинг ҳеч нимадан камчилиги йўқ эди. Ота-онаси доим уни эркалатарди. Шу билан бирга... буни қандай тушунтирсам экан, жаноб Жефферсон – ниҳоятда кучли шахс. Ўзи истамаган ҳолда атрофдаги ҳаммани ўзига бўйсундиради. Фрэнк бундан азобланарди. Турмуш курганимизда, у ниҳоятда бахтли эди. Отаси катта марҳамат кўрсатди: ўғлига яхшигина пул ажратди. Ўзи айтганидек, болаларининг унинг ўлишини кутишига ҳожат йўқ эди. Бирок бу олижаноб қадам вақтидан аввал қўйилибди. Аввал Фрэнкка пулдан фойдаланишни ўргатиш керак эди. Бойлик Фрэнкни маст қилиб қўйди. У отасидан ўрнак олиб, биржа спекуляцияларига берилди. Афсуски, омадсизликка учради. У пулни ишончли акцияларга, бироқ фойдасиз тахминлар билан тикарди. Катта давлатнинг бармоқлар орасидан тўкилиб кетаётганини кўриш даҳшат! Ҳаммаси нўноқлик туфайли... Фрэнк қанчалик чуқур ботган сари, шунчалик янги таваккалчиликка берилар, бу уни қутқариб қолишига умид қиларди.

– Лекин, азизам, – деб унинг гапини бўлди миссис Бантри ҳаяжонланиб, – ахир Конвей аралашиб, ўғлига фойдали маслаҳат бермадими?

– Фрэнкни ғурур қийнади, у ўз кучи билан муваффақият қозонишни истарди. Биз мушкул аҳволимизни яширардик. Ҳатто Фрэнкнинг халокатидан кейин ҳам деярли пулсиз қолганимни отасига айтганим йўқ. Тушунишингиз керак... – У тез суҳбатдошига ўгирилди. – Бечора эримга хиёнат қилолмасдим! Тирик Фрэнк ҳеч қачон бунга рухсат бермасди. Бунинг устига,



жаноб Жефферсон узоқ вақт оғир касал эди. Ҳалигача унинг мени бой аёл деган сохта тасаввурини бузмайман. Тежамкорлигимни у шунчаки ижобий хислат деб ҳисоблайди. Фрэнк ҳалок бўлгандан бери Пит иккимиз у билан... ва унинг ҳисобига яшаяпмиз. Шунинг учун ҳозиргача эртанги кун ҳақида бош қотиришимга тўғри келмаган. – Аделаида ғамгин бош чайқади. – Биз бир оила бўлиб яшардик, бу рост. Лекин... сиз буни тушунармикинсиз? Мен унинг учун ҳозир ҳам бева эмас, ўғлининг хотиниман!

Миссис Бантри ҳамдардлик билан бош ирғади:

– Бошқача айтганда, Конвей яқинларининг ҳалок бўлганига тан бермаган?

– Ҳа. Бу ажойиб одам бахтсизлигини уни тан олишдан бош тортиб енгган. Марк Розамунданинг эри, мен эса Фрэнкнинг хотини бўлиб қолганман – гарчи уларнинг ўлганига анча бўлган бўлса ҳам. Лекин отаси учун улар гўё тирикдек!

– Бу ишонч деган мўъжиза, – пичирлади миссис Бантри.

– Шунча йилдан бери мана шундай яшадик. Лекин бу ерда... яқинда... ичимда нимадир синди. Ёки исён кўтарди... Мен доим марҳум Фрэнк ҳақида ўйлолмайман, ўйлашни истамайман! Менинг муҳаббатим, менинг умидсизлигим – ҳаммаси сўнди, ўтмишга кетди. Бундай деяётганим ёмонми? Қалбимда нима бўлаётганини ўзимга ўзим тушунтириб беролмайман. Ўтмишни тахтадан ўчиргандек ўчириб ташлашни ва ҳаётни қайтадан бошлашни истардим. Хушчақчақ, қувноқ, сузишни, рақс тушишни, теннис ўйнашни яхши кўрган Аддига қайтишни. Хуллас, яна ўзимдек бўлишни. Хьюго... Маклинни танийсиз-ку, а? У жуда яхши одам, менга уйланишни орзу қилади. Бу ўйни



узоқ вақт қувдим... лекин энди жиддий ўйлаб қолдим. – У сал елка қисди. – Балки Марк ҳақдир: Жеффга кам эътибор бергандирман. Хаёлларим узоқда эди. Руби унинг кўнглини ёза бошлаганда, ҳатто хурсанд бўлдим ҳам. Менда кўпроқ эркинлик пайдо бўлди. Рубига шунчалик назоқиб қолиши хаёлимга келибдими?!

– Буни қандай қабул қилдингиз?

– Ниҳоятда ҳайратга тушдим. Ва... жаҳлим ҳам чиқди.

– Менда ҳам шундай бўлди, – гапни илиб кетди миссис Бантри. – Худди шундай.

– Пит ҳақида ўйладим. Ўғлимнинг келажаги бутунлай Жеффга боғлиқ. У ўғлимга ўз неварасидек муносабатда эди... ҳар қалай, мен шунга умид қилгандим. Бошқача бўлиб чиқди. Ахир уларнинг ўртасида қондошлик ришталари йўқ. – Унинг тиззаларидаги нозик кўллари титраб кетди. – Пит беадаб, пулга ўч аҳмоқ кизни деб меросдан айрилди! Ў, мен уни ўлдиришга тайёр эдим...

Адди даҳшатга тушиб, жим бўлиб қолди. Чиройли кўнғир ранг кўзлар миссис Бантрига илтижоли боқди.

– Гапираётганларим даҳшатли, а?

Хьюго Маклин орқадан сассиз яқинлашиб, сўради:

– Айнан қандай даҳшатли гапларни айтяпсиз, азиям?

– Ўтиринг, Хьюго. Ахир танишсизлар-ку?

– Албатта. Салом, миссис Бантри!

Маклин полковник Бантрининг хотини билан бугун саломлашганди. У ўжарлик билан саволини такрорлади:

– Хўш, даҳшатли нима экан?

– Руби Кинни ўлдиришни хоҳлаганим, – тан олди Аделаида.



Хьюго бир зум ўйланиб қолди.

– Сизнинг ўрнингизда бундай демаган бўлардим. Беихтиёр айтилган гапни нотўғри талқин қилишлари мумкин. – У ёш аёлдан кўз узмасди. Тиниқ кўзларида садоқат акс этган, бироқ овозида огоҳлантириш сезилди: – Эҳтиёт бўлинг, Адди!

28

Мисс Марпл айвонга чиққанда, дугонаси ҳали ҳам курсида ўтирар, Хьюго ва Аделаида эса сўқмоқдан соҳилга тушаётганди.

Мисс Марпл дугонасининг ёнига ўтирди:

– Қаттиқ севади, шекилли.

– Хьюго уни яхши кўради. Кўпдан бери!

– Бундай тоифадаги эркакларни биламан. Жаноб Маклин майор Беррини эслатади. У нақ ўн йил бир бевага мафтун бўлиб юриб, дўстларига кулги бўлди, лекин охир-оқибат унинг розилигини олишга эришди. Аммо, афсуски, тўйга бир ҳафта қолганда, бева ҳайдовчи билан қочиб кетди... хм... Миссис Жефферсон – гўзал ва вазмин аёл...

– Эҳ, ҳамма бир талай аҳмоқлик қилишга қодир! – деди миссис Бантри. – Чорак соат олдин келганингизда, шу вазмин аёл нима деганини эшитган бўлардингиз, Жейн! У менга ҳаммасини айтиб берди. Эри бойлигини қандай совориб юрганини, қайнотаси эса ҳалигача буни билмаслигини. У шу йил ёздагина ҳаётини ўзгартиришга қарор қилибди.

– Ҳа, буни тушунаман. Ўтмиш уни азоблайди, эркинликка чиқишни истайди. Уйда доим пардаларни тушириб ўтириб бўлмайди. Миссис Жефферсон уларни суришга, бевалигини унутишга интилади, ўзини



дарров ташландик сезган қайнотасида норозилик туғдириб. Қайнотаси келинининг ҳаракатларидаги пинҳона сабабни тушунмаган. Худди хотини спиритизм¹²га ниҳоятда қизиқиб қолган, ўзи эса бу орада уни соатлаб завқли табассум билан эшитишга тайёр бир уста кизнинг тузоғига илинаёзган жаноб Бэжер сингари.

– Сиз Жози Рубини атай «Мажестик»ка жойлаган, холаваччалар ўзаро келишиб олган деб, ўйлайсизми?

– Йўқ, ҳечам бундай деб ўйламайман. Жози қариндошининг юриш-туришини аввалдан чамалай оладиган даражада зийрак эмас. Руби ҳам келажак ҳақида ўйламаган. У шунчаки оқим билан сузиб, воқеаларнинг кутилмаган бурилишидан фойдаланган.

– Қиз қилиб олиш билан боғлиқ бу воқеа ҳаммани хайратга солди. Айниқса, Адди ва Марк Гэскеллни.

Кекса хоним жилмайди:

– Маркнинг бошқа ташвишлари бор. Бу дадил ва хаёлпараст қарашли жўшқин йигит, мархума хотинини қанчалик севган бўлмасин, ҳаётини ёлғизликда ўтказадиганлардан эмас. Марк ҳам, Адди ҳам қари Жефферсоннинг аравасида сувлиқни сабрсизлик билан кемиряпти, гарчи Жефферсон уларни ўлганларга садоқатли бўлишга мажбурлаётган бўлса ҳам. – Мисс Марпл авомга хос очиқлик билан қўшимча қилди: – Эркакни эса умуман тийиб бўлмайди.

29

Худди шу дақиқада Марк Гэскелл жаноб Генри Клиттеринг билан суҳбатда кишлоқлик хонанишин аёлнинг тахминини тантанавор тасдиқлади:

¹² Спиритизм – ўлганлар руҳи нариги дунёда яшайди ва улар билан сўзлашиш мумкинлигига ишонувчи мистик оқим.



– Ниҳоят, полиция назарида биринчи рақамли жиноятчи эканлигимни тушундим! Молиявий ишларимга бурун тикиб бўлишди; ахир мен, билсангиз, фақир ёки деярли фақирман. Азиз қариямиз Жефф, шифокорлар тахмин қилганидек, икки ойлардан кейин вафот этса, Адди билан унинг ғаладонини бўлишиб оламиз, ўшанда ҳаммаси изига тушади. Қулоғимгача қарзга ботганман, аҳволим ачинарли бўлиши мумкин. Лекин озгина чидасам, наинки юзада қоламан, балки яхшигина ишлаб ҳам оламан.

Жаноб Генри таъна билан гапирди:

– Ҳаддан ортиқ таваккалчи ўйинчи эмасмисиз, Марк?

– Мен ҳар доим шундай бўлганман! Шиорим: ё устидан, ё остидан. Ўша бечорани кимдир бўғиб ўлдирганидан хурсандман. Мен эмас, ахир мен қотил эмасман. Яқин одамимни ўлдиришга қўлим бормайди. Аммо полиция менинг гапимга ишонмайди-ку? Қийнаб сўроқ қилишларини кутиш керак, шекилли. Криминалистлар жиноят сабабини аллақачон билиб бўлишган. Уларнинг фикрича, виждон азобига қодир эмасман. Мени аллақачон турмага тикиб қўйишмагани қизиқ ҳатто! Бу ернинг полиция бошлиғи менга жуда маъноли қараяпти.

– Сизнинг ишончли алибингиз бор.

– Алиби ҳеч нима эмас! Айнан айбсизларда алиби бўлмайди. Қотиллик вақти бироз суриб қўйилса, бас. Уч нафар шифокор уни ярим тунда ўлдиришган деса, бошқа олтитаси оғзидан кўпик сачратиб, воқеа тонгда содир бўлганини айтиб, қасам ичади. Ажойиб алибим барбод бўлади!

– Жудаям кўпол ҳазил қиларкансиз.

– Хунук ҳазил демокчимисиз? – ғамгин кулиб қўйди Марк. – Сизга ростини айтаман: ваҳимадаман. Қари



Жеффга келсак, ҳозир Рубининг ўлимига чидагани яхшироқ, кейинчалик кичкина фирибгарлигини билгандан кўра.

– Нимага шама қияпсиз?

Марк айёрона кўз қисди:

– Хўш, у тунда яширинча қаерга кетган? Гаров ўйнайманки, жазмани билан учрашишга. Жефф бундай ихлос қайтишини кўтаролмасди. Оркасидан келиб юрганини, аслида, ҳечам ҳимоясиз масъума қиз эмаслигини билишга... ҳа-а, қайнотам – жуда ажойиб одам. У ўзини жуда яхши назорат қилади, лекин ғазаби кўзиса – эҳтиёт бўлинг!

Жаноб Генри унга кутилмаганда кизиксиниб қаради:

– Нима, сиз қайнотангизни яхши кўрасизми?

– Буни қарангки, жуда ҳам. Гарчи ундан хафа бўлсам ҳам. Ҳозир тушунтираман. Конвей Жефферсон ҳаммамизни бошқаришни ва ҳаммани бўйсундиришни ёқтиради. Ихтиёрсиз равишда кадрли зулмкорнинг ноғорасига ўйнашга тўғри келади! – Марк бироз жим қолиб, бутунлай жиддий гапирди: – Мен хотинимни севардим. Бошқа бирор аёл бундай туйғуларни уйғотолмайди. Розамунда мен учун қуёш остида кулаётган ғунча мисоли эди... У ҳалок бўлганда, мен ўзимни шафқатсизларча нокаут қилинган боксчидек ҳис қилдим. Лекин... ҳакам сонияларни жуда узоқ санапти! Мен соғлом эркакман, аёллар мени ўзига жалб қилади, гарчи яна уйланишга талпинмаётган бўлсам ҳам. Билдирмасдан маишат қилишдан ўзимни тиймайман, албатта. Бечора Адди учун эса бари бошқача. У ниҳоятда дилбар аёл! Кўпчиликнинг кўнгли унга суст кетади. Жилови сал бўш қўйилса, бирор омади кулганга эрга тегиб олади. Бироқ қари Жеффга уни



Фрэнкнинг садокатли рафикаси сифатида кўриш маъкул. У Аддини ўтмиш билан деярли гипноз қилиб ташлаган! Ўзи тушунмаган ҳолда бизни зиндонда ушлайди. Мен-ку, бироз бўлса ҳам эркинликка чиқиб олдим, лекин Адди энди ғалаён кўтарди. Бундан қария лол бўлиб қолди. Кейин Руби Кин пайдо бўлди!

У жўшқинлик билан ўқиди:

Тобут тахтаси остида у.

Менга эса – қуёш ҳам, ўт ҳам!

Қадаҳга

Қуйилмас май.

Дилбар фирибгар ўлган!

Кетдикми, Клиттеринг, томоқни ҳўллайлик?

«Марк Гэскеллни ҳамма оғир гуноҳларда гумон қилишаётганидан ажабланмаса ҳам бўлади», – деб ўйлади жаноб Гэнри хўрсиниб.

30

Доктор Меткалф Дейнмутдаги шифокорлар орасида энг обрўлиси саналарди. Касалнинг тўшаги ёнида ўзини ортиқча кибрли тутмас, балки азобни енгиллатишга уринарди. У ўрта бўйли, овози ёқимли киши эди. Полиция бошлиғи Харперни диққат билан тинглагач, унинг саволларига ишонарли ва аниқ жавоб берди.

– Демак, миссис Жефферсоннинг тахминини қабул қилиш мумкин? – деди Харпер.

– Бемалол. Қайнотасининг соғлиғига зарар етган. Охирги йилларда ҳаммадек яшашга уриниб, ички қувватини аямай сарфлаган. Ўзини бутунлай дам олишдан маҳрум қилган. Ҳамкасбларимнинг қистовларига қарамай, ҳеч қандай меъёрий кун тартибига амал қилмади.



Хуллас, жаноб Жефферсонни ишдан чиққан моторга қиёслаш мумкин. Юрак, ўпкалар, томирлар – ҳаммаси жуда ёмон аҳволда.

– У шифокорларнинг маслаҳатларига эътибор бермасмиди?

– Умуман. Аммо уни айблаб бўладими? Тўғри, бу беморларим эшитадиган гап эмас, лекин шахсан мен занглашни эмас, ёниб кетишни маъқул кўраман. Бизнинг Дейнмутимиздек курортларда кун тартиби салгина бузилишидан ваҳимага тушиб, микроб ва елвизаклардан ўлатдан кўрққандек кўрқадиган бир талай касалларни кўрасан. Хуллас, зерикарли ҳаётларига кулгили даражада ёпишиб олишади! Лекин жоизмикин?

– Мен ҳам шундай фикрдаман, – маъқуллади Харпер. – Хўп, хулоса чиқарсак. Конвей Жефферсон кўринишидан бақувватга ўхшайди...

– Гап шундаки, фалокатгача у яхши шуғулланган ва елкалари, кўлларидаги кучни сақлаб қолган. Гилдиракли курси жуда енгил ҳаракатланади. Лекин курсидан каравотгача кўлтиқтаёқда боради.

– Протез кўйса бўлмайдими?

– Йўқ. Умуртқа лат еган.

– Шундай қилиб, Жефферсоннинг мушаклари бақувват, ўзини соғлом сезади. Лекин юраги ишдан чиққан. Ҳар қандай ортикча зўриқиш, руҳий зарба, кутилмаган кўрқув уни ўлдириши мумкин. Шундайми?

– Умуман олганда, ҳа, – деди шифокор. – Доимий асабийлик асаб тизимини чарчатиб, юрак касалликларини оғирлаштиради. Жисмоний зўриқиш уни ўлдириши даргумон. Аммо руҳий зарба унинг учун ҳалокатли туғаши мумкин. Шунинг учун оиласини огоҳлантирдим.



Харпер хотиржам гапирди:

– Ҳозир биз текшираётган жиноий иш унга шундай зарба бердики, бундан оғири бўлиши мумкин эмас. Шунга қарамай, у тирик.

Доктор Меткалф елка қисди:

– Жаноб Харпер, агар менинг тажрибамга эга бўлганингизда, ўлим яқинлашаётгани ҳақида ҳисоб бермаслигини англаган бўлардингиз. Ҳаяжон ўлдириши керак бўлган одам унга бардош беряпти. Организмнинг ҳеч ким билмайдиган захиралари бор. Қолаверса, менинг иш амалиётимда руҳий жароҳат жисмоний кўрқувдан хавфсизроқ бўлиб чиққан ҳолатлар ҳам учраган. Айтмоқчиманки, жаноб Жефферсон учун бирдан тақиллаб ёпилган эшикнинг овози у ҳомийлик қилган ёш қизнинг мудҳиш ўлими ҳақидаги хабардан ҳам қайғулироқ оқибатларга олиб келиши мумкин.

– Буни қандай изоҳласа бўлади?

– Биласизми, ахлоқий зарбага қарши ҳимоя реакцияси юзага келади. Аввал бахтсизлик гаранг қилиб кўяди, одам маълум вақт уни тушуниб етмайди. Тарақлаб ёпилган эшик ёки бирдан деворий жавон орқасидан чиқиб келадиган ҳазилкаш, қарама-қаршидан чиқиб қолган автомобиль эса – ҳаммаси бирпасда таъсир қилади. Шундай ибора бор: юраги кўксидан отилиб чиқди...

Полиция бошлиғи Харпер чўзиб гапирди:

– Бундан чиқди, раққосанинг ўлиmidан сўнг жаноб Жефферсоннинг вафот этишини кимдир кутган бўлиши мумкин?

– Бўлиши мумкин. – Шифокор суҳбатдошига қизиқсиниб қаради: – Нахотки сиз демокчисиз?..

– Ҳозирча нима дея олишимни билмайман, – деб жавоб берди Харпер саросимада.



31

– Жаноб, тан олинг, Руби Кин ва ҳомийсининг ўлими кетма-кет бўлиши мумкин эди, – бир неча дақиқадан сўнг жаноб Клиттерингга уқтирарди Харпер. – Балки жинойтчи шунга умид қилгандир? Икки карра фойда: жаноб Жефферсон арзандасинини ўлимидан қаттиқ таъсирланиб, васиятномасини ўзгартиришга улгурмасдан вафот этади. Ёмон иш эмас-а?

– Сиз у энди васиятномасини ўзгартиради, деб ўйлайсизми?

– Буни аниқлаш сизга қулайроқ, жаноб. Сизнинг фикрингиз қандай?

– Менда тахмин йўқ. Руби Кин пайдо бўлгунча дўстим давлатини Марк Гэскелл ва Аделаида Жефферсон ўртасида тенг таксимламоқчилигини билардим. Илк қарорни ўзгартиришга сабаб кўрмаяман. Лекин... ким билсин?

– Тўппа-тўғри, – маъқуллади Харпер ўйчан. – Меросхўрлари билан маънавий бурч боғлаб турмаса, одамнинг хаёлидан нималар кечишини топишга уриниб кўринг. Ахир жаноб Жефферсоннинг биттаям ҳақиқий қариндоши йўқ.

– У кичкина Питга боғланиб қолган, – деди жаноб Генри.

– Аммо невараси деб ҳисоблармикин?

– Йўқ, бундай деб ўйламайман.

– Яна бир нарсани сўрашга ижозат этинг, жаноб. Жаноб Жефферсоннинг жаноб Гэскелл ва миссис Жефферсонга ҳақиқий муносабатига баҳо беролмайман. Унинг саховати ва бағрикенглигига ҳеч ким шубҳа қилмайди, лекин, менимча, бу ҳалок бўлган болаларининг хотираси учун. Дейлик, иккови-



дан бири – Аделаида ёки Марк – янги оила куришни хоҳласа-чи?

Жаноб Генри шошиб қолди.

– Сиз менга қийин савол бердингиз, Харпер. Тўғриси, қандай жавоб беришни билмайман. Ўйлашимча... лекин билиб қўйинг, бу менинг шахсий фикрим... Хуллас, воқеаларнинг бундай тус олиши жаноб Жефферсонга таъсир қилиши мумкин. Мен ранжишни назарда тутмаяпман, йўқ, Жефферсон, ҳойнаҳой, бу ишни қилганга бахт тиланган бўларди, лекин... кейин унга қизиқиши йўқоларди.

Полиция бошлиғи аниқлаштирамоқчи бўлди:

– Бу икковига тегишлими?

– Менимча, ҳа. Гэскеллга нисбатан деярли аминман. Миссис Жефферсонни ҳам худди шу нарса кутаётган бўлиши мумкин. Аммо бунга ишончим камроқ. Жефферсон унга илиқроқ муносабатда.

Харпер мулоҳаза қилди:

– Жаноб Гэскеллни ўғил деб ҳисоблагандан кўра, унинг қиёфасида кизини кўриш осонроқми? Баъзан тескариси бўлади: қайнона куёвни жон деб оиласига қабул қилади, лекин камдан-кам аёллар ўғлининг хотинига меҳр қўяди... Шу сўқмоқдан теннис кортигача бормайсизми, жаноб? У ерда мисс Марплни кўряпман, ундан бир нарсани илтимос қилмоқчиман. Тўғрисини айтсам, икковингиз менга керак бўласиз.

– Нимага?

– Менинг гаплашим қийинроқ бўлган одамни сўроқ қилишга. Ёрдам учун чин дилдан миннатдор бўламан, жаноб! Мен жаноб Жефферсоннинг камердинерини назарда тутаяпман.

– Эдуардними? Лекин у нима айтиши мумкин?

– Кўп нарса. Оиладаги муносабатлар ҳақида нима билса ҳаммасини. Руби Кин билан боғлиқ воқеа



ҳақидаги фикрини билмоқчиман. Айнан ўз фикрини, чунки у ҳамма нарсани билади. Мен билан очик гаплашиши, амримахол. Лекин сиз, хўжайиннинг дўсти билан балки сир яширмасдан гаплашар.

– Ҳақиқатнинг тагига етиш учун Конвей мени зудлик билан чақиртиргани боис... хўш, бу имкониятлардан бири... – деб минғиллади жаноб Генри ва сўради: – Мисс Марпл сизга нега керак?

– У мактаб ўқувчилари билан суҳбатлашиб кўради. Биз Памела Ривзнинг олти нафар дугонасини таклиф қилдик. Балки улар бирор нимани билар? Агар Памела чиндан ҳам дўконга кирган бўлса, улардан бирортасини ўзи билан чақирган бўлиши мумкин. Мабодо харид фақат баҳона бўлса, у, аслида, қаерга борганини аниқлаш керак. Бундай суҳбат учун мисс Марпл энг маъқул одам деб ўйлайман.

– Топдингиз. Мисс Марпл қишлоқдаги кичик жумбоқларни жуда яхши фош қилади. Уни алдаб бўлмайди.

Полиция бошлиғи жилмайди:

– Ҳа! Кекса хоним ҳеч нимани назардан қочирмайди.

Иккови мисс Марплга яқинлашганда, у очик чехра билан саломлашди. Харпернинг илтимосига мамнуният билан тайёрлигини билдирди.

– Сизга бажонидил ёрдам бераман, жаноб Харпер. Ёшгина қизлар билан кўп муомала қиламан. Биринчидан, якшанба мактабида танишларим бор. Қолаверса, мен етимхона кўмитаси аъзосиман. Биласизми, етимхона менинг уйимга жуда яқин. Оқсочларим ҳам ёш қизлар. Хотиржам бўлинг, бу қизчалар қачон рост гапиряпти, қачон ниманидир яширишга уриняпти – жуда яхши фарқлайман.

– Ишончим комил, бу соҳада сиз катта мутахассиссиз, – деди жаноб Генри илтифот билан.

– Илтимос, жаноб Генри, мени мазах қилманг!



– Хаёлимга ҳам келгани йўқ! Сизда менинг устимдан кулишга кўпроқ имконият туғилади.

– Эҳ, кишлокда баъзан шундай расвогарчиликларга дуч келасан, – деди мисс Марпл ўйланиб.

– Дарвоқе, – эслаб қолди жаноб Генри, – мен сизни қизиқтираётган нарсани аниқладим: Руби Киннинг хонасидаги ахлат идишидан чиндан ҳам тирноқ қирқиндиларини топишди.

Кекса хоним чўчиб кетди:

– Бўлиши мумкин эмас! Ахир унда...

– Нега бу нарсани шунчалик муҳим деб ҳисобла-япсиз, мисс Марпл? – сўради полиция бошлиғи дарров.

– Ўша бечоранинг мурдасини кўрганимда, мени ҳаммасидан кўпроқ нима қизиқтирди, биласизми, қўллари. Уларда қандайдир нотабийлик бор эди. Лекин айнан нима? Кейин фаҳмладим: ташқи киёфасига қараб юрадиган қизларнинг тирноқлари, одатда, силлиқланган ва узун бўлади. Тўғри, баъзиларининг тирноқларини тишлашдек хунук одати бор, лекин таннозлик кўпинча устун келади. Мархума ана шу расво одатдан қутулолмаган, деб ўйладим ҳамки, бирдан болакай... анави Пит-да... тирноқлар узун бўлгани, шунчаки биттаси синиб қолганига далил келтирди. Қолганларини ҳам бир хилда текислашга тўғри келганини тахмин қилиб, жаноб Генридан қирқиндилар ҳақида сўрадим.

Жаноб Генри аниқлаштирмоқчи бўлди:

– Сиз ҳозиргина «ҳаммасидан кўра кўпроқ қизиқтирди» дедингиз. Демак, сизни қизиқтирган яна нимадир бўлган?

– Кўйлак, – деди мисс Марпл жиддий. – Мархуманинг эғнидаги кўйлак эскирган, пала-партиш танланган эди.

Эркаклар бир-бирига таажжуб билан қараб олишди.

– Нима бўпти?... – деди жаноб Генри чўзиб.



– Жуда эски кўйлак. Буни Жози айтди. Ўзим ҳам сездим.

– Ҳеч тушунмаяпман, нимага шама қияпсиз?

Мисс Марпл сал қизарди:

– Ахир Руби Кин ўзи, ёш жиянларимнинг ибораси билан айтганда, «юрагидан урган» одам билан учрашувга ошиқиб, кийим алмаштирган-ку?

– Ҳар қалай, биз шундай тахмин қияпмиз, – деди Харпер қийналиб кўз қисганча.

– Унда нега у эски кўйлак кийган?! – деб сўради мисс Марпл.

Харпер алам билан энсасини қашлади:

– Ниҳоят, фикрингизни уқдим! Ясаниброк кийинганда, табиийроқ бўларди, деб ўйлайсизми?

– Албатта-да. Кийимлари орасидан энг яхшисини, унинг ўрнида ҳар қандай қиз шундай қилган бўларди.

– Мантиқан тўғри, мисс Марпл. Лекин хуштор билан учрашувга ёмон йўлни босиб ўтишга ёки очик машинада юришга тўғри келса-чи? – деб аралашди жаноб Генри. – Таваккал қилишнинг унга нима кераги бор? Байрам кўйлагини асраш ақлга мувофик бўлади.

– Маъқул фикр, – маъқуллади Харпер.

Мисс Марпл жонланиб, унга ўгирилди:

– Унда шим ва свитер танлаши керак эди. Мен жуда башанг эмасман, лекин унинг услубидаги аёл худди шундай кийинган бўларди. Диди бор қиз, – давом этди мисс Марпл. – Файриихтиёрий равишда либосини вазиятга мослаб танлайди. Кун қанчалик иссиқ бўлмасин, тунги учрашувга оқ шойидан тикилган кўйлакни киймайди.

– Учрашувга отланган ёш қизнинг классик либоси қандай? – сўради жаноб Генри киноясиз.

– Агар учрашув меҳмонхона ёки оқшом либоси расм қилинган бошқа жойга белгиланган бўлса, у энг яхши



бал кўйлагини киярди. Лекин кўчада, очик хавода декольте¹³ беўхшов кўринади, бунга спорт кийими кўпроқ мос келади.

– Фикрингизга кўшилишга тайёрман, яхши муомаланинг азиз билимдони. Лекин бечора Руби... ҳм...

– Ҳа, эҳтимол, – тасдиқлади кекса хоним. – Руби ундай... Яъни у оқсуякларга хос тарбия кўрмаган. У қоидаларга мосламасдан кийим киядиган одамлар тоифасига мансуб эди. Скрэнтор-Роксдаги ўтган йили бўлган пикник¹⁴ эсимда. У ерлик ойимтиллаларнинг нима кийиб олганини кўрганингизда, оғзингиз очилиб қоларди. Аммо энди пиёда сайрга униформага ўхшаш кийим кийишяпти. Лекин бунда ҳам кизлар шорти фақат хушбичим ва озғинларга ярашишини тушунишмайди.

Полиция бошлиғи тортинмай суҳбат бошига қайтди:

– Демак, сизнингча, Руби Кин...

– Менимча, Руби Кин бутун оқшом эгнида бўлган ўша пушти кўйлакни ечмаган бўларди. Уни фақат янада чиройлироғига алмаштириши мумкин эди.

– Мисс Марпл, у ҳолда унинг эгнида оқ ва номуносиб танланган кўйлак бўлганини қандай изоҳлайсиз?

– деб сўради Харпер.

– Ҳозирча тушунмаяпман. Бироқ аминман: бу нарса биринчи даражали аҳамиятга эга.

32

Сим тўр билан ўралган кенг кортнинг ичида Реймонд Старр теннис дарсини яқунлаётганди. Ўрта ёшлардаги тўла хоним унга хайрлашаётиб, нозли кўл

¹³ Декольте – аёллар кўйлагининг чуқур ўйилган ёқаси ва шундай ёқали кўйлак.

¹⁴ Пикник – далага сайрга чиқиш.



силкиди-да, кўк-мовий свитерини илиб олиб, меҳмонхонага йўналди. Реймонд уни шунчаки ишлатиладиган мактов билан кузатиб қолди. Кейин уч нафар томошабин жойлашган ўриндиқ томонга юрди. У ҳорғин кўринарди.

Жаноб Генри хаёлан ўзидан сўради: бу одам неча ёшда бўлиши мумкин? Йигирма бешдами ёки қирққа яқинлашганми? Топиш қийин.

– Бундай дарслар жуда жонга тегса керак? – сўради мисс Марпл раҳмдиллик билан.

– Ҳа, айниқса, мавсум охирида.

Полиция бошлиғи ташвишли қиёфада эди:

– Ижозат берсангиз, мен ярим соатдан кейин кираман.

– Жуда соз. Миннатдор бўлардим.

Реймонд Харперни нигоҳи билан кузатиб кўйди-да, сўради:

– Ёнингизга ўтиришимга рухсат берасизми?

– Марҳамат қилинг, – жавоб берди жаноб Генри.

– Сигарета чекасизми?

У портсигарини узатаркан, бу одамга нисбатан ўзининг салбий фикрда эканлигидан ажабланди. Балки қиладиган иши ҳурмат уйғотмас? Рақсга келсак, ҳа, хойнаҳой, шундай. Ҳақиқий инглиз сифатида жаноб Генри профессионал раққосларга шубҳа билан қарарди. Йигитнинг ҳаракатларида назокат ҳаддан ортиқ эди... Реймонд... Рамон... Чиндан ҳам, унинг ҳақиқий исми қандай? У буни Старрдан очиқ сўради.

– Рақс тушишни бошлаганимда, мени Рамон дейишарди. «Рамон ва Жози» – испанча бир нарса. Лекин меҳмонхона хизматчилари хорижликларга унча яхши муомала қилмаслигини пайқадим. Шунинг учун инглизча Реймонд деган исмни танладим.



– Лекин бу сизнинг ҳақиқий исмингиз эмас? – сўради мисс Марпл.

Йигит жилмайиб бош чайқади:

– Йўқ, исмим чиндан ҳам Рамон. Бувим Аргентинадан. «Сонларни қимирлатиб юриш шундан экан-да!» – деб ўйлади жаноб Генри.

– Иккинчи исмим Томас, – деди раққос. – Бундан оддий нима бўлиши мумкин? – У жаноб Генрига ўғирилди. – Сиз Девонширдансиз-а? Стейндан? Менинг ота-онам яқинда, Алмстоунда яшайди.

Жаноб Генрининг бирдан эсига тушди:

– Демак, сиз Алмстоундаги Старрлардансиз?

– Худди шундай.

– Ҳеч ўйламагандим!

– Ажабланарли жойи йўқ, – деди Реймонд алам билан.

Жаноб Генри ҳамдардлик билан минғиллади:

– Такдирнинг бевафолиги, шекилли?..

– Шундай, шекилли, – маъқуллади ёш Старр ғамгин.

– Оилам уч юз йилдан зиёдроқ вақт давомида авлоддан-авлодга ўтиб келган ер-мулкни сотишга мажбур бўлди. Лекин сулоламиз узилмади. Акам Нью-Йоркка жойлашди. Унинг ноширлик иши бор. Қолганлар ҳам дунёнинг деярли турли бурчакларига тарқалиб кетди. Бизнинг давримизда университет дипломи – омадга эришишга кафолат эмас. Мен унчалик омадли эмасдим. Сантехника дўконига сотувчи бўлиб ишга кирдим. Дўконда намуналарнинг ажойиб заллари бор эди. Лекин мен нукул нархларни чалкаштириб, элтиш саналарини унутиб қўярдим. Табиийки, мени ишдан ҳайдашди. Мен билган ва эплайдиган биргина иш – бу рақс ва теннис эди. Ривьерадаги жамият гули тўпланадиган меҳмонхоналардан бирига хизматимни таклиф



қилдим. Яхшигина пул топаётганимда, қандайдир бир полковник, бошдан-оёқ жентльмен ҳаммага эшиттириб директордан сўради: «Анави раққосча қаерда? Уни қидириб юрибман. Хотиним ва қизим вальсга тушмоқчи. Уни судраб олиб келинг!» – Реймонд жим қолди. – Ранжиб эҳтиётсизлик қилдим ва ўша захоти ишдан айрилдим. Охир-оқибат бу ерга келиб қолдим. Бу ерда камроқ пул топаман, лекин шароит яхши. Вақтимни бесўнақай хотинларга теннис ўргатиш билан ўтказаман, кечқурун эса уларнинг қизлари билан рақс тушаман. Нима қилай, ҳаёт шунақа. Аҳмоқона хасратларимни сизга тўкиб солганим учун узр.

Жаноб Генри самимият билан:

– Сиз билан гаплашганимдан жуда хурсандман, – деди.

– Сиз Руби масаласида мендан нимадир сўрамоқчимисиз? Бу борада ҳеч қандай ёрдам беролмайман. Унинг қотили кимлигини билмайман. Мен у билан шунчаки таниш бўлганман. Менга сирларини ишониб гапирмасди.

– Уни ёқтирармидингиз? – сўради мисс Марпл хайрихоҳлик билан.

– Сизга нима десам экан? У, албатта, ёқишни биларди, – деди Реймонд анча лоқайд.

– Демак, – давом этди жаноб Генри, – шубҳангиз йўк?

– Йўк. Акс ҳолда, ишонинг, полицияга хабар берардим. Бу жиддий сабабсиз, лекин усталик билан, из қолдирмасдан содир этиладиган қабих жиноятлардан бири, шекилли.

– Икки кишида сабаб бор эди, – деди мисс Марпл паришон киёфада.

Жаноб Генри унга норози қараб қўйди.

– Наҳотки? – сўради Реймонд бирдан қизиқиб.



Мисс Марпл жаноб Генрига маъноли қаради.

– Руби Киннинг ўлими миссис Жефферсон ва жаноб Гэскеллга эллик минг олиб келди, шекилли, – норозиланиб гапирди жаноб Генри.

– Қанақасига? – ҳаяжон билан бақириб юборди Реймонд. – Лекин бу бемаънилик-ку! Миссис Жефферсон... айтмоқчиманки, уларнинг иккови ҳам жиноятга дахлдор бўлиши мумкин эмас!

Мисс Марпл йўталиб олиб, секин гапирди:

– Жаноб Старр, мабодо идеалист эмасмисиз?

– Идеалист?! Мен ўтакетган сурбетман, хоним.

– Пул – жуда жиддий сабаб, – пинагини бузмай давом этди кекса хоним.

– Балки, – деди яна портлашга тайёр Реймонд тишларини қисиб. – Аммо улар қизни бўғиб ўлдирганини тасаввур қилиш... – У бош чайқаб, бирдан турди. – Кечирасиз, ана, миссис Жефферсон дарсга келяпти. У шундоқ ҳам кечикипти.

Аделаида билан Хьюго Маклин бирга келаётганди. Аддининг лабларида айбдорона табассум ўйнардди. У кортга ўтди, Хьюго ўриндиққа чўкди. У мисс Марплдан ижозат сўраб, трубка чека бошлади.

– Тушунмайман, Аддига бу мажбурий дарслар нега керак бўлиб қолди? Кўнгил очиш партия ўйнаш бошқа гап. Мен ҳам теннисни яхши кўраман. Лекин дарслар...

– Ўйин маҳоратини ошириш учун бўлса керак, – деб тахмин қилди жаноб Генри.

– У шундоқ ҳам ракеткани яхши ишлатади, – деб эътироз билдирди Хьюго. – Ҳаваскор учун, албатта. Жин урсин! – У бир неча дақиқа жим қолиб, тўнғиллаб сўради: – Ўзи бу олчоқ ким? Қаердан? Жанубликка ўхшайди.

– У қадимий Старр оиласидан, девонширлик, – виқор билан жавоб берди жаноб Генри.



– Қанақасига? Бўлиши мумкин эмас! – Бу янгилик жаноб Маклиннинг кайфиятини бузди. Қовоғи солинди. – Тушунолмаيمان, Адди мени нимага чақирди.

– У келишингизни қачон илтимос қилди? – сўради жаноб Генри.

– Ҳалиги... ҳалиги... жинойт содир бўлганда.

– Телеграмма билан хабар бердимми?

– Телеграмма билан.

– Телеграмма қачон жўнатилганини аниқлаштиришни истардим.

– Буни билмайман.

– Уни соат нечада олдингиз?

– Аслида, уни мен олганим йўқ, менга матнини телефонда айтиб туришди.

– Нега энди? Қаерда эдингиз?

– Тунов куни Лондондан Дейнбери-Хидга жўнаб кетгандим.

– Бу ерга жуда яқин-ку?

– Ғалати тасодиф, шундай эмасми? Менга гольф ўйинидан қайтаётганимда кўнғирок қилишди, дарров «Мажестик»ка етиб келдим.

Мисс Марпл ўзини тобора ноқулай сезаётган Хьюго Маклинга хаёлчан тикиларди. У бепарво оҳангда сўради:

– Мени Дейнбери-Хидда бу ердагидек қимматчилик йўқ деб ишонтиришганди.

– Ҳа, нисбатан арзон жой. Ҳашаматли таътилга менда маблағ йўқ. – У турди. – Ўйнаб келиб, иштаҳамни очай. – У шундай дея ўгирилмасдан нари юриб кетди.

Унинг қадам ташлаши жонсиз туйиларди.

Жаноб Генри ҳам ўриндикдан турди.

– Хўп, мен ҳам боришим керак. Сизга миссис Бантри улфат бўлади, мана у.



33

Ҳансираб қолган миссис Бантри мисс Марплнинг ёнига ўтирди.

– Мен оқсочлар билан гаплашдим, – деди у, – лекин ҳаммаси бефойда. Нима деб ўйлайсиз, қизалоқ учрашувга ҳаммадан яширинча бориб юрган бўлиши мумкинми?

– Шубҳа қилманг, азизам, агар унинг жазмани бўлган бўлса, кимдир албатта, билади. Гарчи унинг жуда эҳтиёткор бўлишига тўғри келган бўлса ҳам.

Миссис Бантрининг эътибори ўйинчиларга кўчди.

– Адди яхши натижаларга эришяпти.

– Қайнотасининг вафотидан сўнг у анча бадавлат бўлади, – лукма ташлади мисс Марпл.

– Ў, Жейн, ўтинаман, ҳамма нарсада манфаатпарастликни кўриш яхши эмас! Сир эса ҳали ҳам очилмади.

– Аммо, азизам, буни дарров, бирпасда қилиб бўлмайди. Менга маълум вақт керак.

Миссис Бантри унга ишонқирамай қаради:

– Бундан чиқди, Руби Кинни ким ўлдиргани сизга маълум?

– Ҳа. Қотил кимлигини биламан.

– Ким экан ахир, Жейн? Қийнаманг!

Мисс Марпл инкор маъносида бош чайқаб, лабларини қисди.

– Айтолмайман.

– Нега?

– Чунки сиз буни сир сақлолмайсиз. Сиз ё айтиб кўясиз, ё ишора қилишдан ўзингизни тиёлмайсиз.

– Қасам ичаман! Бирор кишига...

– Ваъда бериш бажаришдан осон. Қолаверса, ҳали ҳаммаси аён эмас. Битта маслаҳат берсам, майлими?



Ҳаммага кулоқ солавермаслик керак. Жирканч нимадир содир бўлганда, мен шунчаки бирорта ҳам сўзга ишонмайман. Ахир одам табиатини ўзгартириб бўлмайди!

Бир дақиқа мулоҳаза қилгандан сўнг миссис Бантри бутунлай бошқа оҳангда гапирди:

– Сизга энг бошида бу воқеа мени ниҳоятда қизиқтираётганини айтгандим. Тасаввур қилинг-а, ўз уйингда мудҳиш жиноят содир этилса! Бунақаси менинг асримда бошқа такрорланмайди.

– Чин юракдан сизга шуни тилайман.

– Ростини айтсам, менга бир мартаси етади. Лекин бу жиноят гўё бутунлай меники-ку! Уни қадам-бақаддам босиб ўтмоқчиман.

Кекса хоним унга шубҳаланиб қаради.

– Сиз мени тушунишни истамаяпсиз! – деди миссис Бантри хафа бўлиб жаҳл билан.

– Йўқ, нега энди, Долли. Шундай ҳис қилаётган бўлсангиз... сизга ишонаман.

– Лекин сиз ҳозиргина айтдингиз: ҳеч кимга ишонмаслик – сизнинг тамойилингиз. Охир-оқибат бу, эҳтимол, ҳақиқатга яқиндир. – Миссис Бантри алам билан давом этди: – Мен ҳечам содда эмасман, Сент-Мэри-Мидда ва бутун округда нималар деб пичирлашишаётганини тахмин қиляпман. Гўё шамол бўлмаса, дарахтнинг учи кимирламайди, мурда бежизга эримнинг кутубхонасидан топилмаган... ўша қиз Артурнинг жазмани бўлган... ёки никоҳсиз туғилган қизи... Хуллас, ҳар ким бўлмағур гапларни гапиряпти. Биз эса сиз билан жумбокнинг ечимидан ҳали узоқмиз. Ўх, бечора Артур! Очилмаган сир уни аянчли ҳаётга маҳкум қиляпти. Лекин мен бунга йўл кўймайман. Ҳар қандай йўл билан! – Бироз жим қолгандан сўнг деди: – Сенга қадрли инсон бировнинг айби билан азоблана-



ётганини кўриш қийин. Дейнмутга мени фақатгина шу нарса бошлаб келди. Мен ҳатто эримни ёлғиз қолдирдим. Менга ҳақиқат керак, Жейн!

– Биладан, азизам, – деди мисс Марпл мулойимлик билан. – Шунинг учун сиз билан боришга рози бўлдим.

34

«Мажестик»нинг узоқ хоналаридан бирида Эдуард ҳурмат билан жаноб Генрини тингларди.

– Сизга бир нечта савол беришим керак, Эдуард. Лекин, энг аввало, сизга ўзимнинг бу ишдаги ўрнимни тушунтирмоқчиман. Бир пайтлар мен Скотленд-Ярдда комиссар бўлганман. Ҳозир истеъфодаман, хусусий шахс сифатида яшайман. Бу фожиа юз берганда, хўжайинингиз мендан зудлик билан етиб келиб, ҳақиқатни аниқлаш учун йиғилган бор тажрибамни ишга солишни сўради.

Жаноб Генри жим қолди. Эдуард ундан ақллинигоҳини узмай, бошини бироз эгди.

– Тушунаман, жаноб Генри.

Клиттеринг давом этди:

– Полициядаги терговда одамлар, одатда, баъзи нарсалар ҳақида гапиришмайди... турли сабабларга кўра. Дейлик, оилавий можарони бости-бости қилиш. Ёки уларга бирор майда нарсанинг жиноятга дахли йўқдек туйилади. Ёки манфаатдор шахсларга зарар етказиб кўйишдан кўркиб...

– Тушунаман, жаноб, – деб такрорлади Эдуард.

– Умид қиламанки, бу воқеанинг асосий жиҳатлари сизга маълум? Мурда хўжайинингиз жаноб Жефферсоннинг асранди қизи бўлиши керак эди. Бу режага қарши чиқишга икки кишида жиддий сабаб бор эди – жаноб Гэскелл ва миссис Жефферсонда.



Камердинернинг кўзларида нимадир ялт этди.

– Жаноб, билсам бўладими, улар шубҳа остидами?
– деб сўради у.

– Уларга ҳибсга олиниш хавф солаётгани йўқ, агар шуни назарда тутаётган бўлсангиз. Лекин полиция уларни назарда тутиши керак. Қотилликнинг барча тафсилотлари аниқланмагунча уларга шубҳа билан қарайди.

– Иккови ҳам нохуш вазиятда қолди, жаноб.

– Ҳа, анча нохуш. Жаноб Жефферсон, куёви ва келинининг ўзини тутиши, гаплари, ҳатто ишоралари ҳақида ҳам ҳаммасини миридан-сиригача аниқлаш жуда зарур. Улар нимани ҳис қилишган? Нима ҳақда гаплашишган? Мен фақат сиз пайқашингиз мумкин бўлган нозик жиҳатлар ҳақида сўраяпман, Эдуард.

У жим бўлиб қолди. Эдуард одоб сақлаб, жавоб берди:

– Сизни тушунаман, жаноб. Сиз ҳаммасини, айтишни истамаган нарсаларимни ҳам, бошқа вазиятларда сизни асло қизиқтирмайдиган ички сирларни ҳам яширмасдан айтиб беришимни истаяпсиз.

– Тўғри тушунибсиз, Эдуард. Ақлингизга қойилман. Эдуард бир зум ўйланиб, гапини бошлади:

– Узоқ йиллик хизматим давомида жаноб Жефферсонни яхши билиб олдим, албатта. Мен уни ўзига қарамай кўядиган пайтларда яқиндан кўраман. Баъзан ўйлаб қоламан: тақдир билан хўжайинимга ўхшаб курашиш жоизмикин? Бироқ у жуда мағрур, курашда синишни маъқул кўради. Доимий танглик жаноб Жефферсонни жуда асабий қилиб қўйди. У хушмуомала бўлиб кўриниши мумкин, лекин мен унинг қандай ғазаб жазавасига тушишини биламан-ку, у ҳатто бир сўз айтолмай қолади. Айниқса, ёлғон унинг қонини қайнатиб юборади.



– Ҳикоянгизда бошқа бирор маъно борми?

– Ҳа. Ахир сиз очик гапиришимни истагандингиз-ку?

– Албатта!

– Давом этайми, жаноб? Хўжайинимнинг эътиборини тортган ёш аёл бунга умуман арзимасди. Кичкина ёлғончида унга нисбатан ҳеч қандай меҳр йўқ эди. Унинг содда сафсаталари, болаларча қилиқлари – муғомбирликдан бошқа нарса эмасди. У учига чикқан ярамас эди, демайман. Шунчаки жаноб Жефферсон унда кўришни истаган тимсолга асло мос эмасди. Шуниси ғалатики, жаноб Жефферсон ўз тамойилларига эга одам, уни аҳмоқ қилиш осон эмас. Бироқ ёш қиз масаласига келганда, холис фикрлолмай қолади... Оиласида эса бундай вазият ҳукм сураётганди... Ёш мисс Жефферсон бу ёзда кескин ўзгарди, унинг жаноб Жефферсон билан деярли иши йўқ эди. Жаноб Жефферсон эса доим унга жуда яхши муносабатда бўлган! Жаноб Гэскелл унда бундай туйғуларни уйғотмасди.

– Шунга қарамай, уни доим ёнида ушлаб турган!

– деб хитоб қилди жаноб Генри.

– Ҳа, жаноб. Лекин фақат миссис Розамунда, жаноб Маркнинг хотини хотираси учун. Хўжайиннинг қизи унинг жону дили эди. Жаноб Марк эса ҳар қалай унинг эри...

– Марк Гэскелл яна уйланганда-чи?

– Бу жаноб Жефферсонни ғазабга солган бўларди.

Жаноб Генрининг қошлари керилди.

– Шундайми?

– Балки у сир бой бермасди, лекин ичдан...

– Миссис Жефферсон турмушга чикмоқчи бўлганда-чи?

– Худди шундай муносабат бўларди, жаноб.

– Давом этинг, давом этинг, Эдуард!



– Жаноб, айтганимдек, жаноб Жефферсон ўша қизга боғланиб қолди. Бунақасини илгари хизмат қилган уйларимда ҳам кўрганман. Касалликка ўхшайди: авайлашга, хайр-эҳсонга кўмишга интилишади... Ўнтадан тўққизта ҳолатда ўша одамлар ўзларини жуда яхши ҳимоя қилишади. Улар ўз манфаатларини ҳимоялашни билишади!

– Демак, сизнингча, Руби Кин тажрибали ғаламис бўлган?

– Ростини айтсам, у бу иш учун жуда ёш эди, лекин узоққа бориши сезилиб турарди. Беш йиллардан кейин ҳаёт ўйинида уста бўлиб қоларди.

– Фикрингизни эшитганимдан хурсандман, Эдуард. Буни жуда кадрлайман. Энди эса бу учови ўртасида Руби Киннинг муаммоси қандай муҳокама қилинганини эслай оласизми?

– Умуман олганда, муҳокама бўлмаган, жаноб. Жаноб Жефферсон ўз қарорини эълон қилиб, эътироз билдиришларига йўл қўймади. Ҳатто жаноб Гэскелл ҳам сукут қилишга мажбур бўлди, ваҳоланки, у, одатда, ҳозиржавоб. Миссис Жефферсон ҳам баҳслашмади. У босиқ леди. Фақат жуда шошиб иш қилмасликни сўради.

– Қиз-чи, ўзини қандай тутди?

Камердинер хушламай деди:

– У шодланаётганга ўхшарди, жаноб.

– Нима дедингиз? Шодланаётганга? Шубҳа қилишга бирор асосингиз бормиди, унинг... – Жаноб Генри хизматкор билан суҳбатда ўринли иборани топишга уринарди. – Унинг қалби... ҳм... бандлигига?

– Ахир жаноб Жефферсон унга турмушга чиқишни таклиф қилмаганди-ку. Уни қиз қилиб асраб олмоқчи эди.



– Буни кўя турайлик. Мен учун жавоб муҳим.

Эдуард секин гапирди:

– Бир гал беихтиёр бир воқеага гувоҳ бўлдим.

– Жуда қизик! Марҳамат, давом этинг.

– Бу сизга асқотишига ишончим комил эмас, жаноб. Бир куни мисс Кин сумкасини очганда, ичидан бир сурат ерга тушди. Жаноб Жефферсон расм устига эгилиб, сўради: «Бу кимнинг сурати, болагинам?» Унда сочлари тўзғиган, бўйинбоғи пала-партиш боғланган йигит тасвирланганди. Мисс Кин мутлақо масъум киёфада: «Билмайман, Жеффи. У сумкамга қаердан тушиб қолди экан? Ана ҳангомаю мана ҳангома, мен уни бу ерга солмагандим!» деди. Жаноб, жавоб аҳмоқона, ишонарсиз эди. Жаноб Жефферсон ғазабини аранг босди, қошлари чимирилди. У ўзини босиқ гапиришга мажбур қилди, лекин овози дарров бўғилди: «Бас, қизалок, унинг кимлигини жуда яхши биласиз». У кўрқоқлик килиб, минғиллади: «Эҳ ҳа, эсладим. Бу йигит бу ерга бир келганди, у билан рақс тушганман. Лекин исмини билмайман. Тескари ўтирилганимда, ўзи фотосуратини сумкамга тикиб қўйган бўлса керак. Худди бошқаларга ўхшаган аҳмоқ!» У кулиб юборди ва гапирадиган бошқа гапи йўқлигини билдириб, бошини силкитди. Аммо иккала изоҳ ҳам очик-ошкор-ку, тўғрими, жаноб? Жаноб Жефферсон буларга ишнолмасди. У қизга қаттиқ каради, шундан бери қаергадир чиқиб кетса, қаерда бўлганини сўрайдиган бўлди.

– Суратда тасвирланган одамни сиз кўрдингизми?

– Йўқ, жаноб. Ахир мен, одатда, ресторанга ҳам, рақс залига ҳам тушмайман.

Жаноб Генри бош ирғаб, Эдуардга яна бир нечта аҳамиятсиз савол берди.



35

Дейнмут полиция маҳкамасида Харпер Жесси Дэвич, Флоренс Смолл, Беатрис Хенникер, Мэри Прайс ва Лилиан Рижуэйни сўроқ қилаётганди. Улар ривожланиш даражаси ва ёши билан бир-бирига жуда ўхшарди. Теварак-атрофдаги фермерлар ёки савдогарларнинг кизлари. Уларнинг кўрсатмалари сўзма-сўз такрорланарди: «Памела Ривзнинг кўриниши ҳар доимгидек эди. У дўконга кирмоқчи ва кейинги автобуга улгурмоқчи эди».

Хона бурчагида кекса хоним ўтирарди.

Сўнгги ўқувчи қиз хонадан чиқиб кетгач, Харпер кўли билан пешанасини артиб, мисс Марпл томонга ноумид қаради.

Мисс Марпл жиддий оҳангда:

– Флоренс Смолл билан алоҳида гаплашиб олишни истардим, – деди.

Харпер таажжуб билан қошларини кериб, индамасдан кўнғироқ тугмасини босди. Констебль кирди.

– Флоренс Смоллни тўхтатинг, – буюрди полиция бошлиғи.

Ўқувчи қиз полициячи ҳамроҳлигида қайтиб кирди. У ўзига тўқ фермернинг қизи эди. Дуркун, оқ-малла сочли, лаблари қалин, кўрқиб кетганидан киприклари пирпирарди. У бармоқларини гоҳ сиқар, гоҳ очарди.

Харпер мисс Марплга саволомуз қараб қўйди-да, жавобан бош ирғаганини кўриб, турди:

– Бу хоним сизга бир нечта савол беради.

У чиқиб, эшикни зичлаб ёпди.

Флоренс нотаниш кампирга отасининг фермасидаги кўрқиб кетган бузоқча нигоҳи билан бокди.

– Ўтиринг, Флоренс, – деди кампир.

Қиз итоат қилиб ўтириб, бироз тинчланди.



– Флоренс, мени диққат билан эшитинг. Ўтган куни Памела билан нима бўлганини майда-чуйдасигача билишим керак. Ниманидир яширишга уринмоқчи бўлсангиз, бу сизнинг катта хатонгиз бўлади. Тушунаман, полицияда ўзингизни ноқулай сезяпсиз. Бу ерда сизни қойишларидан кўрққансиз. Масалан, илгари ҳеч кимга айтмаганингиз учун... ёки Памелани ушлаб қолмаганингиз учун. Иродангизни тўплаб, виждонингизни покланг. Агар ҳозир ҳам билганингизни айтмасангиз, бу энди қонунни бузиш бўлади. Қамокқа тушиш хавфи бўлган жиноят. Сизни огоҳлантиряпман.

– Мен... ҳалиги...

Мисс Марпл қистади:

– Ҳаммасини очиқ гапиринг. Памела дўконга борманган, шундайми?

Флоренс куруқшаб қолган лабларини ялаб, мисс Марплга силласи қуриган ҳайвончадек ер остидан қаради.

– У кинода суратга тушишни орзу қилармиди?

Қиз оғир юкдан халос бўлаётгандек пичирлади:

– Ҳа, мэм.

– Ўзим ҳам шундай деб ўйлагандим! – хитоб қилди кекса хоним. – Энди эса ҳаммасини бир бошдан гапиринг.

– Ў, қанчалик қийналганимни билсангиз эди, мэм! Мен Памелага ҳеч кимга ҳеч нима демасликка қасам ичгандим. Уни машинада ёниб кетган ҳолда топишганда... бу шундай даҳшатки, қайғудан ўлиб қолаёздим... Бунга ўзимни ҳам айбдордек сезавердим. Уни вақтида ушлаб қолишим керак эди. Лекин ўшанда ҳеч қандай ёмон нарсани сезмадим. Мендан Памела ўша куни ўзини қандай тутганини сўрашганда, ҳамманинг кетидан ўйламасдан, одатдагидек деб айтдим.



Кейин эса бошқа гап гапиролмадим. Лекин мен чиндан ҳам кам нарса биламан. Фақат Памеланинг айтиб берганларини.

– Хўш, у нималарни айтиб берди?

– Байрамга бориш учун автобус ёнига кетаётганимизда, сир сақлашни билиш-билмаслигимни сўради. Мен «ха» деб жавоб бердим. У сирларини ҳеч кимга айтмасликка қасам ичтирди. Скаутлар пикнигидан кейин у киносинов учун Дейнмутда қолмоқчи эди. У Голливуддан келган киночи билан танишиб қолди. Памеланинг ташқи кўриниши унга янги фильмга мос кўринди. Аммо у Памелани олдиндан хом хаёлга берилмаслик ҳақида огоҳлантирди. «Аввал суратбоплигингизни текшириб кўриш керак, – деди у. – Синов салбий чиқиши мумкин». Фильмда муҳташам мюзик-холлда кутилмаганда артист аёлнинг ўрнига чиқадиган ва қаршисида ажойиб карьера қилиш имкони туғиладиган ўқувчи қиз роли бор эди. Памела илгари мактаб спектаклларида ўйнаган, яхши натижа кўрсатган. Бу жаноб унда истеъдод борлигини сезганини, лекин кўп ишлашга тўғри келишини айтди.

Флоренс Смолл нафас ростлади. Мисс Марпл кўрқинчли фильмларга жуда ўхшаш бу воқеани музлаб эшитарди. Ота-онаси, хойнаҳой, Памеланинг бегоналар билан гаплашишини тақиқлаган. Бироқ унинг кинонинг арзон дабдабасига мойиллиги тақиқларни унутишга мажбур қилган.

– У жаноб ўзини жуда вазмин тутганди, – деб давом этди Флоренс. – У, агар синов муваффақиятли ўтса, Памела билан шартнома тузишни ваъда қилди. Аммо у ёш ва тажрибасиз бўлгани учун шартномани яхши ҳуқуқшунос билан маслаҳатлашгандан кейингина имзолашни маслаҳат берди. У ота-онанг қаршилик қилмайдими, деб сўради, Памела қаршилик қилишлари



мумкинлигини тан олди. У Памелани тинчлантирди: унинг ёшидаги қизларни ролга таклиф этишганда, бу одатий ҳоллигини айтди. Синовлар тугамагунча ҳаммасини сир сақлаш лозимлигини кўшиб кўйди. Памелага биринчи синов муваффақиятсиз бўлса, хафа бўлмаслигини тайинлади. Такрорлаш мумкин, деди. У Памелага Голливудда муваффақиятсизликка учраган, лекин Лондонда ҳайратда қолдирадиган даражада муваффақият қозонган машхур киноюлдуз Вивьен Ли ҳақида гапириб берди. Киночининг ўзи инглиз киносоноатини жонлантириш учун Америкадан «Ленвилль» студиясида ишлаш учун келибди.

Мисс Марпл бош ирғади, Флоренс давом этди:

– Улар Памела меҳмонхонада у билан учрашиши учун скаутлар байрамига боришдан фойдаланиши ҳақида келишишди. Киночи уни ўша ердан тўғри студияга олиб кетаркан. Синов тугагач эса у охириги автобусга чиқади ва дўконда ушланиб қолганини айтади. У жаноб бир неча кундан сўнг синов натижаларини маълум қилишга ваъда берди. Агар ҳаммаси яхши ўтса, директор жаноб Хармштейтер ота-онасининг ёнига ташриф буюради. Ҳаммаси шу қадар ажойиб эди! Унга роса хавасим келарди. Памела байрамда қатнашиши керак эди, ҳеч ким ҳеч нимадан гумон қилмади. У баланд овозда Дейнмутда дўконга боришини айтганда, менга сезилар-сезилмас кўз қисиб кўйди. Мен унинг кумтепалардаги сўқмоққа бурилганини кўрдим. – Флоренс йиғлаб юборди. – Уни тўхтатиб қолса бўларди. Реал ҳаётда бундай мўъжизалар бўладими? Нега тахмин қилмадим, нега ёрдамга чақирмадим?! Э Худо, мен ҳам ўлишни истайман...

– Бас-бас. – Мисс Марпл хўнграётган қизнинг елкасидан силади. – Сизнинг ҳеч айбингиз йўқ, Флоренс. Сизни айблаб бўлмайди. Сиз ўз бурчингизни бажардингиз.



Мисс Марпл уни овутди-да, бир неча дакикадан сўнг бутун хикояни Харперга такроран айтиб берди.

Полиция бошлигининг юзида ғазабли ифода пайдо бўлди.

– Қандай аблах! Ҳали таъзирини бераман! Бу юз берган фожага буткул ўзгача ойдинлик киритади.

– Шубҳасиз.

Харпер кекса хонимга зимдан қаради.

– Сиз ҳечам ажабланмагандексиз, мисс Марпл?

– Мен шунга ўхшаш воқеани тахмин қилгандим.

– Ҳамманинг орасидан ўша Флоренсни қандай ажратдингиз? Қизлар бир хилда ғамгин эди.

Мисс Марпл тортиниб тушунтирди:

– Сиз ёш қизларни ёлғон гапирганларида кузатишни унчалик ўрганмаган бўлсангиз керак? Флоренс кўзга тик қарашга уриниб, бошқалардек кўркувдан оёқларини қисиб ўтирганди. Лекин уни сўроқ қилишни тугатишганда, енгил тортиб бўшашди. Бошқалар эса боягидек босим остида қолаверди. Мен унинг ниманидир яширганини тушундим. Уларнинг ҳаммаси бир хил, жаноб Харпер!

– Катта раҳмат сизга, мисс Марпл! – деди полиция бошлиғи чин дилдан.

Кекса хоним хайрлашди.

– Меҳмонхонага қайтасизми?

– Ҳа, нарсаларимни жойлаш учун. Мени Сент-Мэри-Мидда уй ишлари кутяпти, жаноб Харпер.

36

Мисс Марпл кичкинагина меҳмонхонасининг ойнаванд эшигини ёпиб, парваришланган боғининг аллеясида юриб, кўчани кесиб ўтди ва пасторнинг худди шундай боғида пайдо бўлди. У ойнавандга ўхшаш эшикни бармоғи билан тақиллатди.



Пастор кабинетида якшанба маърузасига тайёр-гарлик кўриб ўтирар, ёш хотини эса меҳмонхонадаги гиламда шўх эмаклаётган боласини ўйнатаётганди.

– Киришга ижозат этасизми, Гризельда?

– Марҳамат, мисс Марпл. Леонардга бир қаранг! У фақат орқага ҳаракатланишни билганидан аччиқлан-япти. Ўйинчоқни кўлга киритишни хоҳлаяпти, лекин кўмирли кути томонга тисариляпти.

– Ажойиб болакай! – маъқуллади мисс Марпл. – Умуман олганда, яқин ўртада бирорта хайрия йиғими ўтказмоқчи эмасмисизлар?

Пасторнинг хотини кўшнисига таажжуб билан қаради.

– Биз доим эҳсон йиғиш билан бандмиз, қадрли мисс Марпл. Ҳозир черков неф¹⁵ини реставрация қилиш керак. Кейинги чоршанбада қаровсиз қолган оналар учун хайрия бозори ташкил қилиняпти. Сўнг скаутлар экскурсияси, қавм аёллари кўл ишининг кўрғазмаси, епископ ташаббуси билан денгизчилар учун йиғим бўлади. Яна бирор нарса чиқиб қолса керак.

– Мен ҳам бу ишга кўшилмоқчиман. Келинлар, ёрдам варақаси билан қишлоқни айланиб чиқаман.

– Ахир буни бежизга қилмоқчи эмасдирсиз, мисс Марпл? Бирор бошқа мақсадингиз борми? Ёрдмингиздан хурсанд бўламиз, албатта. Балки хайрия бозори жамғармасини зиммангизга оларсиз? Сирингизни барибир очмайсизми? – кувлик билан сўради Гризельда меҳмонни эшиккача кузатиб кўяркан.

– Вақти келиб, азизам, вақти келиб, – ваъда қилди мисс Марпл тез-тез гапириб.

¹⁵ Неф – (фран. nef, лотинча navis – кема) чўзиқ хона, интерьернинг бир қисми.



37

Мисс Марпл кўлида қора клеёнка дафтар билан тўхтамасдан, тез-тез юриб, бутун қишлоқни айланиб чикди. Чорраҳадан чапга, «Мовий тўнғиз» томонга бурилди, лекин у ерга кирмади. Унинг мақсади тева-ракда «жаноб Букернинг янги уйи» деб аталувчи «Чэтсворт» вилласига кириш эди.

У қулфланмаган кўча эшикни итариб, кириладиган эшикка яқинлашди-да, тақиллатди. Эшикни Дина Ли исмли бир малласоч аёл очди. Сал-пал бўянган малласоч уйда юргандек пала-партиш кийинганди: кулранг шим ва зумрад-яшил ранг свитер.

– Хайрли кун, – деди мисс Марпл ёйилиб жилмайиб. – Бир дақиқага киришга ижозат берасизми? – У Дина Ли шундоққина олдида эшикни ёпиб улгурмаслиги учун шошиб остона ҳатлади. – Бениҳоя миннатдор-ман, – деди у бамбукдан ясалган замонавий курсига маҳкамроқ жойлашиб ўтираркан. – Бугун куз учун кун иссиқроқ, шундай эмасми? – Унинг юз бичимида сод-дадиллик сезиларди.

– Ҳаво жуда яхши, – деди Дина Ли кўкқисдан бости-риб кирган меҳмоннинг сўзини маъқуллаб ва беихтиёр унга сигарета кутисини узатди. – Чекамизми?

– Катта раҳмат, лекин мен чекмайман. Сизникига киришимга сабаб шуки, исмингизни хайрия қилувчи-лар рўйхатига киритсам бўладими? Биласизми, бизда камбағаллар учун хайрия бозори уюштириляпти.

– Хайрия бозори? – Дина Ли бу сўзларни шундай таажжуб билан айтдики, гўё улар хорижлик эди.

– Ҳа-ҳа, черков олдидаги майдонда. Кейинги чоршанбада.

– Ҳа!

Мисс Ли гапиришдан олдин бир дақиқача яхшилаб ўйлади.



– Йўқ, узр. Мен ҳеч нима бермайман.

– Ҳеч бўлмаса, арзимас миқдордаги пул... Масалан, ярим کرونا? – ялиниб қистарди мисс Марпл дафтарни тортқилаб.

– Энди, бу нималарга кетмайди, топилар. – Ёш аёл сумкасини излаб, аланглай бошлади.

Мисс Марпл бу орада зийраклик билан ҳамма ёққа назар солди.

– Камин олдига гилам солинмаган эканми? – деди у баланд овозда.

Дина Ли ўгирилиб, биринчи марта кампирнинг нигоҳи қанчалик ўткирлигини пайқади: бу нигоҳ унинг ичини ҳам кўраётгандек эди.

Мисс Марпл ҳеч нима бўлмагандек қистирди:

– Тўғри қиласиз. Камин олдидаги гиламлар – ҳар доим хавфли. Кичкинагина кўмир бўлаги тушса, ловуллаб ёниб кетади.

«Қари ғийбатчи», – ўйлади Дина, лекин мулойимрок жавоб беришга уринди:

– Гилам шу ерда эди. Қаерга кетганини билмайман.

– Қалин жундан тўқилган гилам бўлса керак?

– Ундай эмас, оддий кўй терисидан. – Дина ичида бу кампиршонинг эси жойидами, деб ўйлай бошлади.

Мисс Марпл дафтарини очди:

– Раҳмат, мисс. Қайси фамилияни ёзай?

Динанинг юзи бирдан буришиб кетди. Овози жарангдор ва кибрли янгради:

– Мисс Дина Ли!

– Лекин хотирам панд бермаётган бўлса, бу жаноб Бэзил Блэйкнинг уйи?

– Шундай. Лекин мен мисс Дина Лиман! – У кекса қишлоқ аёлига ғазабли қараб, бошини баланд кўтарди.

Мисс Марпл совуққонлик билан унинг қарашига чидаш берди.



– Агар сизга ноўрин туйилмаса, кичик бир маслаҳат бермоқчиман.

– У менга ҳалитдан ноўрин туйиляпти. Ичингизда қолаверсин.

– Аммо барибир айтаман, – пинагини бузмай давом этди мисс Марпл. – Қишлоқда ҳамма нарсага эскича баҳо беришади. Бу ерда яшаркансиз, қизлик фамилиянгизни ишлатмаганингиз маъқул.

Дина кўзларини чакчайтирди:

– Сиз ўзи нимани гапиряпсиз?

Мисс Марпл киприк қоқмай давом этди:

– Эҳтимол, атрофдагиларнинг хуш кўриши ва хайрихоҳлиги сизга ҳадемай керак бўлиб қолар. Эрингизни ҳам қўшнилар наздида обрўсизлантиришнинг нима кераги бор? Бундай овлоқ жойда бирга яшайдиган, лекин никоҳдан ўтмаган жуфтликларга салбий қарашади.

– Турмуш курганимизни қаердан биласиз? – сўради Дина ҳайрон бўлиб.

– Эҳ, бу...

– Йўқ, жавобдан қочманг. Сиздан сўраяпман! Нима, архивга кириб, Соммерсет-Хаусдаги қавм китобини варақладингизми?

Кекса хонимнинг кўзлари чакнаб кетди.

– Соммерсет-Хаус? Асло. Тахмин қилиш қийин бўлмади, қишлоқда ҳеч нимани яшириб бўлмайди. Масалан, сизларнинг доимий жанжалларингиз. Жазманлар эмас, эр-хотинлар шунақа уришади. Айтишларича, – мен бунга ишонишга мойилман, – фақат эр ва хотин бир-бирини аямай, ҳамма гапни борича гапириб ташлайди. Қонуний ришталар билан боғланмаган одамлар эҳтиёткоррок. Улар ўзларини мутлақо бахтли эканликларига ишонтиришига тўғри келади, акс ҳолда, буларнинг нимага керак?



– Ундай бўлса... – Дина жим қолиб, сўнг бирдан кулиб юборди. Оғзига сигарета тутиб, хитоб қилди: – Йўқ, сиз ажойиб кампир экансиз! Лекин ҳар бир бурчақда фазилатимни тасдиқлашимнинг сизга нима кераги бор?

– Чунки эрингиз исталган дақиқада қотилликда айбланиб, ҳибсга олиниши мумкин.

38

Дина бир неча сония мисс Марплга ҳайратда қараб қолди. Ишонқирамай сўради:

– Безилни қотиллик учун ҳибсга олишади? Мени аҳмоқ қияпсиз, албатта!

– Асло. Сиз газета ўқимайсизми?

Динанинг нафаси ичига тушиб кетди.

– Наҳотки «Мажестик» меҳмонхонасидаги ёш раққосанинг ўлдирилишига шама қияпсиз? Бэзилдан гумон қилишяптими?

– Ҳа.

– Лекин... бу аҳмоқлик!

Дераза ортида мотор ўкириб, кўча эшик қаттиқ тақиллади. Эшик ланг очилиб, бўсағада Бэзил пайдо бўлди. Унинг икки кўлида шиша бор эди.

– Мен жин ва вермут топиб келдим. Сен эса...

Бэзилнинг курсида расмий қиёфада ўтирган меҳмонга кўзи тушиб, жим бўлиб қолди.

Дина оғир нафас олиб:

– Бу хоним ақлдан озибди! – деди. – У сени ҳадемай Руби Киннинг қотили сифатида қўлга олишларини айтяпти.

– Э Худо! – пичирлади Бэзил Блэйк.

У шишаларни тушириб юборди, шишалар думалаб кетди.



Дина унинг ёнига отилиб, елкасидан ушлаб силкитди:

– Бэзил! Менга қара. Айт, ахир бу ёлғон-ку?! Ёлғон, ёлғон!.. Унинг биттаям сўзига ишонмайман...

– Худойим, бизга раҳм қил, – деди зўрға Бэзил хотинининг кўлидан титраб ушлаб оларкан.

– Лекин нега энди сендан гумон қилишади? Ахир сен у қиз билан ҳатто таниш ҳам эмасдинг-ку?!

– Адашасиз. Улар таниш эди, – деди мисс Марпл.

Бэзил юзини кафтлари билан қисиб, оғриқдан азобланаётгандек чайқала бошлади.

Мисс Марпл жиддий сўради:

– Камин олдига солинган гиламни қаерга йўқотдингиз?

Бэзил итоаткорона жавоб берди:

– Ахлаттепага ташладим.

– Аҳмоқлик ва эҳтиётсизлик. Яхши нарсани ташлаб юборишмайди. Унга кўйлагининг ялтироқлари ёпишганмиди?

– Ҳа. Уларни тозалай олмадим.

Дина бақириб юборди:

– Бэзил, нималар деяпсан?

У кутилмаганда жеркиб берди:

– Яхшиси, ундан сўра. Ҳаммасини биладиганга ўхшайди.

– Хўп, майли, айтиб беришга уриниб кўраман, – хотиржам жавоб берди мисс Марпл. – Бирор нимада янглишсам, тузатасиз, жаноб Блэйк. Зиёфатда сиз анча ичгансиз ва хотинингиз билан жанжаллашиб, бу ерга машинада қайтгансиз. Аниқ билмайман, соат нечада?

– Тунги иккида, – тўнғиллади Бэзил. – Чирок ёққични бураганимда, бу ерда холлдаги гиламда... У титраб ютиниб, жим бўлиб қолди.



Мисс Марпл унинг ўрнига гапни тугатди:

– Оқ бал кўйлагидаги ёш кизнинг мурдасини кўрдингиз. У бўғиб ўлдирилган эди. Афтидан, уни танигансиз?

Бэзил шошиб бош ирғади:

– Ҳа, бир қарашда. Уни ўлдиришган – менинг уйимда ётарди... – У изтиробдан титрай бошлади.

Мисс Марпл овозини кўтармай давом этди:

– Сиз кайфда келгансиз, асабларингиз таранг бўлган. Бундан эса бутунлай ақлингизни йўқотиб қўйгансиз. Ваҳимага тушгансиз...

– Мен ҳадемай Дина келиб қолишидан кўрқардим. Шунда хаёлимга, бечорани қария Бантриникига ташлаб қўйсам-чи, деган фикр келди. Қари ёвуз нуқул менга дакки бераверарди: мен унақаман, бунақаман, кўполман, хотинбозман. Шунга бир ҳазиллашаман... Кутубхонада малласочнинг мурдасини кўриб, афти қандай буришиб кетишини тасаввур қилдим. – Бэзил бироз жонланди. – Мен чиндан ҳам яхшигина маст эдим.

– Шундай, – тасдиқлади мисс Марпл. – Кичкинтой Том Бонднинг хаёлига ҳам шунга ўхшаш фикр келган. У тортинчоқ, қаттиқ ҳаяжонланадиган бола эди. Ўқитувчиси доим уни хафа қилишидан шикоят қиларди. Шунинг учун деворга осилган соатга қурбақани тикиб қўйган, қурбақа ўқитувчининг устига сакраган. Сиз ҳам шундай мантиқ билан иш қилгансиз. Лекин мурда қурбақа эмас-да!

Бэзил хўрсиниб давом этди:

– Эртаси куни тонгда буткул хушёр тортиб, нима бўлганини англадим. Бунинг устига, полициядан анави нусха пайдо бўлди... махлуқнинг ўзи! Мени ўлгудек кўрқитиб қўйди. Худди шу пайт Дина келиб қолди.



Дераза олдида турган Дина ўғирилди:

– Бизникига одам тўла машина келяпти!

– Полиция бўлса керак, – деб мингиллади мисс Марпл.

Бэзил Блэйк бирдан шай ва хотиржам бўлиб қолди. Хотинига:

– Нима ҳам қилардик, – деди, – бунга чидашга тўғри келади. Жасур бўл. Қария Симсга мурожаат қил, у оиламизнинг вакили. Кейин эса онамнинг ёнига бор. Турмуш қурганимизни айт.

Эшик тақиллади. Бэзил баланд овозда гапирди:

– Кириг!

Хона остонасини инспектор Слэк ва полициячи ҳатлаб ўтди.

– Жаноб Бэзил Блэйк?

– Менман.

– Бу йилнинг йигирманчи сентябрь тунида содир этилган Руби Киннинг қотиллигида айбланасиз. Мана, ҳибсга олиш учун ордер. Огоҳлантираман, шу лаҳзадан бошлаб айтган ҳар бир гапингиз сизга қарши ишлатилади. Ортимиздан юриг. Сизга адвокат билан боғланишга имкон берилади.

Бэзил итоаткорона бош ирғади. У хотинига ўғирилди:

– Яқинда кўришгунча, Дина!

«Ғалати мижоз қўлга тушди», – деб ўйлади Слэк. У мисс Марплни энди пайқаб, юзаки саломлашди. «Қари мушук сакрашга шайланиб турибди, – деб кўнглидан ўтказди у. – Яхшики, гиламни қидириб топдик. Автомобиллар турар жойидаги қоровул бу нусха студиядан ярим тунда эмас, бир соат олдин жўнаб кетганини айтди. Қолганлар сохта гувоҳлик берган деб ўйламайман. Шунчаки ҳамма кайфда бўлган. Блэйк



уларга ярим тунда кетганини айтганда эса эътирозсиз қабул қилишган. Манзара равшанга ўхшайди: у жиннилик хуружида ўлдирган. Бунинг учун дор эмас, умрбод қамоқ жазоси берилади. Аввалига Памела Ривз бўлган. Афтидан, уни бўғиб ўлдирган, карьерга олиб келиб, машинада қолдирган ва Дейнмутга пиёда қайтган. Яна рулга ўтирган – машинаси қумтепалар ортида қаердадир турган ва зиёфатга жўнаган. Кейин Руби Кинни олиб кетишга борган. Уни бу ерга олиб келиб, бўғиб ўлдирган-да, Бантрининг кутубхонасига ташлаб қўйган. Карьерда қолдирилган машинани эслаб, қўрқиб кетган. Яна Дейнмутга жўнаган, автомобилни ёқиб юбориб, иккинчи марта уйга қайтиб келган. Савдойи ва шафқатсиз кимсанинг одатдаги ҳаракати. Бу хонимчанинг омади бор экан, уни ҳали ўлдиришга улгурмабди!»

Аёллар ёлғиз қолишгач, Дина:

– Кимлигингни билмайман, – деди. – Лекин ёлвораман, менга ишонинг! Бэзил – қотил эмас!

– Ишонаман, – деди мисс Марпл. – Ҳатто ундан ортиқ: ҳақиқий жиноят кимлигини биламан. Энг қийини – далил топиб бериш.

39

– Мен қайтдим, Артур! – тантанавор оҳангда деди миссис Бантри эрининг кабинети эшигини кенг очаркан.

Полковник Бантри дарров туриб, хотинини ўпди:

– Бу жуда яхши, азизам!

У ўзини иложи борича дадил тутишга уринса-да, севган инсонини чалғитолмади.



– Қандайсан, Артур?

– Мен яхшиман, Долли. Менга нимаям бўларди?

– Энди, – чўзиб мавҳум гапирди у, – атрофда жуда ғалати ишлар бўляпти!

Миссис Бантри эрининг ташки кўринишида ўзгаришларни пайқади: у қандайдир букчайиб, анча озиб қолибди. Кўзларининг таги қорайибди.

У хотиржам оҳангда гапиришга уриниб, сўради:

– Хўш, қандай? Дейнмутда роса маза қилдингизми?

– Албатта. Биз билан бормаганинг чаток бўлди-да!

– Ишларим жуда кўп, азизам. Қаёқда!

– Граф кенгаши мажлисида қандай янгиликлар?

– Э... ҳалиги... биласанми, мен у ёққа бормадим.

– Қанақасига? Ахир раислик қилишинг керак эди-ку?!

– Қандайдир чалкашлик юз берди. Мендан навбатни Томсонга беришимни сўрашди.

– Шунақа де, – деди миссис Бантри кўлидан кўлқопини асабийлик билан юлиб олиб, қоғоз қутисига тушириб юборди.

Полковник олиш учун эгилмоқчи эди, хотини аччиқланиб, уни тўхтатди:

– Қўй, илтимос! Шу кўлқопларни ёмон кўраман.

Полковник унга эсанкираб қаради-ю, индамади.

– Пайшанбада Даффларникида овқатландингми?

– Йўқ, уларнинг ошпази касал бўлиб қолибди.

– Қандай нохушлик... Кеча Нейлорларникига бордингми?

– Биласанми, уларга кўнғироқ қилиб, тобим бўлмаётганини айтдим. Менимча, улар хафа бўлишмади.

– Хўш-хўш... Хафа бўлишмади? Қандай яхши! Бу оқшомни қаерда ўтказамиз, Артур? Кутубхонадами?



– У ерга киргим келмаяпти... Ахир шу ерда ҳам ўтирсак бўлади-ку? Ёки кичкина меҳмонхонада...

– Йўк, одатларимизни ўзгартирмаймиз, – деди миссис Бантри қатъий. – Фақат кутубхонада.

Полковник қадини ростлади. Кўзлари чакнади.

– Сен ҳақсан, азизам, – деди у. – Кутубхонада бўлса, кутубхонада-да.

40

Миссис Бантри жаҳл билан гўшакни қўйди. Икки марта мисс Марплнинг рақамини терди, ҳар гал станция телефонга жавоб беришмаётганини айтди. Миссис Бантрининг қайсарлиги чекинишга йўл бермасди. У бирин-кетин пасторга, миссис Прайс Ридлига, мисс Хартнеллга, мисс Везербига кўнғирок қилди ва ниҳоят, балиқ сотувчининг дўкони билан улаб беришни буюрди. Дўконнинг жойлашуви ҳурматли эгасига ҳаммани кўришга ва ҳамма нарса ҳақида билишга имкон берарди. У бугун эрталаб мисс Марплни пайқамай қолганидан ўзини жуда айбдор сезарди. Мисс Марпл, ҳойнаҳой, одатдаги сайрга чиқмаган.

– Қаерга йўқолиб қолди? – овоз чиқариб айтди миссис Бантри тоқатсизланиб.

Орқасида турганлар одоб билан йўталиб қўйишди. Бош хизматкор Лоример:

– Хоним мисс Марплни излаяптими? – деди.
– Ҳозиргина кўрдим: мисс бу ерга келяпти.

Миссис Бантри севиниб, кириш эшиги томон ошиқди:

– Қаердан келяпсиз, Жейн? Сизни топиш учун қишлоқдаги ҳаммани безовта қилиб чиқдим.



У елкаси оша маъноли назар ташлади. Лоример шошиб, нари кетди.

– Ҳаммаси жуда ёмон кечяпти. Қўшнилар ҳалитдан биздан ўзларини олиб қочишни бошлашди. Артур ўн йилга қариди. Нимадир қилиш керак.

– Долли, – деб гап бошлади мисс Марпл айёрона оҳангда. – Ташвишланишга ҳожат йўқ.

Остонада полковник пайдо бўлди.

– Хайрли кун, мисс Марпл. Хотиним эрталаб сизни қидириб, телефонни бузиб юборди.

– Мен эса сизларга бир янгилик айтмоқчиман, – деди кекса хоним беканинг кетидан кабинетга ўтаркан.

– Айнан қандай янгилик?

– Бэзил Блэйкни ҳозиргина Руби Кинни ўлдиришда айблаб, ҳибсга олишди.

– Бэзил Блэйкни? – бақириб юборди полковник.

– Лекин қотил у эмас, – деб қўшиб қўйди мисс Марпл.

Полковник бу сўзларни эшитмагандек эди.

– Демак, у раққосани бўғиб ўлдириб, жасадни менинг уйимга ташлаб қўйибди-да? Менинг кутубхонамга?

– Блэйк уни ўлиб бўлганда, ўз вилласидан топган.

– Эртас! – деб чўрт кесди полковник. – Тўғри одам бундай ҳолатларда полиция чақиради.

– Ҳамманинг ҳам матонати сизникидек зўр эмас, полковник, – хўрсинди мисс Марпл. – Сиз зуваласи пишиқ одамсиз. Баъзи ёшларнинг эса ҳаёти осон кечмаган, – деди мисс Марпл муросасоз оҳангда. – Масалан, мен Бэзил Блэйк жуда ёшлигидан ўзини ўзи боқишидан хабар топдим. Ёнаётган уйдан бирин-кетин тўрт болани олиб чиқиб, кейин кучукни олиб чиқиш учун олов ичига отилганда, ўн саккиз ёшда бўлган. Уни тута-



ётган вайроналар синиклари орасидан олиб чиқишган. Қовурғалари синган экан, уч ой гипсда ётган. Ўшандан кейин тасвирий санъатга қизиқиб қолган...

Полковник йўталиб олиб, хижолатли бурун қокди:

– Мен... ҳм... бу жасорат ҳақида ҳеч нима билмагандим.

– У бу иши билан мактанмайди ҳам.

– Мақтовга сазовор. Бу йигит ҳақидаги фикримни ўзгартиришга тайёрман... У кўринганидан яхшироқ экан. Ўзим айбдорман: шошиб хулоса чиқариш керак эмас! – Полковникнинг овозида афсусланиш яққол сезилди. – Лекин нима жин уриб, мени қотилга чиқаргиси келди?

– Унинг ёвуз нияти бўлган, деб ўйламайман. Бу маст одамнинг хунук ҳазили бўлса керак.

– Демак, уни айбдор деб ҳисобламайсиз?

– Асло.

– Ҳақиқий қотил кимлигини биласизми?

Мисс Марпл тасдиқ маъносида бош ирғади.

Миссис Бантри қадимги хор сингари бўшлиққа мурожаат қилди:

– У ажойиб! Хўш, ким экан у?

– Мен сизлардан ёрдам сўраб келдим. Ҳозирок Соммерсет-Хаусга жўнаш керак.

41

Жаноб Генри сиполик билан:

– Бу менга ёқмаяпти, – деди.

– Кўриб турибман, – деди мисс Марпл. – Илтимос, шубҳасиз, одатдагидек эмас. Лекин ишонч ҳосил қилиш зарур... Агар жаноб Жефферсон фикримни маъкулласа...



– Харпер-чи? Уни нима қиласиз?

– Унга ҳамма тафсилотларни айтиш шарт эмас. Айрим шахслар ортидан яхшироқ кузатишни топшириш кифоя... Улардан кўз узмасликни сўраш керак.

Жаноб Генри истамай рози бўлди:

– Ҳа, бу ишни осонлаштиради, албатта.

42

Полиция бошлиғи Харпер Генри Клиттерингнинг кўзларига тик қаради:

– Бекинмачоқ ўйнамайлик, жаноб. Мендан ниманидир яширяпсизми?

– Дўстим Жефферсоннинг истагини маълум қилишим мумкин, холос. У эртага Дейнмутда янги васиятнома тузиш ҳақида нотариус билан маслаҳатлашмоқчи.

Полиция бошлиғи зўр бериб ўйларди:

– Жаноб Жефферсон бундан куёви ва келинини хабардор қиладими?

– Улар билан бугун оқшомда гаплашмоқчи.

– Тушунаман, – ковоғини солиб деди Харпер қаламни столга бир маромда ураркан. – Тўғрироғи, тахмин қиляпман.

Унинг ўтқир нигоҳи яна суҳбатдошининг кўзлари билан тўқнашди.

– Бэзил Блэйкнинг ҳибсга олиниши сизни кониктирмадими?

– Сизни-чи?

Полиция бошлиғи саволомуз мўйловини тортди.

– Демак, мисс Марпл тинчланмаяпти?

Улар яна бир-бирларига қарашди.

– Менга ишонинг, – деди Харпер. – Одамларим ара-лашишмайди, зарурат бўлса, сергак бўлиб туришади.



– Унда бу ёкка қаранг-чи.

Жаноб Генри қоғоз варағини очиб, полиция бошлиғининг столи томон сурди. Харпернинг совуққонлигидан асар ҳам қолмади. У ажабланиб, хуштак чалиб қўйди:

– Шундай денг! Бу ҳаммасини ўзгартиради.

43

Конвей Жефферсон кираётган дўстига тез қараб қўйди.

– Улар билан гаплашдим, – деди у. – Янгиликни мутлақо хотиржам қабул қилишди.

– Айнан нима дедингиз, Конвей? – сўради жаноб Генри.

– Фақат Рубининг хотираси учун илгари унга аталган эллик минг фунтни Лондондаги ёш раққосалар мактаби жамғармасига топширмакчилигимни. Бойликдан қутулишнинг ажойиб йўли! Уларнинг ишонувчанлигига ҳайрон қоляпман. – У ўйланиб қолди: – Дўстим, аслида, мен ўзимни меровдек тутдим. Руби ёқимтой, хушрўй киз эди, шу холос. Унга фаришталарга хос фазилатларни тиркашимнинг нима кераги бор эди. Мен унинг қиёфасида иккинчи Розамундани топишни орзу қилгандим.

44

Жаноб Генри дарбонга савол бериш учун меҳмонхона вестибюлига тушди.

– Жаноб Гэскеллми, жаноб? У ҳозиргина машинасида Лондонга жўнаб кетди, – деб жавоб берди дарбон.

– Жуда соз. Миссис Жефферсон-чи, шу ердами?



– Миссис Жефферсон ҳозиргина ўз ётоқхонасига чиқиб кетди.

Жаноб Генри меҳмонхонага ва рақс залига кириб кўрди. Меҳмонлар хонасида Хьюго Маклин диққатини жамлаб, кроссворд ечаётганди. Залда Жози ҳаракат қилиб, терлаб кетган семиз жентльменга дадиллик билан табассумларини совуларди. Жозининг енгил туфлиси, афтидан, рақсдан ҳақиқий завқ олаётган шеригининг бесўнақай бошмоқларидан қочишга аранг улгурарди.

Ҳар доимгидек башанг Реймонд анча кечлигига қарамай, ланж қизни назокат билан айлантирарди.

Жаноб Генри тишларини қисиб, тўнғиллади:

– Ухлаш вақти бўлди. – У шундай дея зинадан юқорига чиқиб кетди.

45

Соат тонгги уч эди. Шамол тиниб, силлиқ, тинч денгизда ой акси кўринарди.

Жефферсоннинг ётоғидаги жимликни фақат унинг бир маромда нафас олиши бузаётганди.

Бирок ташқаридан шамол эсаётгани эшитилмас-да, деразаларнинг биридаги парда қимирлади. Кейин секин сурилди ва ой нурида шарпа кўринди. У шу заҳоти ғойиб бўлди, парда жойига қайтди, ётоқхона қоронғиси ва жимлиги бузилмай қолди. Бирок хонада кимдир бор эди. У каравотга сассиз яқинлашди. Ухлаётган кишининг оғир нафас олишидан бошқа ҳеч қандай овоз эшитилмасди... Чўзилган бармоқлар қариянинг танасидаги терини тортиб, шприцни тикишга тайёрланаётганди.



Кутилмаганда қоронғидан яна битта кўл отилиб чиқиб, шприц ушлаган кўлни қисди.

– Тўхтанг! Шприцни менга беринг.

Чирок ёнди. Конвей Жефферсон ёстикдан сал кўтарилиб, Рубининг қотилига тикилиб қаради.

46

– Менга доктор Ватсон роли теккан экан, услубингизни тушунтириб беринг, мисс Марпл! – деди жаноб Генри Клиттеринг.

Мисс Марпл уялганидан қип-қизариб, байрамларда киядиган шойи кўйлагининг тахларини зўр бериб текислашга киришди.

– Жаноб Генри, кўрқаманки, услубларимни ҳаддан ташқари хаваскорона деб ҳисоблайсиз. Гап шундаки, – тушунтирди у, – кўпчилик одамлар, жумладан, полициячилар ниҳоятда ишонувчан. Улар айтилган ҳамма гапга ишонаверишади. Мен эса – йўқ. Мен далил кутаман.

– Признак научного склада ума, – деди жаноб Генри донишмандларча.

– Бу ишда, – давом этди кекса хоним, – ҳамма энг бошидан диққат билан далил йиғиш ўрнига зоҳирий жиҳатларга эътибор қаратди. Мен, масалан, қурбон жуда ёшлигини, тирноқларини тишлашини, тишлари олдинга туртиб чиққанини кўрдим. Ўлдирилган қизнинг кўриниши менда чексиз шафқат уйғотди. Шундай ёш одамнинг ҳаёти узилиши ҳар доим қайғули. Бирок у полковник Бантрининг кутубхонасида қандай пайдо бўлиб қолди? Умуман тушунарсиз. Полициячилар ҳақидаги романларга жуда ўхшайди, табиий бўлиши мумкин эмас. Блэйк мурдани Бантрининг уйига



ташлаб кетгани қидирувни анча ушлаб қолди, қотилга ҳам кўп ташвиш келтирди. Унинг дастлабки режасига кўра, жаноб Блэйк дарров полициянинг эътиборини тортиши керак эди. Дейнмутда унинг раққоса билан танишлигини аниқлаш қийин бўлмасди. Бошқа аёли пайдо бўлгани боис хулоса чиқариш анча осон эди: Руби кўрқитиб товлаган ва Блэйк уни ғазаб жазавасида бўғиб ўлдирган.

Бироқ ҳаммаси режалаштирилгани учун бошқача кечган. Жефферсонлар оиласи жуда эрта эътиборни тортди... бир шахсда норозилик туғдириб.

Менинг табиатим шундай: ҳар қандай воқеага хушёр, керак бўлса, бироз сурбет нуқтаи назар билан ёндашаман. Раққосанинг ўлимидан икки киши фойда кўрарди. Буни эсдан чиқармаслик керак. Эллик минг фунт – катта бойлик, айниқса, ҳозирги ҳолатдагидек, ўз пули бўлмаганда. Жаноб Жефферсоннинг куёви ва келини жуда ёқимли, жозибали одамлар, улардан гумон қилиш қийин. Шундай бўлса ҳам, миссис Жефферсондан бошлаймиз. У ҳаммага ёқади. Бироқ бу дилбар хоним яқин-яқиндан бери ўзгаргани сезилди. Қайнотасига моддий қарамлик уни азоблайди. Лекин шифокор жаноб Жефферсоннинг санокли кунлари қолганидан огоҳлантиради, демак, унинг келажаги (такрорлайман, биз сурбетларча мулоҳаза юритамиз) жуда яхши бўларди. Агарда... агарда... агарда Руби Кин пайдо бўлмаганда! Миссис Жефферсон ўғлини жуда яхши кўради. Оналик меҳри эса нималарга бошламайди дейсиз! Ҳатто жиноятга ҳам. Қишлоқда шунга ўхшаш воқеалар бўлганини биламан.

Жаноб Марк Гэскелл менда янада кўпроқ шубҳа уйғотди. У қиморбоз, ахлоқий фазилатлари билан



ажралиб турмайди. Бироқ қатор сабабларга кўра, менга бу жиноятда аёлнинг кўли бордек кўринди.

Бироқ бу иккиси учун жиддий сабабни аниқлагач, бир қадар хафалик билан икковининг ҳам суд экспертизаси Руби Киннинг ўлдирилган вақтини белгиланган пайтга бенуксон алибиси борлигини тан олишга мажбур эдим. Кўп ўтмай ёниб кетган машина ва унда Памела Ривзнинг ҳалок бўлгани ҳақидаги хабар келди. Ана шундай қайсар ҳақиқат юзага чиқди: алиби ҳеч нимани билдирмайди! Қўлимда бу ишнинг иккита ярми бор эди. Лекин улар бир-бирига мос келмаётганди. Уларнинг ўртасида боғлиқлик етишмасди. Мен жиноятга дахлдор деб ҳисоблаган шахснинг бунга асоси йўқ эди. Қанчалик нодон эканман-а, – деди мисс Марпл ўйчан. – Дина Ли билан суҳбатлашмаганимда, ақлим етмаган бўларди... Соммерсет-Хаус архивлари! Фуқаролар аҳволи актлари. Никоҳлар рўйхати! Нима учун жаноб Гэскелл ва миссис Жефферсон билан чекланиш керак? Улардан бири яна турмуш қурган ёки шундай қилмоқчи бўлса-чи, у ҳолда, учинчи одамда ҳам жиноят учун асос туғилади!

Балки раққос Реймонд кўпдан бери бой аёлга уйланиш имконини кутгандир.

Реймонддан ташқари яна Хьюго Маклин бор эди. Миссис Жефферсон унга ишонарди ва, афтидан, охир-оқибат унга турмушга чиқмоқчи эди. У ҳам бой эмас. Қотиллик содир этилган тунда Дейнмут яқинида бўлган. Иккала эркакнинг ҳар қайсиси жиноятчи бўлиши мумкин эди. Бироқ қалбимнинг тубида бошқа нарсани ҳам билардим.

– Тирноқлар?! – ҳайқирди жаноб Генри. – Ахир ҳаммаси жуда оддий-ку: биттасини синдириб олгач, бошқаларини ҳам кесиб ташлаган.



– Адашяпсиз, – эътироз билдирди мисс Марпл. – Кесилган тирноқларни тишлаб ташланганлари билан чалкаштирманг. Фарқи аён бўлиши учун мактаб ўқувчиларининг кўлига қараш кифоя. Етимхонадаги қизларга доим тишлаб ташланган тирноқлар жуда хунуқлигини доим такрорлайман. Шу тирноқлар кўринишининг ўзиёқ мени полковник Бантрининг кутубхонасида топилган мурда раққосанинг мурдаси эмаслигига ишонтирди. Мана, ниҳоят, асосий манфаатдор шахсга – Жозига етиб келдик. Ахир мурдани у таниди! Ҳатто киприк ҳам қоқмади, лекин бу унинг холаваччаси эмаслигини биларди, албатта. Шу билан бирга, мурдани айнан бу ердан топишганидан таажжубини яширолмади! Нима учун? Чунки унинг қаерда бўлиши кераклигини ҳаммадан яхши биларди: Бэзил Блэйкнинг уйида!.. Жаноб Блэйкка эътиборимизни ким қаратди? Ўша Жози! У Реймондга, Руби балки «киночи билан кетгандир», деган. Ундан аввалроқ эса ўша кишининг суратини холаваччасининг сумкасига солиб қўйган. Жози! Шафқатсиз, тажрибакор, фақат пулга ўч... Аммо кутубхонада топилган Руби Кин бўлмаса, унда Памела Ривз экан-да? Алдоқчилик нега керак бўлиб қолди? Сабаби битта: маълум кишилар олдида алибини кафолатлаш учун. Руби Кин ўлган соатда кимнинг алибиси бор эди? Марк Гэскеллнинг, миссис Жефферсоннинг ва Жозининг.

Бутун режа қандай амалга оширилиши керак бўлганини тушуниш учун воқеаларнинг асл ривожини тасаввур қилишга уриниб кўриш менга жуда қизик туйилди. Бир қарашда чалкашдек кўринган воқеа, аслида, ниҳоятда жўн эди. Энг аввало, бечора Памелани танлашган. Уни тузоққа тушириш учун киностудия ҳақидаги эртақдан фойдаланилган. Қиз ҳурматли



Марк Гэскелл ваъда қилаётган жуда қизик иш, яъни киносиновда қатнашишга йўқ деёлмади. У меҳмонхонага келган, Гэскелл уни ўша ерда кутиб турган, сўнг Жозига... «гримчи»га таништирган. Бечора қизча! У ҳақда ўйлаганимда, юрагим ачишиб кетяпти... Унинг Жозининг ваннахонасида ўтирганини тасаввур қиляпман. Жози эса унинг сочлари рангини очартиряпти, юзини грим қиляпти, қўл ва оёқларидаги тирноқларига ёрқин лак суряпти... Бу ишларни бажариш давомида унга гиёҳванд модда беришади, ҳойнахой, музқаймоққа сепиб кўйишади.

Кечки овқатдан сўнг Марк Гэскелл ўз машинасида гўёки денгиз бўйига жўнайди. Аслида эса грим қилинган, эгнига Рубининг эски кўйлаги кийдирилган Памелани Бэзил Блэйкнинг вилласига олиб боради ва камин олдидаги гилам устига ётқизади. У хушдан кетган, лекин ҳали тирик. Гэскелл уни кўйлак белбоғи билан бўғади. Эҳ, қандай ваҳшийлик!

Тунги ўнлар чамаси эди. Марк Гэскелл қаттиқ ҳаяжонда меҳмонхонага қайтади ва меҳмонхонада пайдо бўлади. Ҳали тирик Руби Кин эса Реймонд Старр билан илк рақсини беташвиш ижро қилади.

Жози, албатта, унга аввалдан кўрсатма берган. Руби эса ҳамма нарсада ўзидан катта холаваччасига итоат қилишга ўрганганди. Унга тепага чиқиб, Жозининг хонасида кутиш буюрилган. Унга ҳам кучли гиёҳванд модда беришган, балки кечки овқатдан сўнг қаҳва финжонига солингандир. Ёш Бартлетт билан рақс тушаётганда, хадеб эснагани эсингиздами?

Жози Реймонд билан Рубининг хонасига чиққан. Аммо унинг хонасига ўзидан бошқа ҳеч ким кирмаган. Рубини ўша ерда ўлдирган. Кейин залга тушиб,



Реймонд билан рақс тушган, Жефферсонлар билан Рубининг йўқолишини муҳокама қилган ва ҳаммага хайрли тун тилаб, юқорига чиқиб кетган.

Эрта тонгда мурдани ён томондаги зинадан олиб чиқиб, Жорж Бартлеттнинг машинасига итариб киргизади ва карьергача уч километр юради. Ўша ерда ўриндиққа бензин қуйиб, автомобилни ёқиб юборади. Кейин соат саккизларда меҳмонхонага қайтади: гўё ғойиб бўлган холаваччасидан ташвишлангани учун шундай эрта уйғонган.

– Қанчалик мураккаб саҳналаштирилган томоша,
– деди полковник Мэлчетт.

– Рақсдаги фигураларни ўрганишдан қийин эмас,
– эътироз билдирди мисс Марпл.

– Эҳтимол.

– У биттаям икир-чикирни назардан қочирмаган,
– деб давом этди мисс Марпл. – Ҳатто тирноқларнинг ўхшамаслиги ҳақида ҳам ўйлаган... ва Рубининг тирноғи шолрўмолига илиниб қолиши учун ҳаракат қилган. Оддий маникюр қаерга йўқолганига изоҳ бериши керак эди-ку ахир!

Харпер қойил қолди:

– Чиндан ҳам, икир-чикирлар жуда яхши ўйланган!
Сизда эса фақат биттагина кузатув бор эди: ўқувчи қизникидек тишлаб ташланган тирноқлар.

– Йўқ, яна бир нарса бор эди, – деди мисс Марпл.
– Марк Гэскелл оғзидан гуллаб қўйди. У Руби ҳақида шундай деди: сийрак, босиб киргизилгандек тишлар. Кутубхонадаги мурданинг эса тишлари бироз олдинга туртиб чиққанди.

– Охирги саҳнани сиз ўйлаб топдингизми, мисс Марпл? – деб сўради Конвей Жефферсон.



– Бир нарсага шубҳа йўқ эди, – давом этди кекса хоним, – жинойтчилар васиятномани уларнинг фойдасига қарши ўзгартирмоқчилигингиздан хабар топгач, ҳаракат қилишга мажбур бўлади! Бу мерос учун иккита қотиллик содир этилди, учинчиси заруратга айланарди. Марк ўзига алиби қафолатлаш учун Лондонга жўнади. Ўртоқлари билан овқатланди ва оқшомни тунги кабаре¹⁶да тугатди, ижрони эса Жози ўз зиммасига олди. Рубининг ўлими учун Бэзил Блэйк жазоланиши керак бўлса, жаноб Жефферсоннинг ўлими ни юрак хуружига йўйишарди. Шприц дигитамин¹⁷ билан тўлдирилган. Полиция бошлиғининг фикрича, ҳамма вазиятни ҳисобга олган ҳолда, ҳар қандай шифокор табиий ўлимни қайд қилади.

– Иблисона ғоя!

– Демак, учинчи қурбон сифатида Конвейни мўлжаллашган? – сўради жаноб Генри.

– Ҳа, – деди мисс Марпл. – Тўртинчиси эса – Бэзил Блэйк. Ахир улар уни дор остига олиб боришди.

Хонага енгил, тез қадам ташлаб, Аделаида Жефферсон Хьюго ҳамроҳлигида кирди.

– Жуда кеч қолдик, шекилли? – хитоб қилди Хьюго.
– Ахир мен биттаям тафсилотни билмайман. Ўзи Гэскелл билан ўша ёвуз Жозини нима боғлайди?

– Жози унинг хотини эди, – деди мисс Марпл оддийгина қилиб. – Улар бир йил олдин никоҳни расмийлаштиришган. Лекин меросни олгунча сир сақлашга қарор қилишган.

¹⁶ Кабаре – буржуа мамлакатларида эстрадали қаҳвахона ёки кичик ресторани.

¹⁷ Дигитамин – антиадренергик восита, томирлар тонусини камайтиради.



Конвей Жефферсон қаттиқ хафа бўлиб:

– Мен доим Розамунда ярамас одамга турмушга чиққан, деб гумон қилардим, – деди.

– Унга жинойтда хотини илҳом берган, – деди мисс Марпл. – Рубининг пайдо бўлиши уларнинг илк режаларини чалкаштириб юборган. Жаноб Жефферсоннинг унга бундай муносабатда бўлишини кутишмаган.

Жефферсон ғамгин хўрсинди:

– Бечора қизалоқ! Бахтсиз Руби!..

Аделаида ачиниб, унинг елкасидан тутди. Бу оқшом у ўзгача яшнаётганди. Аделаида тутилиб гапирди:

– Жефф, сизга бир нарсани айтишим керак. Хьюго турмушга чиқишимни сўради. Мен рози бўлдим.

Конвей унга қаради.

– Чамаси, янги турмуш ҳақида аллақачон ўйлашингиз керак эди, – деди у. – Иккингизни табриклайман. Дарвоқе, Адди, эртага янги васиятномани расмийлаштираман.

– Ҳа, ҳа, биламан.

– Йўқ, сизлар ҳеч нима билмайсизлар! Сизнинг номингизга банкка ўн минг фунт қўяман, қолгани вафотимдан сўнг Питга ўтади. Мамнунмисиз, азизам?

– Ў, Жефф! Бирам олижанобсизки... – Аделаиданинг овози титраб кетди.

– У ёқимтой бола. Уни тез-тез кўриб туришни истардим... санокли кунларим адо бўлгунча.

– У доим ёнингизда бўлади!

Ҳаяжонга тушган Аделаида шошиб чиқиб кетди. У қайнотасидан таъна, ғазаб хуружини кутганди, лекин олижаноблик ва чинакам оталарча меҳрни кўрди. Хьюго ва Аделаида хонани тарк этгач, рақс зали эшиги ёнида уларга биринчи бўлиб Реймонд дуч келди.



Аделаида тўхтади:

– Жаноб Старр, сизга янгиликни хабар қилмоқчиман: мен турмушга чиқяпман.

Реймонднинг юзида одатий табассум пайдо бўлди.

– Умид қиламанки, – назокат билан гапирди у Аделаидага қараб, Маклинга ўгирилмасдан, – умид қиламанки, бахтингиз бутун бўлади, хоним.

Реймонд уларнинг кетидан узоқ ва маънос қараб қолди.

«Мафтункор аёл, – хўрсинди у. – Бунинг устига, бойга ҳам ўхшайди. Мен эса девонширлик Старрлар байроғини яна ҳилпиратишни жуда истардим!.. Омадим келмади... Майли, эски ишингга қайт, оғайни!»

Реймонд рақс залига қайтди.



МУНДАРИЖА

1-қИСМ	5
2-қИСМ	9
3-қИСМ	10
4-қИСМ	12
5-қИСМ	14
6-қИСМ	16
7-қИСМ	19
8-қИСМ	23
9-қИСМ	27
10-қИСМ	31
11-қИСМ	38
12-қИСМ	39
13-қИСМ	41
14-қИСМ	46
15-қИСМ	47
16-қИСМ	55
17-қИСМ	58
18-қИСМ	61
19-қИСМ	69
20-қИСМ	73
21-қИСМ	78
22-қИСМ	83
23-қИСМ	86
24-қИСМ	94

25-қисм.....	106
26-қисм.....	114
27-қисм.....	115
28-қисм.....	119
29-қисм.....	120
30-қисм.....	123
31-қисм.....	126
32-қисм.....	131
33-қисм.....	137
34-қисм.....	139
35-қисм.....	144
36-қисм.....	148
37-қисм.....	150
38-қисм.....	153
39-қисм.....	157
40-қисм.....	159
41-қисм.....	161
42-қисм.....	162
43-қисм.....	163
44-қисм.....	163
45-қисм.....	164
46-қисм.....	165



Оммабон нашр

Кутубхонадаги мурда

Мухаррир: *У. Ражабова*

Мусахҳиҳ: *З. Исакова*

Бадий муҳаррир: *А. Журавлёва*

Техник муҳаррир: *Ж. Неъматов*

Саҳифаловчи: *М. Мавлонова*

Нашриёт лицензияси А1 № 271, 15.07.2015

Босишга рухсат этилди: 20.07.2018

Қоғоз бичими: 84×108 1/32

Шартли босма табағи: 9,24

Нашр ҳисоб табағи: 5,66

Адади: 5000 (1-завод 2000) нусха

Буюртма № 74

«SPECTRUM MEDIA GROUP» МЧЖ нашриётида босмага
тайёрланди.


Тошкент ш., Кушбеги кўчаси, 6.

«SPECTRUM MEDIA GROUP» МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.

Тошкент ш., Кушбеги кўчаси, 6.

Телефон: (+99897) 155-11-47

Link: @smgprint



Кутубхонадаги мурда – ақл-заковати, топқирлиги билан жиноятларни полициядан аввал фош қиладиган мисс Марпл ҳақидаги навбатдаги асар. Роман нисбатан ихчамлиги, воқеалар ривожи қизиқарлилиги билан ўқувчини зериктирмайди.

Бир куни эрталаб полковник Бантрининг ётоқхонасига оқсоч ваҳима билан кириб, кутубхонада жасад ётганини маълум қилади. Уй эгалари бу хабарга ишона олишмайди, ахир бундай воқеани изкуварлар ҳақидаги асарлардагина учратиш мумкин, Нотаниш малласоч қиз тунда кутубхонада бўғиб кетилган. Полковник дарров полицияни чақиради, хотини эса бу вақтда дугонаси мисс Марплга мурожаат қилади. Ана шундан сўнг меҳмонхонада ишлаган ўн саккиз ёшли қизга, шунингдек, бошқаларга оид сирлар очила бошлайди.

SPECTRUM
NASHRIYOTI

ISBN 978-9943-5355-3-4



9 789943 535534